Дарҳақиқат, Ғафур Ғуломнинг шеърий тафаккур уфқлари "миллионларнинг бахтига пайванд". Шу боис унинг лирик қаҳрамони жаҳоннинг "бир қатра симобдай қалқиб, титраб" туриши, дунёдаги қайсики эрксевар халқнинг қадимий маданиятига ва тарихига даҳл қилиниши, ўзлиги ва миллийлигининг топталишини эшитганида ғазабини боса олмайди. Ўзини қондош, қариндош, "миллиард сонли енгилмас муаззам Шарқ" ўғлони деб билиб, тажовузкорларга кескин қарши туради, нафратини ифода этади. Академик Б.Назаров таъкидлаганидек, "... Ғафур Ғулом XX асрнинг энг муҳим муаммоларини акс эттириш деб, фақат улкан ижтимоий, тарихий, сиёсий ҳодисаларнигина бадиий муҳрлашни тушунмади." [6. 54 б.]. Демак, шоир ижодий меросида ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг инсон руҳиятига, қалбига кўрсатган таъсирини ёритишга алоҳида аҳамият билан қаралган. Шоирнинг "Поль Робсонга", "Она қизим Жамилага" "Тинчлик минбаридан", "Биз тинчлик истаймиз", "Шарқ тинчлик истайди" "Анор", "Ливан омон бўлади" ва бошқа қатор шеърлари фикрларимизнинг нечоғлик тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Муҳими шундаки, бундай шеърларда Ғафур Ғулом шеъриятига хос бўлган оптимистик пафос ифодаси устиворлик қилади. Дунёнинг истаган бурчагидаги ғайриинсоний ҳаракатлардан жабр чекаётган бани инсон боласининг дард-изтироби, қайғу-ҳасрати ҳиссий идрок этилади. Шоир уларга ўзини дарддош ва маслакдош деб билади.

Ғафур Ғулом "Тинчлик нашидаси" номли шеърида шундай ёзади:

Кишилар истайдики, ер юзида барча халқ
Ўз эрки, ҳуқуқида, умр кўрсин пойдор.
Ҳар кимнинг ўз меҳнати, ўз ватан, ўз хоҳиши
Жаҳоний орзуларин давом этсин беозор [9. 221 б.]

Юнон файласуфи Аристотель "Поэтика" асарида поэзия асосида ҳаёт туришини таъкидлаб: "... ё қандай бўлганлигини ва қандайлигини, ё қандай айтилган ва қандай туюлганлигини, ё қандай бўлиши кераклигини тасвирлаш керак бўлади" [1. 52 б.], - деган эди. Шу нуқтаи назардан юқоридаги сатрларга ёндашадиган бўлсак, шоир дунё халқларининг

тинч-осуда яшашлари даргумон бўлган бир шароитда ҳар бир халқнинг ўз ватани, эрки, ҳуқуқи бўлишини орзу қилади. Уларнинг хоҳиш-истаги, орзу-ниятлари, жаҳоний интилишларига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслигини истайди. Бинобарин, Ғафур Ғулом инсониятнинг ўз ватанида эркин, озод яшаши билан боғлиқ поэтик умумлашмаларида юртдошлари дардларини ҳам теран туйған, замонларни ўзаро мантиқий ҳамда ҳиссий туташтириш орқали шоирона романтика қанотларида ифода эта олган эди.

Ғ.Ғулом ўзбек халқи қалбидаги тантилик, меҳнатдаги шарафли интилиш ҳарорати, улуғвор қудрати ва ғурурни миллий рангларда чизаркан, ҳолат-манзараларни яққол кўрсатиш баробарида ўз қалбидаги некбин умидворлик туйғусини ҳам ошкор этади :

Тонгдан ҳам илдамроқ боради чунки,
Юрак уришига қуёш аралаш...
Ғайратдан тер қуйиб, ивиб боради.
Умид манзилига қувиб боради. [9I. 66.]

Шоир иккинчи жаҳон урушидан кейинги тинч ва омон кунлар мазмунини меҳнатда, яратиш, бунёдкорлик ва фидойиликда кўрган. Ўзини ўша мақсадга сафарбар этилганлар сафида санаган. Фаровонлик келтирувчи меҳнат ҳамда меҳнаткаш инсон, халқлар дўстлиги мавзуида битилган шеър ва қўшиқларида тенглик ҳамда ҳуррам замонани улуғлаган. Агар биз бу типдаги шеърлар мазмунини улар яратилган давр билангина чегараласак, Ғ.Ғуломни мадҳиябоз шоир сифатида тасаввур қилишимизга тўғри келади. Афсуски, бундай хулоса шоир улуғвор шахсияти, унинг гўзал мақсад-интилишлари ҳақида нотўғри тасаввур туғдиради. Чунки:

Биринчидан тинчлик, тенглик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, бунёдкорлик, фидойилик ғоялари инсон тафаккурининг маҳсули. Улар ижтимоий бўлиш баробарида, маънавий-руҳий моҳиятга ҳам эга. Ҳар қандай жамият одамларни ҳаракатга чорлашда мазкур ғояларга эҳтиёж сезади. Барча замонларда инсон истиқболли мақсади теран фикрга асосланган етакловчи ғоявий куч билан ҳамқадам бўлиши табиий.

Иккинчидан, Ғ.Ғулом лирик қаҳрамони зоҳиран давр билан бўлса ҳам, унинг ботинида миллатимиз ҳаёт тарзи, эътиқодий қарашлари, минг йиллик адабий-маданий меросимиз негизида шаклланган ақидалар яшайди. Шундай экан, шоир Шарқнинг фарзанди ўлароқ тинчлик, тенглик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, бунёдкорлик, фидойилик ҳақида сўзлаганида ўз замонаси ижтимоий-сиёсий интилишларидан кўра кенгроқ, теранроқ эзгу мазмунларни кўзда тутган. Англашиладики, Ғ.Ғулом ўтган асрнинг 1950- 1960- йилларида яратган асарларда бир қадар юксак пафосда куйланган мардлик, жасорат, қаҳрамонлик ҳақидаги қарашлар ўз мазмуни ва характерига кўра миллий, умуминсоний ва дунёвий ғоялардир.

Кўринадики, шоирнинг “гап тагида гап, коса тагида нимкоса” қўйиб сўзлаш услубига диққат қаратиш унинг қалби ва руҳиятидаги психик жараёнларни кузатиш, онг ости қатламида пинҳон фикр-қарашлари, туйғу-кечинмаларини англаш имконини беради. Шу маънода шоир ўз даври айтишга имкон бермаган, лекин ички “мен”и англаб етган, миллат истиқболи учун ўта муҳим ва зарур деб билган ҳақиқатларини “йўлини топиб” онг остидан онг соҳасига чиқариб ифодалай олган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аристотел. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Ёқубов И., Матёқубова Т. Истеъдод ва маҳорат. – Тошкент, 2003.
3. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. ДДА. – Т.: 1999
4. Мамажонов С. Шоир дунёси. – Т.: 1974.
5. Матёқубова Т. Ғафур Ғулом бадияти. – Т.: Фан ва технология, 2006
6. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004.
7. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Т.: Фан, 1983
8. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. – Т.: Фан, 1984

9. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3.. – Т.: Фан, 1984
10. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.7.. – Т.: Фан, 1987.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ражабова Маърифат Бақоевна
Бухоро давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти
marifat.baakaeva@mail.ru

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙГА БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-31

АННОТАЦИЯ

Мақолада Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий вафотига бағишланган марсиялари таҳлил қилинади.Жумладан, улуғ шоирнинг Абдураҳмон Жомий шахси, унинг фазилатлари тўғрисида қарашлари таҳлиллар орқали ёритиб берилади. Шу билан бирга шоирнинг фалсафий қарашлари, панд-насиҳатларининг марсиялар таркибига сингдирилганлиги шарҳлар таҳлилида кўрсатиб берилган. Таҳлил жараёнида ҳар иккала шахс ўртасидаги дўстлик, инсоний муносабат ва фазилатларга урғу берилади. Марсияда мотам маросимига хос хусусиятларнинг бадиий ифодаси, мотам маросимига оид тасвирларни беришда сўз қўллаш маҳоратига доир мулоҳазалар ўртага ташланади.

Таянч сўзлар: лирик жанри, марсия, мотам, панд-насиҳат, дўстлик, инсоний муносабат

Раджабова Маърифат Бакоевна
Бухарский государственный университет доцент
кафедры узбекского языка и литературы

МАРСИИ АЛИШЕРА НАВОИ, ПОСВЯЩЕННЫЕ АБДУРАХМАНУ ДЖАМИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются биографии Алишера Навои, посвященные смерти его наставника Абдурахмана Джами. В частности, анализируются взгляды великого поэта на личность Абдурахмана Джами, его качества.

В то же время философские воззрения, увещевания поэта, вложенные в содержание трагедий, показаны в обзорном анализе. В процессе анализа акцент делается на дружбе, человеческих отношениях и качествах между двумя личностями. В “Марсии” изложены соображения о словоупотреблении поэта в художественном выражении особенностей траурного обряда.

Опорные слова: лирический жанр, марсия, траур, увещевание, дружба, гуманное отношение.

Rajabova Ma'rifat Baqoevna
Bukhara State University Associate Professor
of Uzbek Language and Literature

ALISHER NAVOI'S MOURNING DEDICATED TO ABDURAHMON JAMIYA

ANNOTATION

The article analyzes the lamentations of Alisher Navoi dedicated to the death of his teacher Abdurahmon Jami. At the same time, the analysis of the commentaries shows that the poet's philosophical views and teachings are embedded in the verses. The analysis emphasizes the friendship, human relationship and qualities between the two individuals. Comments are made on the poet's skill in the use of words in the artistic expression of the peculiarities of the mourning ceremony in Marsiye.

Keywords: lyric genre, mourning, exhortation, friendship, human relationship

---

Ўзбек мотам маросими жараёнлари билан боғлиқ тарзда ижро қилинадиган йиғи ва йўқлов қўшиқларига хос шакл, услуб, оҳангда Алишер Навоий ижодида яратилган навҳаларни, ғазал-марсия ҳамда таркиббанд марсияларни учратиш мумкин. Жумладан, шоирнинг устози, яқин маслаҳатгўйи Абдураҳмон Жомий, дўстлари Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад вафотига атаб ёзган шеърлари ёзма адабиётдаги марсиянинг мумтоз намуналари дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишланган марсияси "Марсияи ҳазрати Махдум" ("Маҳдум ҳазратлари ҳақида марсия)" деб номланган бўлиб, таркиббанд шаклида, форс тилида битилган. Ҳажми ҳар бири ўн байтлик етти банддан ташкил топган. Унда шоир устози Абдураҳмон Жомийнинг ўлими муносабати билан ҳаёт ва ўлим, тирикликнринг мазмун-моҳияти, поклик ва эзгулик, боқийлик ва фонийлик ҳақидаги фалсафий фикрларини баён этган. Ҳаётнинг шафқатсизлигини, умр деганлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетишини ёдга солган. Лекин унда халқ марсиялари ҳамда Навоийгача яратилган ёзма марсиялардаги каби марҳумнинг ўлими қандай содир бўлгани, унинг сабаблари, марҳум тириклигида амалга оширган ишлар тафсилоти келтирилмаган. Шоир учун Жомийнинг ўз тириклигида эзгу амаллар билан умрини мазмунли ўтказгани ва шу билан фоний дунёда боқийликка эришгани, номининг абадий сақланиб қолаётгани муҳимдир. Шунинг учун шоир ёзади:

Бир оламни бошқа бир оламга олиб бориш,
Бундайин огоҳ юк ташувчилардан бошқага раво эмас.

Бу шеър шаклига кўра, мумтоз адабиётнинг йирик ҳажмли лирик жанрларидан бири ҳисобланган таркиббандларга хос мураккаб композицион қурилишда, чегараланмаган ҳажм кенглигида, мазмунига кўра эса марсиялар каби яқин кишисидан айрилган ижодкорнинг мунгли кечинмалари, қалб изтироблари, юрак туғёнлари тасвирига асосланиб яратилган. Натижада унда таркиббанд ва марсия каби аслида алоҳида-алоҳида жанрларнинг хусусиятлари бирлашишидан таркиббанд-марсия шакли пайдо бўлган. Шу шаклда шоир тупроққа топширилган Жомийни ёдга олар экан, бундан ўртанганини сир сақлай олмайди. "Сени тупроқ кўксига хазинадек жойладилар... Сенга жаннат – гулхану тўби бир хашакдек туюлади... Карам қуёши илоҳ кўланкаси тобутинг устига соя ташлади. Агар муяссар бўлса, у ҳам тобутингни елкага олиб, куйган мен каби мозоргача ҳамроҳ бўлар эди" деб ёзади.

Айтилишича, Алишер Навоий ҳар доим Жомийни "Нуран махдум" дея эъзозлаган. Шунинг учун унинг ўлими муносабати билан "Машъал ўчиб, қиёмат кунигача кеча қоронғи қолгани"ни таъкидлайди. "Жаҳон покларининг бошлиғи эдинг, шунинг учун ҳам пок тангри Пок яратди сению, яна пок олиб кетди сени" дея, Ҳазрат Жомийга насиб этган нурафшон умрни мадҳ этади.

Халқ йиғи-йўқловларидаги каби Навоий ҳам марҳум Жомий руҳи покига олқиш айтиб, унинг абадий уйқусига хотиржамлик тилайди. Устози руҳидан мадад сўрайди:

Иззат ва ноз ҳарамида то абад жилва қилгайсан.

Нурларга тўла руҳингдан мадад етказгайсан....

“Қиёматгача сурат билан маъно шоҳ бўлгай, Омин”.

Алишер Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Жомий ўлимини очиқ-ойдин айтмай, уни эфемизмлаштириб “Чун покиза руҳларининг қудсий ошён тоири бадан қафасидин равзаи фирдавс сори парвоз тузди ва муборак жисмларининг олий макон пайкари дор ул-фано маҳбасидин дор ул-бақо анжуманиға майл кўргузди” дея кўчма маъноларда ифода этади. Бунда шоир халқнинг жон ва руҳ билан боғлиқ қадимий анимистик тасаввур-тушунчалари асосида инсон руҳини қуш баданни эса қафас ҳисоблаш, бадан қафасини тарк этган жон қушининг пок бўлса, равзаи фирдавсга (жаннатга), нопок бўлса, дўзахга учиб боришини, яъни дорулфанодан дорулбақога кетишини тасвирламоқда.

Турмушда, одатда, яқин кишисидан жуда бўлганлар таъзия очиб, аза тутадилар. Навоий ҳам устози Жомий вафоти сабаб “соҳиб мотам”, “номурод сўгвор”, “соҳиб азо” ва “ношод таъзият шиор” бўлганини таъкидлайди. Чун бу мотамда мажруҳ кўнгул озори ва маҳзун хотир изтиробу изтирори ҳаддан ошганини, бу ранж таскини ва бу ошуб итмийнони учун ул сипеҳри иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя ва ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида ўтган ҳолотдин бир неча варақ нигориш қилишни ва мақолотдан бир неча муқаддима гузориш беришни хаёл қилганини айтади.

Алишер Навоий Жомий “пок руҳларининг қудсий ошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс ҳавосиға парвоз қилғани”ни айтиш учун асар битар экан, унинг яна бир ўрнида “Музаффар Ҳусайн мирзонинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди тенгри раҳматиға борганда алар азо сўрар дастур била “Боғи Сафед”ға келиб эрдилар. Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота дуоси бобида бу байтни айтиб эрдимким:

Гар шамъ мурд, меҳри фалакро мадор бод,

Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод”, – дея хотирлайди.

Байтнинг мазмуни:

Шамъ ўчса ҳам осмон қуёши айланиб турсин,

Қатра тўкилса ҳам боқийлик суви барқарор бўлсин.

Шоир шундан сўнг Жомийнинг давоту қалам ва қоғоз тилаб олиб, қуйидаги байтни ўша лавҳада жавоб тариқасида битганини ёдга олади:

Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,

Гар з-он ки мева рехт, шажар пойдор бод.

Байтнинг мазмуни:

Фонийлик ғорида улар йўқолгудек бўлсалар,

Мен ҳам тўртинчилари – итлари бўлайин.

Яна бир ўринда Навоий бир тазминини “Подшоҳ Марв қишлоғида эрканда Устод Ҳасан Нойининг фавтининг хабари Ироқдин келди, Фақир Ҳазрати Мавлавий маснавийсининг аввалғи байти муносабат жиҳатидин тазмин қилиб эрдим.. Бу навъким,

т а з м и н:

Шарҳи ҳажри шоҳи устодон Ҳасан,

“Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад”.

Банд-банди у жудо гашта зи ҳам,

“Аз жудоиҳо шикоят мекунад”, – дейди.

Бу шеърдаги ҳар байтнинг иккинчи мисраси Жалолиддин Румийдан тазмин, яъни иқтибос (кўчирма) олинган. Мазмуни: “Устодлар шоҳи Ҳасандан жудолик шарҳини, “Найдан эшитгил, қандай ҳикоя қилади”. Унинг бўғин-бўғини бир-биридан ажралиб, “Жудоликлардан шикоят қилади”.

Бу байтда ҳазрат Махдум ҳам тазмин қилиб, уни Навоийга жавоб сифатида йўллаган экан. У қуйидагича:

т а з м и н:

Шуд наи хома диламро таржумон,

«Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад».

Бо забони тезу чашми ашкрез

«Аз жудоиҳо шикоят мекунад».

Мазмуни: “Қалам найи дилимнинг таржимони бўлди, “Найдан эшитгил, қандай ҳикоя қилади”. Ўткир тил ва ёш тўкувчи кўзлар билан, “Жудоликлардан шикоят қилади”.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Навоий устози Жомийнинг тарих-марсиялар битишдаги маҳоратини ҳам алоҳида тилга олиб ўтади.

Д.Ўраеванинг ўзбек мотам маросими фольклори генезиси, жанрий таркиби ва бадийяти ўрганилган тадқиқотида ислом динига эътиқод қилувчи халқлар орасида пайшанба, жума, рўза ва ҳайит кунлари жаннат эшиклари очиқ бўлади ва бу кунларда жон таслим қилган кишилар ҳеч бир қийинчиликсиз, сўроқ-саволсиз жаннатга кириб боради деб қаралиши сабабли шу кунларда юз берган ўлим хосиятли саналиши, ҳатто ўз ўлимини тан олувчи ҳар бир мусулмон жума куни ўлим топишни катта бахт деб билиши, бу тушунчалар халқ йиғи ва йўқловларида ҳам ўз ифодасини топганлиги мисоллар билан далилланган. Жумладан, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида ҳам жума куни юз берган ўлим ҳақида алоҳида ишора берилгани кузатилади: “Ул ҳазратнинг фавтлари воқеаси шарҳиға шуруъ қилали: аларнинг валодатлари тарихи ва ҳаётларининг замонининг тарихи юқори мазкур бўлубтур. Аммо фано доридин бақо гулзориға риҳлатлари жумъа куни муҳаррам ойининг ўн еттисида тариҳ секкиз юз тўқсон секкизида воқеъ бўлди”.

Шоир ўлди сўзини деярли ишлатмаган. Бу сўз ўрнида фавт, кўз юммоқ, бақога рихлат қилмоқ, руҳ қуши учмоқ, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилмоқ, малаил-аълоға азимат қилмоқ сингари сўз ва ибораларни қўллаган: “алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар. Аларнинг мутаҳҳар руҳи чун малаил-аълоға азимат қилди ва асҳобнинг ҳаёти қуши ҳамул тоййри қудсийдин ирашти, фазаи акбар малаи аълоға етишти, чун ул пок муҳиб ўзин пок маҳбуб висолиға солди – олам жонсиз бадандек холи қолди”. **Марсия:**

Ҳар дам аз анжумани чарх жафое дигар аст,
Ҳар як анжуми у доғи балое дигар аст.
Рўзу шабро, ки кабудасту сияҳ жома дар ў,
Шаб азои дигару рўз азои дигар аст.
Балки ҳар лаҳза азоест, ки аз дашти адам,
Ҳар дам аз хайли ажал гарди фанои дигар аст.
Хаст мотамкадае – даҳр, ки аз ҳар тарафаш
Дуди оҳи дигару нолаву вои дигар аст.
Оҳи ў ҳаст ба дил тийраги афзоянда,
Вои ў низ бажоняъсфизои дигар аст..
Гули ин боғ, ки садпора зи мотамзадагист,
Ҳар яке сухтаи жома-қабои дигар аст.
Оби ў заҳру ҳавояш мутааффин, чи ажаб,
Ки дар ин марҳала ҳар лаҳза вабои дигар аст.
Аҳли дилмаилсўйигулшаниқудсоварданд,
Ҳастазонру, кидарубуҳавоидигараст.
Назди арбоби яқин дори фано жое нест,
Ватани аслинтоифажоидигараст.
З-ин сабаб масти маи жоми азал орифи жом,
Сархуш аз дори фано сўи ватан кард хиром.

Марсия мазмунида “ҳар дам осмон анжуманидан янги бир жафо келади, унинг ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир” дейилмоқда. Бу билан халқнинг “юлдуз учса, кимдир вафот этади” деган қарашига ишора қилинмоқда. Шунинг учун марсияда “ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир” деган таъкид келтирилмоқда. Яна шоир гўзал тамсил яратиб, инсон ўлимини табиатда кеча ва кундузнинг

алмашишига, шу алмашиш жараёнида уларнинг мотамдагидек кўк ва қора кийим кийишига тенглаштирмоқда. Бу, айниқса, "Кечаси бошқа аза ва кундузи бошқа азадир. Балки ҳар лаҳза йўқлик даштидан аза келади. Ҳар дам ажал гуруҳидан янги бир фано гарди келади" мазмунидаги мисраларда ёрқин акс этган. Шундан келиб чиқиб, шоир дунёни мотамхона деб атаб, унинг ҳар тарафидан бошқа бир оҳнинг дуди ва бошқа нолаю вой келишини, унинг оҳи дилга қоронғулик орттиришини, нолаю войи эса жонга янги қайғу солишини таъкидлайди. Натижада бу боғнинг гули, яъни шоир кўнгли мотамзадаликдан юз пора бўлганини, ҳар бирининг либоси, бошқасининг эса тўни куйганлигини билдиради.

Шунингдек, "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида келтирилган маълумотлар асосида Навоий даврида мотам маросимларининг ташкил қилиниш тартиби ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, шоир ўлимнинг мудҳиш хабари шаҳарга тарқалгач, акобирми ё оддий фуқароми, атрофдан йиғилиб келиши, барча сўгворлик (мотам) либосида бўлиши, ҳой-ҳой йиғлаб ва талх-талх шўробалар тўкиши, соҳиб азони шафқат юзасидан қучиб, бир муддат унинг бошини қўйнида асраб йиғлаб, сойир асҳобға кўнгул бериб, ҳолига дил сўзлуқлар айтишини билдиради. Шу ўринда Жомийнинг ўғли Мавлоно Зиёвуддин Юсуфга ва Навоийга султоннинг келиб, соҳиб азо сифатида кўнгил сўрагани ҳам тасвирланган. Яна "ҳазароти олиёт маҳди улё Бикабегимнинг сўгворлиғ ва мотамзадалиғ таврида келиб, азо сўрар қоидасин бажо келтургани" ҳам тасвир этилган. Атрофдаги вилоятдан ҳам ул зотнинг азоси учун келишганини таъкидлаган. Шу ўринда шоир ёзади: "Филҳақиқат бу фақир соҳиб азо эрди, ҳамул дастур била фақирни ўқ соҳиб азо (асосий азадорлардан бири – М.Р.) тутуб, сўрмоғ расмин маръий туттилар. Ҳаттоким, Султон-Бадиуззамон мирзо Мозандарон мулкидин киши йибориб, алар азоси учун баъзиға либослар илтифот қилиб эрдилар... Бир йилғача олам аҳлиға умуман ва Хуросону Ҳирот аҳлиға хусусан, мотам эрди. Йил бўлғондин сўнгра Ҳазрати Султони соҳибқирон аларнинг йил ошин басе эъзоз ва эҳтиром била подшоҳона бериб, мухлисларидин баъзйул ҳазратнинг мутаҳҳар марқади бошида олий иморат солиб, ҳуффозу имом ва муқрию худдом тайин қилди. Ва назм аҳли кўп таърихлар айтиб ўкудилар. Ул жумладин ҳуруф роқимибу марсия била таърихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдиким, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди.

Бу маълумотлар воситасида Навоий даврида соҳиб азалик, аза сўраш одоби, аза билдирувчилар томонидан азадорларга ҳатто либослар туҳфа қилиш, марҳум хотираси учун бир йилгача мотам сақлаш, сўнгра йил маросимини ташкил қилиб, "йил оши" удумини бажариш, яъни элга ош тортиб, марҳумни тантанали хотирлаш, руҳига дуолар қилиш удумлари бўлганини билиб олиш мумкин. Худди удумларнинг барчаси ҳозиргача ўзбеклар орасида сақланиб келмоқда. Фақатгина азадорларга йил ошидан сўнг либослар туҳфа қилиш удуми ҳозирги пайтда Фарғона водийси ҳамда Сурхондарё ҳудуди аҳолиси орасидагина сақланиб қолган.

Демак, Алишер Навоий устози Абдураҳмон Жомийнинг дафн маросими мана шундай тантанали ўтказилгани орқали унинг буюк ва қадрли инсон бўлганини маълум қилади. Ҳатто Султон Ҳусайннинг шахсан ўзи бу тадбирларда фаол қатнашганини, марҳум шоир қабри устига мақбара бунёд эттирганини ва унга ҳуффозу имом ва муқрию худдом тайин қилганини, назм аҳли эса Жомийга бағишлаб кўп таърихлар битганларини қайд этиб ўтади. "Шу жумладин ҳуруф роқими бу марсия била таърихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдиким, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди", – дея таъкидлайди.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин" охирида келтирилган марсияларда ажал, арвоҳ, тобут, мотамкада, мотамзада, жаннати фирдавс, гиръякунон, наъразанон, навҳатироз сингари мотам маросимига оид тушунчалардан фойдаланилган. Масалан, қуйидаги марсия-ғазал бевосита

марҳумни тобутга солиб, қабристонга кўтариб олиб бориш жараёнида тобуткашларнинг ҳолати ва вазиятини реал акс эттираётгани билан аҳамиятлидир. Чунки ҳозиргача халқимиз орасида вафот этган киши тобутини елкама-елка кўтариб бориб сўнгги манзилига қўйиб келиш одати сақланган. Зеро, шу ҳаётий реал манзарани Навоий қуйидагича ифодалаб кўрсатган:

Ўзбекча таржимада мазмуни:
Бу азадан ҳамма оламда не гадо қолди, на шоҳ.
Улар сенинг мотамингда икки юзлаб нолаву оҳ чекдилар.
Булутдек ўкириб, наъра тортиб,
Карам қуёши – илоҳ кўланкаси тобутинг устига соя ташлади.
Агар муяссар бўлса у ҳам наъшингни елкага олиб,
Куйган мен каби мозоргача ҳамроҳ бўлар эди.
Жаҳон подшоҳлари тўнларини чок қилиб,
Тобутинг олдида қаттиқ қайғу билан қадам ташладилар.
Жаҳон мағрурлари тобутинг остида паст бўлиб,
Ҳаммалари йиғлаб, сенинг юкингни букчайганча элтиб бордилар.
Тобутинг ҳар пояси бир улуғ зот елкасида,
Лекин тўртовлари бир бўлиб, дод солиб йиғладилар.
Бир оламни бошқа бир оламга олиб бориш,
Бундайин огоҳ юк ташувчилардан бошқага мумкин эмас.
Улкан бетоқатлик юз бердики, шунча кўп кўзлар билан ҳам
Айланувчи осмон ўша томонга қарай олмади.
Гарчи тунинг нур билан ойдиндек оппоқ эса-да,
Лекин ҳеч ким бундай қора кунни кўрган эмас эди.
Намозингга минглаб кишилар тўпланди,
Юз минглаб малаклар ҳавода саф тортди.

Ғазалнинг илк мисраси ўлимнинг барҳақлигини, шоҳу гадога бирлигини, барчанинг ўткинчилигини таъкидлаш билан бошланган. Аслида бундай ҳақли эътирофни халқ йиғи-йўқлов қўшиқларида ҳам кузатиш мумкин:

На шоҳ қолди, на гадо, алла,
Аллалаб кўтардилар, алла.
Олиб кўчадан ўтдилар, алла.

Ғазалнинг иккинчи мисрасида дунё халқлари мотам маросимига хос: ўлим юз берганда кўпчилик бўлиб бақириб-чақириб йиғлаш одатига ишора қилинган. Маълумотларга қараганда, “ўлимнинг келиб чиқишига қадимги инсонларнинг ўлим олиб келувчи мифик кўринишдаги ёмон руҳларни қўрқитиб, улардан олиб қочиб кетилаётган инсон руҳини қутқариб олиб қолиш нияти асос бўлган”. Жумладан, қадимги сахалинликлар ва айнлар ҳам ўлим юз берганда қилич билан ўлимни ҳайдашга, уни чалғитиб, марҳумни ва ўзларини ҳимоя қилишга уринганликлари айтилади. Хуллас, шундай тасаввур-тушунчалар асосида қадимдан ҳозиргача ўликка йиғлаш одати бўлганлиги Навоийнинг “Ки кашиданд ба сўги ту ду сад нолаву оҳ” (“Улар сенинг мотамингда икки юзлаб нолаву оҳ чекдилар”) сатридан ҳам маълум бўлади.

Шоир марҳумнинг тобути олдида ва остида ҳатто жаҳон мағрурлари ҳам паст бўлиб, қаттиқ қайғу билан қадам ташлаб, ҳаммалари йиғлаб, қадди букчайганча уни элтиб бораётганини тасвирлар экан, одатимизга кўра, тобуткашларнинг бошларини ерга эгганча, вазмин қадамлар ила, ғамгин кайфиятда, тобутнинг тўрт поясини тўрт кишилашиб елкага олиб, тез-тез алмашиниб, баланд кўтариб боришлари манзарасини реал ярата олган.

Ғазалда тобутинг ҳар пояси бир улуғ зот елкасида экани, бу улуғ зотлар тўрт киши экани, тўртовлари бир бўлиб, дод солиб йиғлаб бораётгани таъкиди орқали шоир халқ тилида “тўрт оёқли чўбин от” деб юритилувчи тобут кўринишини тасаввурда жонлантиришни кўзда тутган. Зеро, этнограф ва фольклоршунос тадқиқотчилар фикрича, қадимги туркийларнинг

ўлган киши жасадини отга миндириб, дафн этиладиган жойгача олиб бориш одати майитни тобутга солиб, қабристонга олиб бориш одати шаклида ўзгариб, ҳозиргача яшаб келмоқда.

Умуман айтганда, “мотам маросими ибтидоий инсонларнинг ўлим ҳодисаси, ўлимдан сўнг қайта тирилиш, нариги дунё, ўликлар мулки, руҳлар олами, абадий ҳаёт ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалари асосида шаклланган бўлиб, бора-бора яхлит бир тизимни ҳосил қилган”. Шу каби анъаналар асосида Навоий ҳам яратган ғазал марсиясида “Оламеро ба сўи олами дигар бурдан” дея, инсоннинг бир оламдан бошқа бир оламга олиб борилиши ҳақида сўзлайди.

Ғазалда келтирилган “қора кун” тушунчаси икки хил маънода талқин топган: марҳум учун улуғ ва қутлуғ кун сифатида, чунки у бу кун Яратган ҳузурига отланмоқда. Шунинг учун шоир марҳумга мурожаат қилиб, “тунинг нур билан ойдиндек оппоқ”, “ҳеч ким бундай қора кунни кўрган эмас эди” дейди. Лекин тириклар яқинидан, улуғ бир зотдан айрилиб қолгани улар учун “қора кун”, яъни ғаму қайғуга тўла кун бўлгани билдирилмоқда.

Ғазалда келтирилган “намоз” сўзи марҳумлар учун тириклар томонидан жамоа бўлиб ўқиладиган “жаноза намози”ни англатади. Бундай намоз тури марҳумнинг истиғфори учун ўқиладиган фарзи кифоя намози ҳисобланади. Уни ўқишда фақат эркаклар иштирок этади. Намозга йиғилганлар тик турган ҳолатда марҳумнинг бу дунёда билиб-билмай қилган гуноҳларини кечиришни Аллоҳдан сўрайдилар. Шуни назарда тутган шоир Жомийнинг жаноза намозида минглаб кишилар тўпланган ва юз минглаб малаклар ҳавода саф тортгани ҳақида гапирган.

Кўринадики, Алишер Навоийнинг ғазал-марсиялари мазмунан халқ йиғи-йўқлов қўшиқлари мазмунига яқинлиги, уларга хос ғамгин, айрилиқ оҳангида яратилгани, ўзида мотам маросимига хос кўплаб урф-одатларни бадиий мотивлаштириб келгани билан эътиборни тортади. Шу жиҳатдан улар Навоий ижодига хос этнографик фольклоризмларни ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтай олади.

Алишер Навоий қайси бир анъанавий мавзу ва жанрда ижод қилмасин, реал ҳаёт, ижтимоий воқелик билан боғлиқ ҳолда иш кўрди. Бу эса унинг марсия жанри табиатини бойитишдаги хизматларида ҳам намоёндир. Айтиш мумкинки, улуғ шоир ушбу жанрнинг поэтик структурасини ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ғоялар, юксак маънолар билан янада бойитиб, умрнинг ўткинчилигини, ўлимнинг барҳақлигию шоҳу гадога, каттаю кичикка баробарлигини яна бир карра таъкитдлаб ўтди. Хусусан, ёруғ оламни тарк этган яқин инсонларининг маънавий портретини, халқ олдидаги хизматларию юксак тафаккур ила яратган асарлари қимматини реалистик буёқларда бера олди. Улар билан боғлиқ таассуротларини, ҳаётий-психологик лавҳалар тасвири ва таҳлилини бадиий уйғунликда ифодалаб, жанр имкониятларини тўла намоён этишга эришди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева. – Бухоро, 2004.
2. Дьяконова В.П. Погребальный обряд тувинцев как историко-этнографический источник. – Л.: Наука, 1975. – С.55
3. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. / Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. – Т.: Фан, 1999.
4. Навоий Алишер. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Ҳайратланганлар бешлиги”). Табдил, матн, изоҳ ва таржималар: Суйима Ғаниева. – Т.: 2004. – 80 бет.
5. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
6. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.
7. Музаффаров С. Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг поэтикаси. НДА. – Т.:, 2004. – 26 бет.

8. Раҳимжонов М. Марсия: Филол фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2020.
9. Спеваковский А. Д. Духи, оборотни, демоны и божества айнов. – М.: Наука, 1988.
10. Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими генезиси, жанрий таркиби ва бадиияти: Филол. фанл. докт... дисс. – Т.: 2005.
11. Ўраева Д. Навоий “Хамса”сида беш фарз талқини. Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-иаърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Навоий, 2018 йил 6-7 февраль.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич
Бухоро Давлат Университети илмий изланувчиси
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

"САОДАТ СОҲИЛИ" ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА БОБУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-32

АННОТАЦИЯ

Шоҳ ва шоир З.М.Бобур жаҳон тамаддунига ҳисса қўшган улуғ сиймолар қаторида туради. Шу боис бу тарихий шахс ҳақида дунё миқёсида у яшаган даврдан ҳозирга қадар қатор тарихий ва бадиий асарлар яратилди ва яратилмоқда. Бу тарихий ва бадиий манбаларда буюк мутафаккир ҳақидаги муҳим ҳақиқатлар, унинг ниҳоятда мураккаб, бироқ мазмунли ҳаёти ўз ифодасини топган. Мазкур манбаларни муқоясавий ўрганиш бугунги адабиётшунослик ва тарихшунослик илми олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада атоқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида яратилган Бобур образи З. М. Бобурнинг “Бобурнома” мемуари, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” ва бошқа тарихий асарлар билан қиёсан текширилган. Бунда адабиётшуносликдаги биографик метод асос қилиб олинган.

Калит сўзлар: биографик ёндашув, тарихий шахс, тарихий асар, бадиий асар, образ, тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Саодат соҳили”.

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич
Научный сотрудник
Бухарского Государственного Университета
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

ОБРАЗ БАБУРА В ПОВЕСТИ «САОДАТ СОҲИЛИ» И В ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

АННОТАЦИЯ

Поэт и правитель З. М. Бабур относится к ряду великих фигур, внесших ценный вклад в мировую цивилизацию. По этой причине об этой исторической личности до сих пор создаются художественные и исторические произведения мирового масштаба. В этих исторических и художественных источниках описывается тяжелая, но весьма благотворная жизнь великого мыслителя. В статье дан сопоставительный анализ повести известного писателя Хайриддина Султанова "Саодат соҳили" (“Берег счастья”) с такими историческими источниками как мемуары «Бабурнаме» , «История Рашиди» Мирзо Мухаммад Хайдара с точки зрения биографического подхода.

Ключевые слова: биографический подход, историческая личность, историческое произведение, художественное произведение, образ, историческая правда, художественный вымысел, "Бобурнаме", "Тарихи Рашиди", “Саодат соҳили”

Kamolov Ikhtiyor Nigmatullayevich
Scientific researcher, Bukhara State University
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

THE IMAGE OF BABUR IN THE STORY “SAODAT SOHILI” AND IN HISTORICAL SOURCES

ANNOTATION

Poet and ruler ZM Babur belongs to a number of great figures who made a valuable contribution to world civilization. For this reason, literary and historical works of a world scale are still created about this historical person. These historical and artistic sources describe the difficult but very meaningful life of the great thinker. The article provides a comparative analysis of the novel "Saodat sohili" (“The coast of happiness”) by Khayriddin Sultonov with such historical sources as the memoirs “Baburname” by Babur and “Tarikhi Rashidiy” by Mirzo Mukhammad Khaidar from the point of view of a biographical approach.

Key words: biographical approach, historical character, historical work, literary work, image, historical truth, fiction, "Boburname", "Tarihi Rashidi", “Saodat sohili”.

КИРИШ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек ва жаҳон адиблари томонидан кўп бора қаламга олинган. Шоҳ ва шоир ҳақидаги ўлмас асарлардан бири – атоқли ёзувчимиз Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасидир.

“Саодат соҳили” қиссасидаги тарихий жараён Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг сўнгги йилларидаги хронологик даврни ўз ичига олади. Асарнинг шоҳ ва шоир ҳақидаги бошқа бадиий асарлардан ўзига хос жиҳати шундаки, Хайриддин Султонов Бобур жангу-жадаллар, тахт учун курашлар, хиёнат ва алдовлар гирдобида эмас, балки улкан салтанат тузишга муваффақ бўлган, ҳаётнинг барча пасту-баландлари, синовларини бошидан кечирган, умрининг сўнгги ойлари акс эттирилган. Қиссанинг асосий сьюжет чизиқлари Аграда истиқомат қилаётган Буюк Бобурийлар империяси асосчиси ҳамда тошкентлик олим, тарихчи ва тилшунос Ҳофиз Кўйкий ўртасидаги қизғин суҳбатлар асосида ўтади. Шу ўринда қизиқ савол туғилади: Ҳофиз Кўйкий ким? У ҳақиқатдан ҳам Бобур билан учрашганми?

АСОСИЙ ҚИСМ. Тарих, араб тили ва грамматикаси, мантиқ, ҳуқуқшунослик ва диний илмлар билан шуғулланган, бу борада қатор асарлар тасниф этган тошкентлик Ҳофиз Кўҳакий халқ ўртасида Ҳофиз Кўйкий номи билан машҳур. Ҳозирда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги олим яшаган маҳалла «Ҳофиз Кўйки» деб аталади. Ҳофиз Кўҳакий темурийзода Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг шогирди Али Қушчининг набирасидир. Ҳофиз Кўҳакий паркентлик Камолиддиннинг ўғли бўлиб, тўлиқ исми Султон Муҳаммаддир. Қудуруйнинг «Мухтасар ал-Қудирий» номли асарини кўчирган Ҳофиз Кўҳакийнинг ўғли Абдуллоҳ қўлёзманинг охирида бундай деб ёзади: «Котиб—Абдуллоҳ валади Ҳофиз Султон Муҳаммад» [1]. Ҳофиз Кўҳакий араб тили ва грамматикасини, мантиқ илмини яхши билганлиги учун мадрасаларда ҳам дарс берган. Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим ўзининг «Насамот ал-қудс мин хадойиқ ал-унс» асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб ёзади: «Ҳофиз Кўҳакий номи билан шуҳрат топган Мавлоно алломаи Тошкандий Мавлоно Асомиддиннинг шогирдларидан бўлиб, қатор асарлар тасниф қилган» [2. 142].

Ҳофиз Кўҳакий турли масалаларга оид қатор илмий асарлар тасниф этади. У «Тарихи Тошканд» («Тошкент тарихи»), «Тарихи оли Чингиз» («Чингиз авлоди тарихи»), «Рисола фи фанн ат-тафсир ва-л-усул ва-л-фуруъ ва-л-мантиқ ва-л-калом («Тавсир, фиқҳ асослари ва тармоқлари, мантиқ ва калом илми ҳақида рисола») Абдураҳмон Жомийнинг «Шарҳи Мулла» номи билан шуҳрат топган «Фавоиди зиёийя» номли араб тили грамматикасига оид шарҳига ҳошия», «Шарҳ аш-шарҳ одоб ал-мунозара» («Мунозара қоидаси» шарҳининг шарҳи»), Мавлоно Асомиддиннинг грамматикага оид «Мезон ул-адаб» («Билим мезони») асарига «Ужолат ул-баён фи шарҳ ал-мезон» («Мезон шарҳининг тезкор баёни») номли шарҳ каби қатор асарларнинг муаллифидир [3]. Шунингдек, Ҳофиз Кўҳакий Муҳаммад ибн Адноннинг икки томлик «Тарихи Туркистон» номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган

ва унга баъзи маълумотларни қўшиб бошқа ном билан атаган. Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида ҳам Ҳофиз Кўҳакий “Рисола фи фанн ат-тафсир ва-л-усул ва-л-фуруъ ва-л-мантиқ ва-л-калом” асарини битиб [4, 90], энди тараддуд бошлаган “Тарихи оли Чингиз” [4, 98] асари учун материал йиғиш мақсадида Ҳиндга келган олим сифатида тасвирланади. Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг илмли, обрўли ва сиёстманд кишиси бўлганлиги боис 1528 йилда Тошкентдан тўй муносабати билан Ҳиндистонга, Заҳириддин Муҳаммад Бобур хузурига юборилган эди. Ҳофиз Кўҳакийнинг бу тўйда қатнашганлигини Бобур «Бобурнома»да ҳам келтиради: “Шанба куни ойнинг олтисида тўй бўлди… Ўзбак элчилари… бу тўйда бор эрдилар… Сўл қўлда ҳам ушбу дастур била ўзбек элчилари ўлтуруб, беклардин Абдуллоқа фармон бўлдиким, булар била ўлтурғай… Улуғ ош тортилғонидан кейин… Хожа Мир султонга ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фарруҳ бошлиқ Хожанинг мулозимлариға ва ўзга элчиларга ҳам олтундан, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди” [5, 379-380].

Бобур “Бобурнома”да уни “Ҳофиз”, “Хожа Ҳофиз”, “Ҳофиз Тошкандий” номлари билан келтиради [6, 404]. Бу учрашув ва суҳбат ҳақида Ҳофиз Кўҳакийнинг ўзи ҳам эсдаликларида маълумот қолдирган: “...Кўп вақт ҳазратнинг файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ушмундоғ ғариб ҳолни ваҳм этдимки, ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний ва жаннатмакон Мир Алишерга бирдек улуғ эътимод боғлаган эдилар, аларнинг қутлуғ номларини ҳаргиз тилдан қўймасдилар. Ҳазрати Мир ҳаётлигида дийдор насиб этмаганини мутассил таассуф била сўйлар эдилар...” [4, 103]

Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим таъбири билан айтганда “Саодат соҳили” таъбир жоиз бўлса, саодатли қисса. Муаллиф бир-бирига асло ўхшамаган турли тақдир эгаларининг мураккаб, машаққатли умр йўлларини ботиний қиёслайди. Бу қиёсларда Бобурнинг юрт армони ва соғинчи, унинг шоҳлиги, шоирлиги, умуман, нодир шахсияти ёрқин намоён бўлади ” [7, 10]

Демак, “Саодат соҳили”да тасвирланган замонасининг бу икки қаҳрамонининг кўришуви тарихий фактдир. Фақат бу жараённи тасвирлашда Хайриддин Султонов ўзгача бадиий тасвир ва ёндашувлардан фойдаланади. Биринчи навбатда Ҳофиз Кўйкийнинг Аграга расмий элчи сифатида эмас, балки гўдаклигида йўқотган отасини излаб Ҳинд сари отланган шогирди Биноқулга ҳамроҳлик қилаётган устоз, Мозори Ҳожи масжидининг имоми [4, 83] сифатида қиссада пайдо бўлади. Қисса муқаддимасида айтилишича, Биноқулнинг отаси Бобоқул 27 йил аввал – 20 ёшида Бобур Мирзо Фаркатда тўхтаганида унинг қўшинига кирган ва Ҳиндистонга кетган ҳамда шу билан бедарак кетган. Ўшанда 3 ёшда бўлган Биноқул падарини онасининг сўзларида таниб улғайди, онаси эса турмуш ўртоғини кута-кута яқинда вафот этди. Ўзига устоз деб билган Ҳофиз Кўйкийнинг Ҳиндистон сафарига ҳозирланаётганини эшитиб, ундан бирга олиб кетишни сўради. Чунки Биноқулнинг “отасининг тириклигига, қирғинбарот жанглардан омон чиққанига, ёт элларда соғ-саломат юрганига сўнмас ишонч билан инонар, назарида, падари бузруквори она юртда қолган мурғак зурёдининг дийдорини интиқлик билан кутаётганига” ишончи комил эди. Асосий мақсад фақатгина ота дийдори эмас, балки соддадил маҳсидўз йигит сўзлари билан айтганда “Бобур шоҳни бир кўрсам...Билмайсиз тақдир, ўзим ҳам билмайман, лекин нечундир худо менинг меҳримни ул зотга туширган”. Бундай образларни асарда учратган китобхон гўё уларни яқиндай кўргандек, танишгандай бўлади. Зеро, улуғ адиб Асқад Мухтор таъбири билан айтганда, Хайриддин Султоновнинг “..бош ташвиши – одамларнинг маънавиятидир” [7, 5]

Устоз ва шогирд йўлга чиқишди. Ўн етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан юрдилар. Ўн саккизинчи куни эса саҳар чоғи улар кетаётган карвонни қароқчи урди, улар қочишга улгуришди. Кичкина бир тугунчасинигина олишга улгурган Биноқул йўлда қирдан йиқилиб, умуртқасию-оёқларини шикастлади. Охир оқибат отасининг дийдорини кўролмай, ярим йўлда устозининг қўлларида жон беради. Ўлими олдидан эса тугунида асраб юрган китобни устозига бериб, васиятини айтади: “Тақсир, мана шу китобни мен унга ихлос билан тортиқ эмоқчи эдим. Ўзим китобат қилиб эдим...Сўнгги тилагим ҳам, васиятим ҳам шу: шу китобни Бобур ҳазратларига элтиб, дуои саломимни етказгайсиз”.

Тугунда Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси бўлиб, қисса муаллифи айнан шу асарни танлаганининг ҳам ўз сабаби бўлса керак. Зеро, “Муҳаббат шабадалари” деб таржима қилинувчи асар гўёки Биноқулнинг, қолаверса, у орқали ота юртнинг Бобур Мирзога юборилган меҳр-муҳаббат, соғинч саболари сифатида танланган бўлса, ажаб эмас. Хусусан, бу туҳфани қабул қилган шоҳ ва шоирнинг “Муҳаббат насими келган юртга жон садқа бўлсин”, дея эътироф этиши ҳам бежизга эмас.

Шогирдининг васияти ва Бобур Мирзога аталган туҳфа билан Ҳиндистонга етиб борган Ҳофиз Кўйкий Агра бозори дарвозаси олдида “турк-таровати ғалати...пахмоқ соч-соқоли патила-патила бўлиб елкасию-кўксини қоплаган, эгнидаги жулдур ридосига сон-саноқсиз тумор-кўзмунчоқлар тақилган” қарияга дуч келади. Халқ орасида “Бахшитурк” номини олган ушбу персонаж воқеалар давомида маълум бўлишича, аслида Биноқул излаб йўлга чиққан падари – Бобоқул бўлиб, Бобур Мирзонинг айтишича, ушбу “жасорати мумтоз навкар” уйга қайтиш учун из сўраб, рухсат олади. Аммо Панипат жангида ҳукдмори ва қуролдошларини ташлаб кетишга кўзи қиймай, маҳорабада бошидан зарба егач, ҳушидан айрилади. Шу-шу савдойи бўлиб қолган Бахшитурк бозорларда шеър ўқиб, қаландарона ҳаёт кечиришни бошлайди. Қиссада тез-тез келтирилган ва Кўйкийнинг шуурини заб этган қуйидаги сатрлар айнан унинн нутқидан олинган:

“Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ,
Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ”

Ушбу мисралар “Бобурнома” да ҳам келтирилган бўлиб [5, 382], шоҳ ва шоирнинг қаламига мансубдир. Айнан ушбу байтни танлашдан қисса муаллифининг мақсади Ватанидан олис ўзга юртда ҳукмронлик қилаётган Бобурнинг ички оламини аниқроқ тасвирлаш бўлса, ажаб эмас. Зеро, бойлиги сероб, аммо қалбга сурур беролмаган мамлакатда Ватан соғинчи билан умр ўтказган Заҳириддин Муҳаммаднинг биографияси кейинчалик у ҳақида ёзилган бадиий асарлар учун асосий мотив бўлиб хизмат қилган. Ҳофиз Кўйкийнинг Аградаги Боғи Нурафшонда Бобур томонидан қабул қилиниши, улар ўртасида самимий суҳбатлар муаллиф томонидан юқори бадиий пардаларда тасвирланган. Мезбон шоҳнинг рағбати ва самимий қабулидан сўнг меҳмон катта иштиёқ ва илҳом билан ижодга киришади.

Йўл азоби, шу пайтгача чеккан қийинчиликлари шоҳ кутубхонасининг остонасидан ичкари кириши билан унут бўлади. “У кўҳна қўлёзмаларнинг сарғайган саҳифаларини кўз нури ва юрак қони билан мунаввар этиб, тарихнинг унутилган, чалкаш сўқмоқлари орасидан Ҳақиқат водийси сари элтувчи чағир тошли ягона йўлни излашга киришди”. Ўз навбатида Бобур ҳам Ватанидан шунчаки туҳфа ва салом келтирган меҳмонни эмас, балки қомусий олимни қабул қилганини сезди. “Аҳли дониш билан суҳбатни ҳар қандай вақтичоғликдан афзал билгани сабабли, уни ҳар оқшом ҳузурига чорлаб, дўстона иззат-икром, лутф-карамлар кўрсата бошлади”. Ҳофиз Кўйкий худдики улкан салтанат асосчиси, йирик жаҳонгир билан эмас, балки яқин дўсти, ҳамкасби, ҳаммаслаги билан суҳбат қургандай ўзини эркин ҳис қилар, унинг саволларга дадил жавоб қайтаришдан ҳайиқмас эди. “Бобур Мирзонинг теран салоҳияти, фавқулодда тиниқ ҳофизаси, фикридаги мантиқ қудрати унга умрини ёлғиз илму-фанга бахш этган, мубоҳасада беназир нуроний алломани эслатар эди...”

Қолаверса, икки жаҳонгашта олим диалогида Бобурнинг фикларида Хайриддин Султонов айнан “Бобурнома”дан иқтибос сифатида келтиради. Жумладан, Алишер Навоийга таъриф бераётганда “Воқеоти Бобур” даги таърифни [5, 179], яъни “Алишербек беназир зот эрди... Туркий тилда ҳеч ким ашъорни ул ҳазратдек кўп ва хўб айтқон эмас” айнан келтиради. Бундай тарихий фактларни асарнинг турли ўринларида, хусусан, Бобур Мирзонинг Панипат жангида 100 минг қўшинга қарши ўзининг 14 минг кишиси билан чиққанлиги; Абдулвоҳид Фориғий, Юсуфий, Султон Муҳаммад Дўлдой, Ғиёсиддин қўрчи, Кичик Хожа, Шерхон Сур сингари исмлари “Бобурнома”да ҳам келтирилган образларни қиссага киритганида; асар воқеалари Жунпур, Фаркат, Агра, Боғи Нурафшон сингари аник манзиллара тасвирланишида ҳам сезиш мумкин. Юқоридаги фактларнинг барчаси “Саодат соҳили” қиссасидаги сюжетнинг тарихийлик аҳамиятини оширади. Боғи Нурафшондаги суҳбатлардан бирида Ҳофиз Кўйкий подшоҳга Ҳинд диёрига ташрифининг яна бир сабабини очиқлайди: “Менинг қутлуғ

ҳузурингизга келмоқдан мақсадим, аввало, сиз зоти шарифларини зиёрат қилмоқ бўлса, сўнг шуҳрати етти иқлимга машҳур алломаларингиз билан танишмоқ, кутубхонангиздаги ноёб дурдоналардан баҳраманд бўлмоқлик умиди ҳамдир".

Олиму-фозиллар ҳомийси, ижод мухлиси Бобур ҳаёт тажрибасида "...қалбаки тангалардан кўра қалбаки алломаларни кўпроқ учратган" [4, 96] бўлса ҳам, Ватанидан келган тарихчига иззат-икром кўрсатиб, унинг илмий изланиш олиб бориши учун барча шароитларни яратишга буйруқ беради. Ҳатто унга ихлос қилиб, ўз қўли билан кўчирган китобини Бобурга юборган, йўлда вафот этган Бинокулнинг ҳақига салтанатидаги барча масжидлар жума намозида хатм бағишлашга фармон чиқариб, ўзи ҳам ғойибона садоқати учун арвоҳига беш вақт намоз узра тиловат қилишини айтади. Бундай саҳналар Заҳириддин Муҳаммаднинг тарихий ва бадиий манбаларда асрлар оша мадҳ этиб келинаётган саховатпешалигига, тантилиги ва самимийлигига яна бир ишора қилади.

"Саодат соҳили" асарида муаллиф Бобурнинг бошқарув тизими, ҳар қандай қарорга келишдан олдин адолат ва инсонпарварлик тамойилларига, қолаверса, бобокалони Соҳибқироннинг "Темур тузуклари" қомусномасига амал қилиши; 7-8 ёшли Гулбаданбегимга падарининг рубоийни маромига етказиб ўқишни ўргатиши; Бобурнинг тожу-тахт, салтанатга қўл силтаб, "дарвеш бўлуб Ватанга қайтмоқни орзу килур", аммо она юртидаги сиёсий парокандалик сабаб, ҳам "...донадек фарзандларидан қандоқ кўнгул узиши", аҳли аёли, аҳолисини ташлаб кетолмаслиги сингари саҳналар юқори бадиий пафосда тасвирланган. Қиссасининг бундай номланишига сабаб бўлган ҳамда Аграда учрашган икки ватандош ўртасидаги энг самимий суҳбат – бу шубҳасиз, Бобур Мизонинг мутассил кўриб келаётган бир туши масаласидир. Шоҳ ва шоирнинг таъкидича, "...тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган.Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман. Ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар".

Ҳукмдор аввалига туш таъбирини аркони давлат, мунажжимлардан сўрайди, улар эса ушбу тасвирланган қирғоқ – Бобур саодатининг соҳили деган фикрни билдиришади. Аммо ҳеч ким ушбу соҳил аслида қаерда эканлигини ҳукмдорга аниқ кўрсата олмайди. Кимдир у макон "...чоғир денгизининг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг канорасида...Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида". Ана шундай пайтда Бобур учун бироз оғир эшитилса ҳам, энг маъқул жавобни Ҳофиз Кўйкий дадиллик билан айтади: "Саодат соҳили – Ватанда, олампаноҳ..." Бобурийлар саройида иззат-икромда истиқомат қилган, унинг бой кутубхонасидан фойдаланиш бахтига муяссар бўлган Ҳофиз Кўйкий ҳукмдордан изн сўраб, она юртига қайтади. Хайрлашиш олдидан бетоб ётган Заҳириддин Муҳаммаднинг аҳволи унга қаттиқ таъсир қилади. Чунки "Оламнинг қарийб ярмини қилич билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳамиша шаъну-шавкат оғушида музаффар яшаган бу улуғ заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда кўрмоқлик ғоят оғир эди". Ҳофиз Кўйкий кетаётган карвон эндигина Ҳиндистон сарҳадларидан чиққач, чопар Бобур Мирзонинг вафот этганлиги ҳақидаги хабарни етказди. Олим ортга қайтиб, шоҳ ва шоирнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, унинг ҳаққига бир ҳафтагача мотам тутди. Қайтишда Агра билан, темурийзода билан бўлган суҳбатлардан қолган хотиралар билан, Бахшитурк билан хайрлашди. Қалбида маҳзун оғирлик билан Ватанига қайтаётган Ҳофиз Кўйкийнинг ёдидан Бобурнинг унга айтган сўннги сўзлари хеч қачон чиқмаса керак: "Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!.."

Хайриддин Султонов бу асарида фақатгина сўзловчи, ҳикоячи эмас, балки мунаққид ёки гувоҳ сифатида ҳам ўз таҳлиллари билан қатнашиб туради. Масалан, муаллиф Бобур тузган давлатнинг "Европалик муаррихлар "фаромушлиги" туфайли тарих саҳифаларига "Буюк мўғул империяси" номи билан битилганлиги" га куюнганини, отаси Умаршайх Мирзодан ҳақиқий илми толиблар ҳақида эшитган Муҳаммад Ғаззолий тўғрисидаги ривоятдан қистирма эпизод сифатида фойдаланганига эътибор қаратиш мумкин.

"Саодат соҳили" қиссасидаги энг кучли ҳиссий кулминация, асардаги лирик чекиниш – муаллифнинг Бобур ички кечинмаларига ҳамоҳанг ҳолда ўзининг ҳам ижодкор сифатида

бутун умр излаган “Ўлмас сўз” [4, 102] ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин: “Биздан аввал ўтганларнинг барчаси кетди. Биздан кейин келгувчиларнинг ҳам барчаси кетажак. Бизнинг ҳам азалий қисматимиз шу. Ҳаммамиз кетурмиз – истисносиз, истиғносиз...Фақат, қачондир, қайдадир ўртанган юракнинг ўртанган тили билан бир ҳақ сўз айта олган бўлсак, ёлғиз шу сўзгина замонлар суронига бўй бермай, асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша ҳаққа ташна, ўртанган бир юракка етиб бормоғи эҳтимол... Қайда у – ўша Ўлмас сўз?.. Қиссада Фаркат топоними ва бу жой билан боғлиқ воқеаларга бир неча муҳим ўринларда урғу берилади. Хусусан, Биноқул Фаркатдан, Бобур Мирзо ҳам шу масканда тўхтаган пайтда Бобоқул унга аскарликка ўтган, Ҳофиз Кўҳакий ҳам Фаркатда истиқомат қиларди.

Бобур Мирзо ҳам 1501 йилда Самарқанд ва Андижондан айрилган саргардонлик кезларида бу ерда маълум муддат бўлганини, бир юзу ўн олтига кирган кампирнинг кулбасида кучли ёмғирдан беркиниб, он сақлаганини хотирлайди. Шоҳ ва шоирнинг мемуари “Бобурнома”да ҳам шунга ўхшаш воқеаларга чизгилар бор: “Ҳазрати Хожаго Хожа Самарқандтин чиқиб келиб, Фарката ўлтуруб эдилар. Фаркатқа бориб Хожани кўрдум...Бу кентта раоёнинг уйларига туштук. Мен бир калонтарининг уйига туштим...Онаси...бир юз ўн бир ёшта эди. Темурбек Ҳиндустонға кирганда бу хотуннинг уруқ-қаёшидин бири ул черикка бориб экандур” [5, 99].

Шоҳ ва шоир 1501-1502 йилларда шу ҳудуд атройида саргардонликда бўлган [8, 523]. Тарих қайтарилади, деганларидек, Бобур Мирзо ҳам Биноқулнинг отасини худди бобокалони Амир Темур сингари айнан Фаркатда хизматига олиб, Ҳинд диёрига олиб кетган. Бобур Мирзонинг Фаркатда кечган кунлари америкалик шарқшунос Ҳарольд Ламбнинг “Бобур–йўлбарс” асарида ҳам тасвирланади [9, 91]

Аслида Фаркат – бу Тошкент вилояти Паркент туманининг тарихий номларидан биридир [10, 97]. Муаллифнинг айнан бу географик ҳудудни воқеалар ва асар ғоясини боғловчи маскан қилиб танлашдан ўз мақсади ҳам бор. Маълумки, Хайриддин Султонов Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган. Ўрта мактабни Паркентдаги тугатади [11], яъни болалик ва ўсмирлик кезлари айнан Паркент туманида ўтган. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “Саодат соҳили” қиссаси фақатгина Бобур Мирзо ва Ҳофиз Кўйкий тўғрисида ёзилган асар эмас, балки муаллифнинг ўзи яшаган, таҳсил олган жонажон маконга бағишланган қасидаси ҳамдир. Чунки қиссада Фаркатнинг тоғу-тошлари, табиати, ёмғири, иқлими тасвирланар экан бунда фақат XVI аср тасвири эмас, балки Хайриддин Султоновнинг кўриб улғайган реал манзараларни кўриш мумкин.

ХУЛОСА. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг салтанат тарихи, маданий-маърифий мероси, ҳар қандай даврга, авлодга ўрнак бўла оладиган умр йўли тўғрисида инсоният тамаддуни бор экан китоблар ёзилаверади ва ўз мухлисларини топаверади. Шу қаторда, Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссаси ҳам бу борадаги бетакрор асарлардан бири бўлиб қолади. Зора, қиссада Бобур Мирзо ва у орқали муаллифнинг ўзи бутун умри давомида излаб келган ўша “Ўлмас сўз” шу асарнинг ўзи бўлса, ажаб эмас. Зотан, муаллиф Ҳофиз Кўйкий билан суҳбатларнинг бирида Бобур тилидан айтганидек: “Ёруғ жаҳонда қирқ саккиз йил умргузаронлик килиб англаган ҳақиқатим шу:..Қасрлар емирилур, салтанатлар тўзар, асъасаю дабдабалар йитар...Бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://shosh.uz/hofiz-kohakiy/
2. Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. Т.: Янги аср авлоди, 2009. -184 б.
3. https://kun.uz/news/2018/03/31/maallangiz-tarihini-bilasizmi
4. Хайриддин Султон. Саодат соҳили. –Т.:”Ғафур Ғулом”, 2005. -234 б.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.:”Фан”, 2019. –440 б.
6. Буюк юрт алломалари. У.Увватов муҳаррирлигида.-Т.:“Ўзбекистон”, 2020. – 424 б .
7. Султонов Х. Кўнгил озодадур. Т.: - “Янги аср авлоди”, 2019. – 672 б .
8. Бобур энциклопедияси. –Т.:”Шарқ”, 2014. – 744 б.

9. Ламб Ҳ. Бобур–йўлбарс. –Т.:”Ўзбекистон”, 2018. – 296 б.
10. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т.:”Марифат принт”, 2005. –137 б.
11. https://arboblar.uz/ru/people/sultanov-khajriddin-madriddinovich

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ҳасанова Барно Юсуповна,
Қўқон давлат педагогика институти доцент,
фалсафа фанлари доктори.(PhD)

АСҚАД МУХТОР ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-33

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада улкан адиб Асқад Мухторнинг ҳикоя жанридаги асарлари таҳлилга тортилган. Адибнинг кичик жанрдаги катта меҳнати “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Кўк тош” ҳикояларида Соҳибқирон Амир Темур образини маҳорат билан ярата олганлигини тадқиқ этиш орқали кўрсатилган. Тарихий мавзудаги асарларни ёзишдаги ўзига хосликлар, давр колоритини бера олишдаги ёзувчи услуби ҳақида асосли хулосалар берилган. Ёзувчининг “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясига Амир Темур ва Айри Берди ва бошқа ижодкор шахслар ҳақида бир нечта афсоналар сюжети асос бўлгани, натижада ҳикояга асос бўлган фольклор сюжети билан адиб яратган оригинал ҳикоя сюжети бирлашиб, синтезлашган мураккаб фольклоризм вужудга келгани таҳлиллар асосида очиб берилди. Мақолада “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида раиятпарвар, илмпарвар, адабиётсевар шоҳ ва ҳукмдор образини муваффақиятли яратилганлиги, “Кўк тош”да эса бойликка ва шуҳратпарастликка ружу қўйиш ёмон оқибатларга олиб келишини ҳикояда тамсил этилган афсона орқали исботлатганлиги илмий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: Асқад Мухтор, Амир Темур, ҳикоя, образ, давр, қаҳрамон, трагизм, адабий тажриба, ечим, сюжет, фольклоризм, афсона, ривоят, маҳорат, умумтуркий халқлар, тарихий образ, мустабид тузим, қисса, ижодий босқич.

Хасанова Барно Юсуповна,
Кокандский государственный педагогический институт,
доцент, доктор филологических наук. (PhD)

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА АМИРА ТЕМУРА В РАБОТЕ АСКАДА МУХТАРА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются произведения великого писателя Аскада Мухтора в жанре рассказа. О большом творчестве писателя в малом жанре свидетельствует исследование мастерства образа Амира Темура в рассказах «Служу человеку», «Голубой камень». Даны обоснованные выводы об особенностях написания произведений на историческую тему, авторской манере придания колорита эпохе. Авторский рассказ «Служу мужчине» основан на сюжете нескольких легенд об Амире Темуре, Айри Берди и других творческих людях. В статье научно констатируется, что в рассказе «Я служу человеку» удачно создан образ патриота, ученого, литературного царя и правителя, а в «Голубом камне» миф, описанный в рассказе,

доказывает, что погоня за богатством и амбиции приводят к плохим последствиям.

Ключевые слова: Аскад Мухтор, Амир Темур, рассказ, образ, период, герой, трагедия, литературный опыт, решение, сюжет, фольклор, легенда, мастерство, общетюркские народы, исторический образ, диктаторский строй, новелла, творческий этап

Khasanova Barno Yusupovna,
Kokand State Pedagogical Institute,
Associate Professor, Cand.

ARTISTIC INTERPRETATION OF THE IMAGE OF AMIR TEMUR IN THE WORK OF ASCAD MUKHTAR

ANNOTATION

The article analyzes the works of the great writer Askad Mukhtor in the genre of the story. The great work of the writer in the small genre is evidenced by the study of the mastery of the image of Amir Temur in the stories "I Serve Man", "The Blue Stone". Reasonable conclusions are given about the peculiarities of writing works on a historical theme, the author's manner of giving color to the era. The author's story "I Serve a Man" is based on the plot of several legends about Amir Temur, Airi Berdi and other creative people. The article scientifically states that in the story "I serve a man" the image of a patriot, scientist, literary king and ruler was successfully created, and in the "Blue Stone" the myth described in the story proves that the pursuit of wealth and ambition leads to bad consequences.

Key words: Askad Mukhtor, Amir Temur, story, image, period, hero, tragedy, literary experience, solution, plot, folklore, фольклор, legend, skill, all-Turkic peoples, historical image, dictatorial system, short story, creative stage

---

Ҳассос сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор Чўлпон асарлари ҳали ёруғлик юзини кўрмаётган мустабид тузим шароитларида дадиллик билан “Кеча ва Кундуз” романининг жозибаси ҳақида сўзлаб: “...бу чиндан ҳам ўзига хос лирик қурилишга эга асарки, унда кайфият баёндан устун келибгина қолмасдан, балки ундан гўё ажралиб, кўтарилиб, илгарилаб, баённи ўз ортидан эргаштириб боради”[11,77], - дея алоҳида қайд этган экан. Бунда баён оддий “тўпори” ҳикоялаш, кайфият эса ёзувчининг маҳорати экани сир эмас. Чўлпоннинг издошларидан бири Асқад Мухтор ҳикояларига назар ташланса, худди шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Асқад Мухтор ижодида тарихий мавзу у қадар салмоқли эмас. Лекин “Бухоронинг жин кўчалари” қиссаси ҳамда “Чинор” романида тарихий мавзуни ҳам маромига етказиб ишлай олиш маҳоратини намоён эта олган. Асқад Мухторнинг кейинчалик яратган кичик жанрдаги асарлари орасида икки ҳикоя бевосита Амир Темур номи билан боғлиқ. Булар: “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ва “Кўк тош” ҳикояларидир. Айниқса, саркарда, улуғ ҳукмдор Амир Темур билан Айри Қўбуз муносабатларини самимий акс эттирувчи “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикояси алоҳида ажралиб туради. Адиб ҳикояга узоқ мозийни – Амир Темур замонларини мавзу қилиб олади ва асар марказида ҳам айнан соҳибқирон Амир Темур туради.

Мазкур ҳикояда ёзувчи эътибори Амир Темур образи ва унинг жаҳонгирлиги, адолатпарвар ва илмпарвар ҳукмдор бўлганини ёритишга қаратилган. У аслида ёзувчининг илк ижодий босқичида ёзилган бўлса-да, узоқ йиллар давомида ҳеч қаерда чоп этилмаган. 1994 йилда “Инсонга қуллуқ қиладурмен” номли янги ҳикоялар тўпламига киритилган. Ҳикоя номи тўпламнинг сарлавҳаси сифатида ҳам китоб муқовасига чиқарилган. Маълумки, Амир Темур образи жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида жуда кўплаб машҳур адиблар томонидан яратилган. Темур образи ва унинг жанговор юришлари тарихи, улуғ ҳукмдорнинг қатор фазилатлари ўзбек, озарбайжон, турк адибларининг роман, ҳикояларида акс этган. Агар кенгроқ маънода оладиган бўлсак, Амир Темур образи умумтуркий халқлар адибларинигина эмас, балки узоқ ғарб олимлари ва ёзувчиларини ҳам мунтазам қизиқтириб, ўзига жалб этиб келаётган катта тарихий шахсдир. Ўзбек адабиётида А.Мухтор, Н.Қобул, Муҳаммад Али каби ёзувчилар Амир Темур образини ҳикоя, роман, роман-трилогия жанрларидаги асарларида

яратишга муваффақ бўлдилар. Хусусан, Асқад Мухтор ўзининг “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясига буюк саркарда Амир Темур ва Айри Берди афсонасини асос қилиб олган. Ҳикоянинг яратилишига туртки берган инсон ёзувчининг талабалик давридаги домласи Иброҳим Мўминов бўлади. Зеро, бу ҳақда ёзувчи ўзи китобга ёзган сўзбошисида шундай хотирлайди: “Амир Темур тўғрисидаги ҳикоя анча илгари, олтмишинчи йилларда битилган. ... У киши менинг “ишим”да бадиий бўёқларни пайқаган эканлар чоғи, ижоддан гап очдилар. Ва Амир Темур билан Айри Берди афсонасини ҳикоя қилиб бердилар, афсонанинг тарихий заминлари борлигини тушунтириб, баъзи адабиётларни тавсия этдилар. Хуллас, шу ҳақда ҳикоями, қиссами ёзиш мумкинлигига шама қилиб, далда учун мен ҳақимда бир неча оғиз яхши сўз айтдилар...”[1, 3-4].

Сўзбошида “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясининг яратилиш тарихи очиб берилган. Афсуски, Амир Темур ва Айри Берди ҳақидаги халқ афсонасини ёзма манбалардан топа олмадик. “Амир Темур ҳақида ҳикоялар” китобида ҳам мазкур афсона учрамайди [2]. Аммо китобдан ўрин олган “Майса ҳиди” ҳикоясида мутасаввуф шоир Шабустарий қишлоғида бўлган ҳукмдорнинг Маҳмуд Шабустарий ижоди ҳақидаги ўйлари, шоир қабри зиёрати каби воқеалар беихтиёр Амир Темур билан Айри Қўбуз ҳақидаги “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясини ёдга тушириб юборади. Ҳикояга асос бўлган фольклор сюжети билан адиб яратган оригинал ҳикоя сюжети бирлашиб, синтезлашган мураккаб фольклоризм вужудга келган.

Адабиётшунос Ғ.Мўминов афсона ва ривоятларнинг бадиий асар тўқимасидаги беқиёс аҳамиятини ўрганар экан, шундай хулосага келади: “Афсона ва ривоятлар ўткир сюжетлари, чуқур фалсафий хулосалари, донишманд ва ботир қаҳрамонлари билан қадимдан ёзма адабиётга таъсир кўрсатиб келади.

Афсона ва ривоятлар қизиқарли фабулалари, афсонавий-фантастик сюжетлари билан ёзма адабиётдаги сюжет поэтикасини бойитишга, тасвирдаги динамизмни таъминлашга, қаҳрамонларнинг ёрқин образларини яратишга кўмаклашади” [4,74] Олим афсона ва ривоятларнинг ёзма адабиётдаги сюжет поэтикасини бойитишга қўшадиган улкан хизматини жуда тўғри баҳолаганидек, Асқад Мухторнинг “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида адолатпарвар, илмпарвар, раиятпарвар ҳукмдорнинг ёрқин образи тўлақонли чиқишига Амир Темур ҳақидаги халқ афсоналари мустаҳкам пойдевор бўлган. Ҳикояда исломий эътиқоди собит, ҳам жисман, ҳам руҳан кучли ҳукмдор шахс Амир Темур образи жуда маҳорат билан чизилган. Асар XIV асрнинг энг долғали замонларидан, Амир Темурнинг Тўхтамиш билан олиб борган даҳшатли жангу жадалларидан сўз очиш билан бирга соҳибқироннинг кароматгўй авлиё Айри Қўбиз билан қилган фалсафий мубоҳасалари борасида ҳикоя қилади. Ҳикояда Амир Темур ва Айри Қўбиз образлари баркамол қиёфада тасвирланади. Чунки ҳикоя жанрининг талаби ҳам аслида тайёр характерларни маълум бир ҳаётий воқеалар доирасида ҳаракатлантиришдан иборатдир. Ҳикоя марказига тарихий воқеалар қўйилган бўлса ҳам тарихий ҳақиқатнинг салмоғи бадиий ҳақиқатнинг салмоғидан устун турмайди. Зеро, тарихий воқеликни тасвирлаш ёзувчининг бирламчи мақсади бўлмай, кўпроқ Айри Қўбиз билан соҳибқирон ўртасидаги мубоҳасалар ва мусоҳабалар асосий режага кўтарилган. Бу жараёнда ҳар икки қаҳрамоннинг ҳам ўзига хос характер қирралари намоён бўлади. Ёзувчи кўпроқ тўқимага урғу берсада, тарихий ҳақиқатдан чекинмайди. Амир Темур феъл-атворидаги қатъийлик, билим ва заковат, ўрни келганда қаҳру ғазабни ҳам тасвирлашни эътибордан қочирмайди. Айри Қўбиз эса ҳеч нарсадан, ҳаттоки ўлимдан ҳам тап тортмайдиган бир инсон қиёфасида гавдаланади. Ҳатто яқинлари ҳам соҳибқироннинг юзига тик боқа олмайдиган бир шароитда Айри Қўбиз унга сенлаб мурожаат қилади. Авлиё жуда кўп ҳолларда соҳибқироннинг келгуси зафарларию қийинчиликларини башорат қилади. Урушлар туфайли оддий халқнинг машаққатлар гирдобида қийналишлари ҳам ёзувчи диққатидан четда қолмайди. Амир Темур Айри Қўбузни Темурийлар тарихини ёзган Шарафиддин Али Яздий, юнон ёзувчиси Гомердан ҳам устун қўяди. Бу юқори баҳо асар қаҳрамони Темурнинг нутқида шундай ифодаланган: “– Илло сабийликдағи сеҳру асрори каромат – бари фасонадур. Арасту уламои юнон турур. Аларда асотиру фасона бисёр бўлур. Сен ҳам фасонагўй эркансен, Айри.

Ҳамд-сано Аллоҳга бўлсин, лоф бандасиға нолойиқ. Ғиёсиддин Али Яздийким, жангномасида шаънимизга лофни кўп айтибдур, бадиасини рад этдик. Юнонистонда даға Ҳомер отлиғ асотиргўй ўтган. Ул-ку батамом сўқир эрмиш. Сен эса бизни аён кўриб турибсен" [1, 5].

Айри Қўбуз Тўхтамишхон билан қилинган жангдан сўнг асирлар орасидан Амир Темур ҳузурига чақиртирилади. Унинг белбоғида кадисимон қўбуз боғланган бўлади. Амир Темур дарё бўйида сайр қилиб юриб, Айри чалган қўбузнинг дардли ноласини эшитган, шу боис Айрини олдига чорлаган эди. Қарасаки, Айрининг гап-сўзлари жуда маънили. Уни душман сафидаги "босқинчи жатта" деб ўйлайди. Шунда Айри Қўбуз ўзининг "турк фарзанди" эканини айтади. Айрининг асли исми Муҳаммад бўлиб, Термиз сайидлари паноҳида мурид бўлган. Айрига сим тортиб, чертади. Шундан у "Айри Қўбуз" лақабини олган. Айри Қўбуз ўзининг сўзга, адабиётга бўлган катта муҳаббатини дадил айтадики, соҳибқирон унинг қўрқмас руҳидан, фикрлашидан лол қолади:

"– Бор. Либос ёпурлар, хизматимизда бўлурсен.

– Мен сўз хизматидамен – деди Айри Қўбуз тап тортмай, - сўз эса ҳақиқат хизматидадур. Соҳибимни сенга ҳам алмашмасмен...

– Бу ҳаётда улуғ пийримиз ва қайнотамиз раҳматли Убайдуллоҳ Садр аш-шариатдин ўзга ҳеч кимса бизни сенлаб айтмаган. Сен иккиламчисисен, - дедилар қайғадир, чет бир нуқтага тикилиб.

– Жасорат эгасига қўл кўтармаслигингни билурмен, Соҳибқироннинг мардлигини яна бир бор имтиҳон қилишга жазм этдим. Зотан, менинг учун бунинг эвази баланд эмас, умримнинг бу ёғи текинга қолди, шоҳидсен.[1, 11].

Тарихий мавзунинг кўпдан-кўп талаблари қатори қаламга олинган давр руҳини ёркин намоён эта олиш учун муаллиф тили ва персонажлар нутқига шу давр колорити, тил билан боғлиқ унсурлари сингдирилмас экан, бу асарнинг муваффақияти шубҳа остида қолади. Шу маънода ёзувчининг тарихий мавзу талқинида тўплаган тажрибалари таҳлил қилаётганимиз "Инсонга қуллуқ қиладурман" ҳикоясида тил архитектоникасининг ишонарли, табиий ва жозибали чиқишини таъмин этишда тўла қўл келган, деб дадил айтиш мумкин. Муаллиф ва қаҳрамон тилидаги уйғунликни таъмин этиш учун ёзувчи ўша замоннинг тил услубини тўғри аниқлаб олган. Фикримизга далил сифатида ушбу тасвирга назар ташлайлик: "Соҳибқирон аслаҳасиз, енгил хилъатда хос чодирларидан чиқиб, тонг нафасини олмоқ учун дарё сориға йўл тутдилар. Изларида, русумга кўра, содиқ қутволлари Иноқ борар эдиким, мулозиматларида сидқидил, ўлимдан тап тортмайдиган кавий жўша ва далер мунбориз эди, икков соҳил устига дохил бўлдилар".[1,9] Келтирилган иқтибосдаги бир қатор сўзлар, жумла қурилишлари, морфологик унсурлар ўша замонларда одат бўлган (мас, "Бобурнома", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Мифтаҳ ул-адл" в.х.) наср услубини эслатади, ҳаттоки, бугунги адабий тилга хос сўзлар ҳам ўша давр муҳри таъсирида шакллангандек таассурот уйғотади. Ҳикояда архаик сўзлар, историзмлар жуда ўринли истифода этилган. Ёзувчи асарда оддий фольклоризмлардан ҳам унумли фойдаланиб, гўзал тарихий ҳикоя намунасини яратишга муваффақ бўлган. "Устозим шайх Саййид Ваққос айтур эдиларким, "ўқилган чала бўлур, уқилган бўла бўлур", деб. (Амир Темур) "Ишорат башорат эмас". "Ундай даъвом йўқлигини айтдим қиблагоҳга. Мен Худонинг осий бандаси, дилимга солгонидин ўзгани билмасмен".(Айри Қўбиз). Айни пайтда у тарихий ҳикоя жанрининг услубини безаган. Тарихий ва миллий колорит шу тариқа чуқур асосланган. Ёзувчи тўғри келган ҳар қандай иборани бадиий асарга олиб киравермайди. Асқад Мухтор маҳоратли адиб сифатида ўзининг бадиий эстетик ниятига холис хизмат этадиган, асарнинг умумтили таъсирчанлиги ва ширадорлигини таъминловчи, айни чоғда, тарихийлик қобиғига мос тушувчи тил бирликларини қўллайдики, булар бадиий маҳсулни меъёрлаштирувчи унсур сифатида намоён бўлади. Шундан бўлса керак, Соҳибқирон тилида қўлланилган луғавий бирликлар, иборалар, ҳикматлар ёки Айри Қўбиз тафаккури билан боғлиқ иборалар ҳикоянинг тарихийлиги ва таъсир қувватини таъминлайди ва ёзувчи бадиий тил маҳоратини тасдиқловчи омил сифатида ҳам юзага чиқади. Фольклоризмларнинг назарий табиатини чуқур ўрганган Л.Шарипова мураккаб фольклоризмларнинг ўзини учга бўлиб тадқиқ этган. Булар:

1.Аналитик фольклоризмлар;

2.Синтезлашган фольклоризмлар;

3.Стилизация характеридаги фольклоризмлар [5, 14].

Асқад Мухторнинг “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида ҳам стилизация, ҳам синтезлашган фольклоризм элементи кўзга ташланади. Адибнинг “Кўк тош” ҳикоясида ҳам мураккаб фольклоризм қўлланилган. Мазкур ҳикоя ҳақида адабиётшунос Й.Солижонов шундай ёзган эди: “...Асқад Мухторнинг “Кўк тош” ҳикояси Соҳибқирон Амир Темур мақбарасидаги ўша машҳур кўк тошнинг тарихи, унинг ўзига хос фазилатлари тўғрисидаги монолог асосига қурилган. Ҳикоя диалоглардан бутунлай холи, унда фақат кўк тошнинг ўзи гапиради. Аммо мана шу шаклнинг ўзи ёзувчининг ўқувчи оммасига мурожаати тарзида намоён бўлади. У орқали адиб мустақиллик туфайли бағримизга қайтиб келган ўлмас қадриятларимиз, обидаларимизни асраб-авайлаш зарурлигини уқдиради” [6, 129].

Биз масалага бошқача нуқтаи назар билан ёндашишни жоиз биламиз. “Кўк тош” ҳикояси сюжети, аввало, кўк тош ҳақидаги халқ орасида афсонага айланиб кетган ривояту ҳикоятлар асосида яратилган. Демак, “Кўк тош” ҳикоясида ҳам, “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясидаги каби бир неча халқ афсоналарининг мотиви, сюжети мазкур ҳикоя яралишига асос бўлган. Ёзувчи икки ҳикояни яратишда мураккаб фольклоризмлар (халқ афсоналари ва ривоятлари мазмуни, мотиви)дан ниҳоятда унумли фойдаланган. Ҳикояда Амир Темур қабри тепасига қўйилган кўк тошнинг “саргузашлари” ҳикоя этилади. Ҳикоядаги бутун бошли воқеалар Кўк тош тилидан ҳикоя қилинади. Кўк тош рамзий маънода ровий вазифасини бажаради. Тарихий манбалардан маълумки, буюк Соҳибқироннинг мақбарасидаги кўк қабртош турли сабаблар билан дунёнинг гоҳ у чеккасига, гоҳ бу чеккасига бориб қолади. Кимдир уни муқаддас тутса, яна кимдир унга қимматбаҳо мол сифатида қарайди. Биров уни бошига кўтарса, бошқаси сиртига миниб ўтиради. Бир ўринда кўк тошнинг надомати берилган: “Чиройли эканман, асл эканман, шаффоф эканман, хўш, келиб томоша қилавер. Йўқ-да, меники бўлсин. Шу “сеники-меники”деган фақат одамда бўлади, назаримда – уруш-жанжали ҳам, қирғини ҳам шундан, ўлими ҳам, кулфати ҳам. Тағин бунинг гуноҳини ўзларидан соқит қилиш учун, менинг тўғримда мудҳиш афсоналар тўқишганини айтмайсизми!” [1, 96]. Кўк тош “айтган” воқеаларига кўра, бир неча аср давомида кўк тош Чин-Мочин хоқонларининг саройларини безаб туради; уни муқаддас санашарди; бир неча жойларга кўчиришса ҳам, бирор фалокат юз бермайди. Қачонки, Чингизхон кўк тошни деб қирғин-барот билан келади-ю, унинг фожиали “саргузашти” бошланади. Чингизхон кўк тошни аввал от чанага ортади. Кейин тўртта фил судрайди. Ўша кечаси филлар ўлиб қолади, эртаси куни туяларга ортилади, кўк тош туялар устидан сирғалиб тушиб кетади, олти навкарни босиб ўлдиради. Ғазабланган Чингизхон яна тўртта навкарни қамчилаб ўлдиради. Не машаққатлар билан кўк тош юртига олиб келинади. Бироқ кўп ўтмасдан, номаълум сабаб билан Чингизхоннинг ўзи ҳам шамоллаб, ўлади. Унинг ўғли Чиғатой ҳам кўк тошнинг нафини кўриб-кўрмай вафот қилади. Чиғатойнинг набираси эса Нахшабда кўк тошни тахт қилиб устига ўтиради. Бунга ҳам ёрлақамайди. Вақти келиб Соҳибқирон Амир Темур кўз тикади. Кўк тошни олдириб келади ва бошига кўтаради, “очкўз урушқоқларнинг нафсини тийиб, бошини қўшиб, бир тож остига жипслаштиради”.

Соҳибқирон вафотидан кейин уни набиралари эъзозлайди. Сўнг Эрон шоҳи Нодиршоҳ унга эгалик қилмоқчи бўлади. Самарқанднинг бошқа ганжиналари қатори уни ҳам Машҳадга кўчиради. Аммо тош ҳақидаги мудҳиш афсоналар ёдига тушиб, қўрққанидан Темур ҳаққига фотиҳалар ўқитади. Аммо барибир, “қўрқоқ бир ўғри бўлган бу шоҳ” қўрқувдан телба бўлишига сал қолганида, уни Самарқандга қайтаради. Шундан кейин Нодиршоҳни ўз одамлари сўйиб қўядилар. Буни ҳам кўк тошдан кўрадилар. Кўк тош Соҳибқироннинг қабри тепасига қўйилади. Бир неча аср уни одамлар тинч қўядилар. Бироқ уни яна бир карра безовта қиладилар. Бу сана 1941 йилниг 21 июни эди. Эртасига эса машъум уруш бошланиб кетади. “Кўк тош” ҳикояси бошқа ҳикоялардан тош “тили”дан ёзилгани билан ажралиб туради. Ваҳоланки, Асқад Мухтор ҳикоялари орасида бирортаси бундай услубда ёзилмаган. Ҳикояда, бир тарафдан, чуқур лиризм, иккинчи тарафдан, кўк тош саргузаштларидаги чексиз

фожеавийлик китобхонга чуқур таъсир кўрсатади. Ҳикояда одамзоднинг очкўзлиги, баднафслиги, тож-тахтга, бойликка ҳирс қўйганлиги кўк тош тилидан қаттиқ танқид қилинади. Аслида бу аёвсиз танқидни муаллифнинг қатъий позицияси деб тушуниш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи тарихий мавзуда ёзилган “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Кўк тош” ҳикояларида халқ орасида машҳур бўлган Айри Берди ва “Кўк тош” ҳақидаги афсоналар мотивидан ижодий фойдаланиб, ҳикояларда мураккаб стилизацияни қўллади; бу орқали “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида раиятпарвар, илмпарвар, адабиётсевар шоҳ ва ҳукмдор образини муваффақиятли яратди; “Кўк тош”да эса бойликка ва шуҳратпарастликка ружу қўйиш ёмон оқибатларга олиб келишини ҳикояда тамсил этилган афсона орқали исботлади. Тарихий ҳикоялар матнида (“Инсонга қуллуқ қиладурмен”) оддий фольклоризмлар архаик формада берилган бўлиб, ёзувчи бу орқали тарихий давр колоритини сақлаб қолишга, ўтмиш манзарасини табиий ва ишончли чиқишига эришган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухтор А. Муаллифдан / Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 3–4.
2. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Тўлқин Ҳайит. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 48 б.
3. Майса ҳиди / Амир Темур ҳақида ҳикоялар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Тўлқин Ҳайит. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 6– 8.
4. Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 74.
5. Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 14.
6. Солижонов Й. Адабиёт сўзи / Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 129.
7. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – №4. – Б. 40–41.
8. Горелев А.А. Введение // Русская литература и фольклор. – Л.: Наука, 1982.
9. Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 199 с.
10. Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор анъаналари ва бадиий маҳорат: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 162 б.
11. Вопросы литературы. – Москва, 1967.-№6. – С.77

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ахмедова Шоира Нематовна,
филология фанлари доктори,
Бухоро давлат университети
ўзбек адабиёти кафедраси профессори
Email: axxxmedova@mail.ru
Назарова Дилнавоз,
Адабиётшунослик мутахассислиги магистри

АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-34

АННОТАЦИЯ

Адабий танқид жанрларидан бири адабий портретда ижодкорнинг бир бутун қиёфасини яратишга катта аҳамият берилади. Адабий портрет адабиётшуносликдаги танқидий-биографик методнинг маҳсули бўлиб, шу методда ёзилган илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган жанридир. Унда ижодкор ҳаёт йўлига муносабат кўлами муҳим роль ўйнайди. Қай бирида бу кўлам ғоят тор-биографик далиллар айрим таҳлилий унсурларга едирилса; қай бирида кўлам бир қадар кенг, лекин биографик фактлар тизими устивор ва яна қай бирида кўлам кенг, биографик фактлар ижодкор шахси ва муҳит ҳамда замон билан уйғунликда таҳлил қилинади. Бунда хотиралардан ҳам, саргузаштлардан ҳам асарнинг ёзилиш сабаби ва тарихига оид мулоҳазалардан ҳам, айрим асарларнинг таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Баъзи адабий, шу билан бирга адабий-танқидий жанрларнинг келиб чиқишини тушуниш, таҳлил қилиш мураккаб, чунки уларнинг илдизлари инсоният тарихининг қадимий замонларига бориб тақалади. Жанрнинг пайдо бўлиши эса кейинги даврларга тўғри келади, бу эса, табиийки, уларнинг шаклланиш ва ривожланишини ўрганишни қийинлаштиради, тадқиқотчиларни узоқ ўтмишга қайтишга, кенг тарихий-адабий манбалардан фойдаланишга ундайди. Адабий танқид жанрларидан бири адабий портрет ҳам ана шундай жанрлар сирасига киради, аммо адабиётшуносликда унинг назарий жиҳатлари кам тадқиқ этилган. Адабиётшунослик ва танқидчиликда адабий портретнинг турли-туман шакллари мавжуд , бироқ улар илмий жиҳатдан тавсиф ва тасниф қилинмаган. Масалан: адабий портрет, портрет хотира, жажжи портрет, портрет мақола ва ҳоказо. Портретнинг бу шакллари уларнинг бир-бирида фарқи, устунлиги, камчилиги каби масалалар бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги кўринмоқда.

Калит сўзлар: Адабий танқид, жанрлар, адабий портрет, тадқиқот, мунаққид, портретнавис, таҳлил.

Шоира Нематовна Ахмедова,
доктор филологических наук, Бухара,
Профессор кафедры узбекской литературы
Государственного университета

Назарова Дильнавоз,
магистр литературоведения

О ТЕОРЕТИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ ЖАНРА ЛИТЕРАТУРНОГО ПОРТРЕТА

АННОТАЦИЯ

В литературном портрете как в качестве одного из жанров литертурной критики особое внимание уделяется созданию целостного образа художника. Литературный портрет является продуктом критико-биографического метода литературной критики а также распространенным жанром научно-биографических исследований, выявленных данным методом. Не последнюю роль в этом играет масштаб отношения к творческому образу жизни автора. При некоторых вышеуказанных методах данный объём выявляется на обстоятельствах чрезвычайно узких биографических аналитических элементов; а при некоторых масштаб немного шире, но преобладают нить биографических данных а также, в других анализы представляется в более широком масштабе в гармонии с творческой личностью, окружающей средой и временем. В нем используются как воспоминания, так и приключения, а также размышления об основе и истории произведения, а также анализ отдельных произведений. Трудно понять и проанализировать истоки некоторых литературных, а также литературно-критических жанров, потому что их корни исходят от древних времен истории человечества. Возникновение жанра, однако, относится к более поздним периодам, что, конечно, затрудняет изучение их становления и развития, побуждает исследователей обращаться к далёкому прошлому используя широкий спектр исторических и литературных источников. Литературный портрет, один из жанров литературной критики который является одним из таких жанров, но его теоретические аспекты мало исследованы в литературной критикой. В литературной критике существуют различные формы литературного портрета, но они не получили научного описания и классификации. Например: литературный портрет, портретная память, маленький портрет, портретная статья и т. д. Эти формы портрета демонстрируют необходимость научных исследований по таким вопросам, как их различия, преимущества и недостатки.

Ключевые слова: литературная критика, жанры, литературный портрет, исследования, критик, писатель-портретист, анализ.

Shoira Nematovna Akhmedova,
Doctor of Philology, Bukhara
Professor of the Department of Uzbek
Literature of the State University
Nazarova Dilnavoz,
Master of Literature

ABOUT THEORETICAL ASPECTS OF THE GENRE OF LITERARY PORTRAIT

ANNOTATION

In one of the genres of literary criticism, great emphasis is placed on creating a holistic image of the artist in a literary portrait. A literary portrait is a product of the critical and biographical method of literary criticism, as well as a widespread genre of scientific and biographical research identified by this method. An important role in this is played by the scale of the attitude to the author's creative lifestyle. With some of the above methods, this volume is revealed in the circumstances of extremely narrow biographical analytical elements; while in some the scale is slightly wider, but the thread of biographical data predominates; and also, in others, the analyzes are presented on a wider scale in harmony with the creative person, environment and time. It is difficult to understand and analyze the origins of some literary, as well as literary-critical genres, because their roots go back to ancient times in human history. The emergence of the genre, however, refers to later periods, which, of course,

complicates the study of their formation and development, encourages researchers to return to the distant past, to use a wide range of historical and literary sources. Literary portrait, one of the genres of literary criticism, but its theoretical aspects have been little studied by literary criticism. In literary criticism, there are various forms of literary portrait, but they have not received a scientific description and classification. For example: literary portrait, memory portrait, small portrait, portrait article, etc. These forms of portrait demonstrate the need for scientific research on issues such as their differences, advantages and disadvantages.

Key words: literary criticism, genres, literary portrait, research, critic, portrait writer, analysis.

Адабий портрет жанри адабий танқидчилик олдида турган мақсад ва вазифаларни тарғиб қилишда ва амалга оширишда энг қулай, самарали жанр ҳисобланади. Адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчининг таржимаи ҳолига ҳам, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, ёзувчи ижодининг маърифий аҳамиятига дахл қила оладиган жанрдир[3,76]. Шу боис адабий портрет ижодкорнинг таржимаи холини кенг қамровда батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот ҳисобланади.Унда ижодкорнинг маънавий ва ижодий жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратишга, тасвир этиш ёки унинг ҳаётининг қисқа вақт оралиғидаги маъно моҳияти илмий-эстетик талқин қилинади. Бу жанрда ёзувчи ёки шоир, йирик давлат арбоблари ижоди, ҳаётининг турли қирралари, зиддиятлари, руҳий драмалари ёритиб берилади.

Адабий портрет атамасининг кенг қўлланилиши унинг оммабоплигидан дарак беради. Лекин айни шу ҳолат биздан мазкур жанрга имкон қадар аниқ таъриф беришни талаб қилади.Чунки, кўпинча танқидий - биографик очеркка ҳам, эссега ҳам, адабий-танқидий мақолага ҳам, қисқа репортаж, маълумотномаларга ҳам , агар у аниқ, реал инсоннинг тавсифига бағишланган бўлса, адабий портрет атамасини ишлатадилар. Атама бундай кенг талқин этилса, ундан ҳаддан зиёд эркин фойдаланилса, адабий портретнинг адабий танқиднинг ўзига хос жанри сифатидаги моҳияти, тасаввури йўқолади. Замонавий жанрларни таърифлаганда, олима В.Смирнова шундай ёзган эди: “Бизда “адабий портрет” деб юритиладиган атаманинг шундай номланишига ҳеч қандай асос йўқ, бу эса мазкур жанрнинг туб маъносини англамасликдан далолат беради” [9,337].

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қисқача маълумотномаларни ҳам адабий портрет деб номлаш урфга кирди. Масалан, С.Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китоби “жажжи портретлар” остида нашр этилган, ҳолбуки, ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ҳақидаги биографик маълумотлардан иборат, холос.Нима сабабдан тўплам “жажжи портретлар” деб номланган? Бу жанрни нотўғри талқин этишдан келиб чиқмаяптими? Бу эса ҳозирги вақтда бу жанр ҳақида аниқ тасаввур йўқлигининг белгисидир. “Қисқача адабий энциклопедия”да ҳам адабий портрет жанрига етарлича таъриф берилмаган: “Адабий портрет- бу “қаҳрамон” билан суҳбат ёки қаҳрамон ҳақида қисқача мемуар очерк асосида яратилган бўлиб, ёзувчи, рассом, атоқли жамоат арбоби ва бошқалар ҳақида ёзилган ҳужжатли очеркдир” [6,895].

Ушбу таърифга билдириладиган эътироз шуки, аввало, жанрга ҳеч қандай алоҳида адабий қурилишини очишга ҳаракат қилмайдиган, шунчаки очерк сифатида қаралишидадир. Бизнинг фикримизча, адабий портрет инсон ва унинг фаолияти эстетик моҳиятини ифодаловчи алоҳида жанр ҳисобланади ва ушбу моҳиятнинг ўзига хос томонларини тавсифлайди. Агар биз жанрларнинг одат бўлиб қолган таърифларига мурожаат қилсак, адабий портретни номлашда унинг ўзига хос жанр эканлигини доимо эътиборга олишимиз керак бўлади. Бу жанрда аниқ реал инсоннинг алоҳида образи, поэтик кўриниши ҳақида рус адабиётшунослигида баъзи танқидчи ва адабиётшунослар баҳслашадилар. Масалан, М.Т.Мезенцев “Қисқача энциклопедик луғат”дан кўчирма келтириб, шундай ёзади: “Бу ерда бошқа нашрлардаги каби мутлақо ҳақли равишда таъкидланадики, адабий портрет- бу ҳужжатли очерк. Адабий портрет қуроли эса инсон ва унинг фаолияти ҳисобланади”. Албатта, портретнинг очерк билан ўхшашлиги аниқ, аммо жанрнинг эстетик имкониятларини чегараламаслик керакка ўхшайди. А.А.Сивогривова ҳам энциклопедиядан келтирилган таърифни назарда тутиб, ёзади: “Ушбу таърифда портрет аслига қараб расм солишдан иборат

бўлади. Шу орада ёзувчиларнинг адабий портретлари уларнинг ҳужжатлари ва ижодларини ўрганиш асосида яратилганлиги маълум. Моруанинг Стендаль, Бальзак ва бошқалар ҳақида яратган портретлари бунга мисол бўла олади. Моруа портретни тарихий-адабий жанрлар қаторига киритади" [4,10].

Бу фикрга қўшилиш мумкин, акс ҳолда биз адабий портрет жанрини ҳужжатли-мемуар адабиёт билан чегаралаб, унинг эстетик доирасини маълум даражада торайтирган бўлардик.Шу боис кейинги йилларда кенг тарқалган "адабий портрет" атамасидан кўпинча жанрнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай туриб фойдаланилди, бу эса мазкур масаланинг илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаганидан далолат беради. Рус олими В.Барахов адабиётшуносларнинг бадиий-ҳужжатли ва мемуар адабиётнинг тарихи ва назарияси (Д.С.Лихачёв, Л.Я.Гинзбург ишлари), портрет жанрида адабиёт ва рассомчиликнинг қиёсий таҳлили (М.И Андроникова, К.В.Пигарёв ишлари) даги умумий масалаларни ишлаб чиқишда тўплаган тажрибасидан келиб чиқиб, мавжуд бўшлиқни тўлдиришга ва адабий портрет ҳақидаги асосий фикрини асослаб беришга ҳаракат қилади. Бунда у адабий портретни уч йўналишда намоён бўлишидан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга уринади: 1) адабий портрет- роман, қисса, ҳикоя ва бошқаларда бирор шахс сиймосини яратиш воситаси сифатида; 2) адабий портрет – анча мураккаб жанр қурилишидаги таркибий қисм сифатида (Герценнинг "Ўтмиш ва ўйлар", Фединнинг "Горький бизнинг орамизда" асарлари); 3) адабий портрет мустақил жанр сифатида (Короленко, Горький, Чуковский, Паустовский ва бошқа ёзувчиларнинг эсдаликлари)" [4, 11].

Бу кўринишларни бир-бири билан алоқадор ҳисоблаб, Барахов портрет таҳлилини мемуар-биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қаралишига ҳаракат қилади, бу эса унга адабий портретнинг эстетик- маърифий имкониятларини аниқ инсоннинг шахсиятини тушунишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш имконини беради. Назаримизда, рус адабиётида мавжуд бўлган намуналар, бунинг устига адабий портретларнинг кўпчилиги ёзувчилар томонидан яратилгани сабабли олим уларни мемуар - биографик насрнинг мустақил жанри сифатида қарайди. Биз эса ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги, танқидчилигида яратилган мавжуд материал - адабий портретлардан келиб чиқиб, уларни адабий танқиднинг жанри сифатида қараб чиқамиз. Биринчидан, уларнинг кўпчилиги танқидчилар (И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ў.Ўтаев, И.Ғафуров ва ҳ.к.) томонидан яратилгани, ёзувчилар томонидан ёзилганлари ҳам кўпроқ адабий - танқидий йўсинда, иккинчидан, энг муҳими, уларда адабий, илмий-бадиий тафаккурнинг устунлиги, учинчидан, ушбу адабий портретларнинг кўпчилиги кўпроқ илмий усулда (рус адабиётида кўпроқ ижодкорлар: ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилиб, жонли хотираларга таянилади ва бадиийлик жуда кучли ифодаланади) ёзилганлигидан, хотиралардан кам фойдаланганлигидан келиб чиқиб, биз уларни мемуар-биографик насрнинг эмас, балки адабий танқиднинг намунаси, ўзига хос бир алоҳида жанри деб қараш йўлидан борамиз.

Адабий портретнинг жанрий хусусиятларини тушуниш учун, бизнингча, реал инсоннинг оригинал ва аниқ мақсадга қаратилган қиёфасини ифодаловчи ўзига хос хусусиятларни очиш керак бўлади. Лекин бунинг учун, албатта, адабий портрет жанри назариясининг пухта ишлаб чиқилган масалалари талаб қилинади. Ҳозирги пайтда бунга катта эҳтиёж сезилаяпти. Адабий портрет жанрининг типологияси масалаларини илмий ишлаб чиқишнинг муҳим эканлигига ўз вақтида академик Б.Назаров ҳам эътибор қаратган ва адабий портрет таҳлилини ўзига хос жанр сифатида эътироф этган [7,26]. Адабиётшунос олим А.Расулов ҳам уни адабий танқиднинг алоҳида жанри сифатида қарайди ва кейинчалик фикрларини ривожлантириб, О.Шарафиддинов адабий портретини яратиш мисолида кўрсатиб беради [8,68]. Н.Зиёдуллаеванинг тадқиқотида ҳам ёзувчи биографияси ва адабий портрет ўртасидаги фарқлар А.Қаххор ижоди билан боғлиқ ҳолда ўрганилади [5]. Бу олимларнинг нуқтаи назарларига тўлиқ қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қиламизки, бу жиддий назарий масалани ҳал этиш нафақат адабиётшуносларнинг, балки санъатшунослар, бошқа ижтимоий фанлар вакилларининг саъйи-ҳаракатларига боғлиқ, шу боис бизнинг қарашларимиз ҳам ушбу йўлдаги уринишлардан биридир.

Сўзга асосланган портретнинг тасвирий санъатдаги портретдагидек ўзига хослиги аввалambор унинг аниқ бир шахснинг алоҳида хусусиятларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишида кўринади. Аниқлик, ёки одатда айтилишича, айнан ўхшашлик жанрнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Бу ўхшашлик образнинг асл нусхасига (оригиналига), жонли қиёфасига мувофиқ қайта тикланаётганлигида кўринади ва у ёзувчи томонидан бадиий яхлитлилик, сўз санъатининг образлилиги учун мустақил ва тугалланган "сюжет" сифатида қабул қилинади. "Айнан инсоннинг индивидуаллигини бутунлигича тасвир этишда "қиёфа"сининг такрорланмаслиги, унинг табиати, ўзини тутиши, тили ва шунингдек, таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти, ўзига хос маиший шароитнинг турли-туманлигида образи қайта яратилаётган шахснинг маънавий дунёсини акс эттирадиган тафаккури намоён бўлади ва бунда адабий портрет жанрининг эстетик моҳияти очилади" [4,12].

Тасвирий санъатдаги портретларда бўлгани каби бу ерда ҳам муаллифнинг ўзи томонидан таърифланадиган инсонга муносабати, симпатияси доимо сезилиб туради. Шу боис, М.И. Андроникованинг адолатли фикрича, "портрет реал, аниқ инсоннинг ўзига ҳеч ҳам айнан ўхшамайди", чунки муаллиф томонидан тикланаётган "модель" ҳар доим мазкур шахс ҳақидаги субъектив тасаввурларни ўзида мужассам этган бўлади [2,5]. Кўринадики, адабий портрет эстетик қурилиши жиҳатидан мураккаб адабий ҳодисадир.

Тасвирий санъатдаги рассомчилик билан таққослаш нафақат кам ўрганилган жанрнинг поэтик услуби ҳақида фикр юритиш учун қизиқарли материал беради, балки унинг бадиий моҳиятини бошқа санъат воситалари ёрдамида маълум чегарагача ойдинлаштиришга имкон яратади. Адабий портрет тушунчасининг ўзи агар унга нафақат бадиий асарнинг "тузилиш унсури", роман, қисса, ҳикоялардаги образ яратиш воситаси, балки мустақил жанр сифатида қаралса, келиб чиқиши жиҳатидан кўп жиҳатдан рассомчиликдаги портретлар билан боғлиқ, шунинг ўзи уларнинг бир-бири билан ажралмас эканлигидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам аниқ инсон образини яратишда рассомчиликдаги портретларнинг пешқадамлиги кўринади. Сўз санъатига асосланган портрет яратувчилар улардан ўрганадилар, расмлардан, портретлардан, ҳайкаллардан олган таассуротларини сўз билан қайта яратадилар (Герценнинг, Короленконинг, Саид Аҳмаднинг ёдномалари). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, адабиётдаги портрет тасвирий портретга нисбатан жанрининг хилма-хиллиги ва кўпмаънолилиги билан ажралиб туради.

Демак, портрет сўзи юқорида кўрсатиб ўтганимиз каби, аслини тасвирлашдир. Атаманинг келиб чиқишида шу тариқа унинг моҳияти ва қўлланилиши – асл нусха (оригинал)ни, инсонни "айнан тасвирлаш" акс этади ва таъкидланади. Кенг маънодаги портрет сўзи - бу аниқ, реал инсон образидир ва бундай ўзига хос хусусиятлар сифатида у нафақат адабиётда, балки тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, фотографияда ҳам кенг қўлланилади. Бироқ портретнинг тарқалиш доирасини адабиёт ва санъат билан чегаралаб қўйсак нотўғри бўларди, негаки, бошқа ижтимоий фанларда ҳам ундан фойдаланилади, уларда реал инсон образи махсус муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш воситаси сифатида хизмат қилади, турли шакл ўзгаришларида намоён бўлади (масалан, лингвистикада- нутқ портрети, ҳуқуқда- оғзаки портрет, социологияда- ижтимоий портрет ва бошқалар). Бу ижтимоий фанларда портрет санъатга, бадиий ижод далилларига дахлдор эмас, балки бир-бири билан боғлиқ, кўмакчи вазифаларда келади ва шу боис ҳам мазкур фанларнинг умумий масалалари билан алоқадорликда кўриб чиқилади.

Кўрамизки, портрет –бу инсонни англашнинг шундай ўзига хос соҳасики, у бевосита аниқ, реал инсон образи билан нафақат мазмун жиҳатдан, балки шакл томонидан ҳам боғлиқдир. Бу икки томоннинг бирлигида адабиёт ва санъатдаги муҳим муаммолардан бири сифатида портретнинг ҳақиқий моҳияти очилади. Айниқса, аниқлик ва изчиллик билан бу бирлик тасвирий санъатда ҳам кўзга ташланади, атаманинг ўзи ўзлаштирилган рассомчиликда ҳам бош масалалардан саналади. Шунинг учун "портрет тарихи- бу инсоният тарихининг қисмидир, унинг ижтимоий ривожланиши, табиатга муносабатидир. Портрет санъатнинг бошқа кўринишлари каби инсон томонидан яратилади, у ҳам инсонни тасвирлайди, у инсоннинг қўли билан инсон материалидан яратилади ва шунинг учун ҳақиқий санъат

сифатида нафақат ташқи ҳодисаларни акс эттиради, балки яна инсон - ижодкорнинг ички дунёсини ҳам тасвирлайди, ва бу бир-бирини кесишиб ўтган акс эттириш портрет санъатида инсоний муносабатларни барча мураккаблиги билан, ижтимоий идеаллар ва этик тасаввурлари билан чақнатиб туради", -деб ёзади портрет тарихини ўрганган рус олими М.Алпатов "Портрет тарихи бўйича очерклар" китобида [4,15].

Адабий портретни санъаткор ҳаёти ва ижодининг асосий фазилатларини акс эттиришдангина иборат деб талқин этиш - бу жанрнинг асосий хусусиятларини бир ёқлама тушунишдир. Бинобарин, унинг жанрий табиатини белгилашда тубандаги мундарижага эга бўлиши муҳимдир. Зеро, адабий портретда:

1) сўз санъаткорининг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш;
2) даврнинг асосий йўналишлари ва унинг санъаткор ижодида тутган ўрнини ойдинлаштириш, ижодкор сифатида шаклланишида замон ва муҳит таъсирини кўрсатиш;
3) уни намоён этишда ёзувчи, ижодкор индивидуал услубининг ўзига хос қирраларини ёритиш;
4) санъаткорнинг инсон ва шахс сифатидаги фазилатлари, нуқсонлари ва уларнинг ижодкор шахсий ҳаёти ва ижодий йўлида тутган ўрнини асослаш;
5) ёзувчи шахси ва ижодининг муҳим босқичлари, босқичга бўлиниш сабабларини очиб, ҳар бир босқичга хос хусусиятларини умумлаштириш.

Буларнинг барчаси адабий жараёндан узилмаган ҳолда, адабий жараённинг шу санъаткорга таъсири, ўз навбатида, ижодкорнинг жараёнга қўшган ҳиссасини белгилашни тақозо этади.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда текширилаётган санъаткорнигина эмас, балки унинг ижодини таҳлил қилаётган танқидчининг ҳам ўзига хос қиёфаси бўй кўрсатиб туради. Адабий портрет муаллифи сифатида ёзувчининг, шу билан бирга тасвирий санъатдаги портрет яратувчининг асосий мақсади санъаткорнинг ўзига хос ҳис этиш призмасидан ўтказилган алоҳида шахснинг дунёси, унинг ҳаёти, таржимаи ҳоли асосида бадиий образ яратишдир. Портрет – бу доимо, А.А.Сидоровнинг ёрқин таърифидан фойдаланиб айтсак, портретнавис тили билан айтилган "инсоннинг инсон ҳақидаги қиссаси"дир [4,29].

Портрет –бу инсонни тасвирлаш ва шу билан бирга унга баҳо беришдир, аммо сўз орқали ифодаланган портретда санъаткор ижод ва биография далилларига бевосита мурожаат қилар экан, унга тўғридан- тўғри муаллиф тавсифини беради. Унинг шахсий "мен"и кўпинча, муаллиф тасвирланаётган замондошга суҳбатдош, фаолият кўрсатаётган шахс сифатида кўринадиган адабий портретларда айниқса, ёрқинлик ва аниқлик билан ҳис этилади. Б.Назаров ҳам ўзбек адабиётшунослигидаги бу янги йўналиш ҳақида шундай дейди: "Ёзувчи ижодини унинг шахсияти билан чамбарчас боғланишда текшириш сўнгги йиллар адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимизда кўзга ташланаётган ижобий тенденциялардан биридир.Санъаткорнинг ҳаёт йўли, табиати, ёшлиги, қизиқишлари, орзуларини ўрганиш унинг асарларидаги маҳорат сирлари ва бадиий эстетик принципларини кўрсатишда бир очқич вазифасини ўтайди".

Адабий портретда публицистик руҳ танқиднинг бошқа жанрларига нисбатан бир қадар бўртиб кўринади. У мутахассислардан кўра, кенг оммага тушунарли бир услубда баён этилади. Шунинг учун бадиий ижод унсурларидан фойдаланиш, илмийликдан чекинмаган ҳолда бадиий талқинга эътибор бериш адабий портрет жанрида ижод килувчининг диққат марказида туради. У маълум даражада ёзувчининг яхлит образини, бадиий қиёфасини яратади. «Яхши портретни яратиш осон иш эмас. Бу санъаткорликни талаб қилади»,- деб ёзган эди файласуфлардан бири.

Адабий портретларнинг тузилиши танқидчи мақсадига мувофиқ, қисман бўлса-да, бир-биридан фарқланиши мумкин. Чунончи, кўпчилик адабий портретлар қуйидагича ички тузилишга эга:

А) тўпланган ҳамда чоп қилинган материаллар асосида ижодкорнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда тўпловчи, асосан, ижодкорнинг меҳнатсевар ва қудратли шахсини ёрқин акс эттирувчи ҳаётий фактларга таянади;

Б) ёзувчи асарларининг таҳлилига кенг ўрин ажратилади;

В) асарлардан келтирилган парчалар асосида унинг ғоявий ва бадиий маҳорати кўрсатилади;

Г) муаллифнинг ёзувчига тилаклари, марҳум бўлса хотирлаш мазмунидаги фикрлари баён қилинади.

Одатда, назариётчилар адабиётга таъриф берганда, уни воқеликнинг образли инъикоси деб атайдилар. Бу таъриф туб моҳияти билан тўғри, албатта. Аммо мазкур тартибда адабиёт учун ижодкор шахсининг роли қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Аслида эса воқеликни акс эттириш ўз-ўзича содир бўлмайди, балки санъаткор воқеликдан олган таассуротларини ижтимоий онги қатламидан ўтказиб тасвирлайди. Воқеанинг бош қаҳрамони ижодкор инсон бўлиб, унинг меҳнат маҳсули бадиий асарга айлангач, бу инсонни санъаткор деб аташ мумкин. Бинобарин, ижод жараёнида санъаткор шахсининг роли муҳимдир.

Ижодкор шахси, унинг онги ва билими, характери ва уқуви ижод жараёнининг барча кўринишларига, жумладан, асар мавзуини танлаш, асардаги воқеаларни талқин этиш, шунингдек, бадиий асар шаклига тааллуқли кўпгина белгиларни аниқлашда ўз таъсирини кўрсатади. Санъаткорнинг шахси, ижодкорнинг ўзи ким ва у қандай одам эканлиги масаласи адабиётшунос мутахассислар учун ҳам, адабиёт мухлислари учун ҳам ғоят қизиқарлидир. Шу сабабли биз Пушкин ва Лермонтовларнинг дуэлда ўлдирилганлигини, Белинский ва Добролюбов, Чехов ва Горькийнинг хасталикларини, Лев Толстойнинг умри поёнидаги оилавий фожиасини, Маяковский ва Есенининг, Чўлпон ва Усмон Носирнинг ўлим тафсилотларини, Ҳамза, Мусса Жалилнинг фожиали ўлимини ва бошқа шунга ўхшаш жуда кўп ижодга бевосита эмас, билвосита алоқадор далилларни биламиз. Зеро, бу шахсий ҳаётдаги тафсилотлар санъаткор ижодини чуқурроқ тушунишга имкон яратади.

Бу масалада турли вақтларда кўпгина мунозаралар бўлиб ўтган. Илм тарихида у қадар чуқур из қолдирмаган бир тоифа мутахассислар бизни фақат ёзувчининг ижодигина қизиқтиради, унинг шахси билан ишимиз йўқ деб даъво қилганлар [1,8]. Шундай фикрнинг таъсири остида бўлса керак, 20-йилларда яратилган кўпчилик адабиёт дарсликлари ва мажмуаларида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ёзувчининг шахси ҳақида деярли ҳеч нарса демаслик анъанага айланди, ёзувчи ижоди унинг ҳаётидан ажратилган ҳолда таҳлил қилинди.

Ёзувчи шахси, биографияси, ижтимоий келиб чиқишига ортиқча эътибор берувчи вульгар социологик назариялар ҳам ўша вақтда мавжуд эди. Уларнинг талқинича, гўё инсоннинг ижтимоий шажараси унинг ижоди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, санъаткор қайси ижтимоий гуруҳга мансуб оилада туғилиб, тарбияланган бўлса, шу гурух тушунчаси унинг онги учун мангу бўлармиш. Кейинчалик бу икки назария ўзини оқлай олмагач, одилона ва холис қараш қарор топа борди. Унга кўра, ёзувчи шахсини тўла инкор қилиш ҳам, унга керагидан ортиқча баҳо бериб бориш ҳам хатоликка олиб келади. Аммо ижод жараёнида ёзувчи шахсининг роли барибир муҳим. Ихтиёримизда мавжуд адабий портретларни кузатар эканмиз, уларда юқорида таъкидланган назарияга амал қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Деярли хамма портретлар ижодкорнинг болалиги, ўқиш йиллари, оилавий муҳити, ижод поғоналарини ҳикоя қилишдан бошланади. Ижодкор шахси ҳақида баҳс юритиш, ижодий йўлига одилона назар ташлаш учун, у дунёга келиб, вояга етган оила, ўсиб камол топган муҳитга эътибор қилиш юқори самара беради. Ёзувчининг болалик тарбияси, у вояга етган хонадондаги маърифий муҳит ижодкор шахсини шакллантирадиган, бадиий маҳоратининг илдиз отишига кўмаклашадиган муҳим омиллардир. Адабий портретлар муаллифлари бу омилларни қайта-қайта назардан ўтказиб, хулосалар чиқарадилар.

Шарль Сент-Бьёв - биографик методнинг аоссчиларидан бири сифатида бу жанрнинг муҳим хусусиятларига эътибор қаратади. «Адабий портретлар», «Душанба кунларидаги суҳбатлар», «Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг фақат ички дунёсинигина эмас, балки унинг уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ кириш зарур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича,

ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, унинг ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти мухим аҳамият касб этади. Маиший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, ниҳоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бьёвнинг психологик-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадиий асарларнинг ғоявий-бадиий ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади[11].

Адабий портретнинг бир шакли ижодий портретларда ўзбек танқидчилари ёзувчилар ижодига теран ҳурмат билан муносабатда бўлмоқда, бадиий ижоднинг мураккаб ва машаққатли жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда фикр юритмоқда. Танқидчилар ёзувчилар ижодига талабчанлик билан ёндошган ҳолда уларнинг асарларидаги энг қимматли томонларини очишга, адабиётнинг бетакрор ролини тасдиқлашга уринмоқда. Кўпгина портретларда ёзувчининнг бетакрор ижодий қиёфаси, унинг ўзига хос услуби анча дуруст очилган. Бинобарин, бу портретлар китобхонга у ёки бу ёзувчининг қиёфаси ҳақида тасаввур бериш билан чекланмайди, балки адабиётнинг ранг-баранглигини, бойлигини ҳам кўрсатади. Айни чоқда бу адабий портретлар келгусида ўзбек адабиётининг мукаммал тарихини яратишда ҳам ёрдам беради.

Йирик танқидчи О.Шарафиддинов ижодига назар солиш орқали бу фикрларнинг тасдиғини кузатиш мумкин. У ўндан ортиқ ёзувчилар ҳақида ижодий портретлар яратган. Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаххор каби адибларнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида кўпгина тадқиқотлар яратилганига қарамай, О.Шарафиддиновнинг улар ижодига оид кузатишлари, муқоясалари, таҳлилларида бошқалар кўрмаган, сезмаган нозик нуқталар тилга олинади. Масалан, мунаққиднинг Абдулла Қаххор ҳақидаги портрети ҳажман ўртача, бошқа тадқиқотлардан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Албатта, ҳар қандай асар, умуман, ижод ҳажман баҳоланмайди. Гап салмоқда, маънода. О.Шарафиддинов яратган «Истеъдод жилолари» адабий портретининг қурилмаси мураккаб. «Мен «Истеъдод жилолари» портретидаги ички тузилишни кўришга нисбатан, ундаги бирлик бутунликдан таралаётган оҳангни эшитаётгандай бўламан. Бу оҳанг қалбдан отилиб чиқаётган, тобора авж пардаларига интилаётган қўшиққа ўхшайди»,-деб ёзади танқидчи А.Расулов [7,74].

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони шундаки, адабий портретларда адиблар ижодининг бир –бирига ўхшамайдиган қирралари, ҳаётни тасвирлаш тамойиллари тайинланади. Шу орқали адабий жараённинг йўналишлари, қонуниятлари аниқланади. О.Шарафиддинов «ҳиссий-образли услуб»да ижод қилувчи мунаққид сифатида портретларда ўзининг қайноқ қалби, жўшқин эҳтиросини кўрсата олади, танқиднинг жозиба сирига китобхонни ошно қилади. Санъатга қизғин муҳаббат унинг бутун ижодида, жумладан, адабий портретларида ҳамиша яққол кўриниб туради. Бу мунаққид яратган портретларнинг ижобий томонлари, аммо уларда портрет жанри талабларидан бири, яъни ижодкорни инсон сифатида тасвирлаш хусусияти етишмайди. Масалан, М.Шайхзодага бағишланган портретда шоирнинг туғилишидан тортиб, ижодининг бошланиши, эволюцияси, шеърий тўпламлари, «Мирзо Улуғбек» драмаси ҳақида фикр юритилади. Шайхзоданинг инсонийлик қиёфаси, ҳаётининг зиддиятларга тўла даври, бу ҳолатниинг асарларига, ижодига таъсири каби масалаларга эътибор қаратилмайди. Бу қусур ўзбек танқидчилигида яратилган кўпчилик адабий портретларнинг умумий жиҳатидир десак, хато қилмаймиз. Эҳтимол, бунга социалистик реализмнинг миллий тафаккурни қолипларга солувчи кучли таъсири деб қараш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 60-80 йилларида адабий портрет жанрида самарали натижаларга эришилди, юзлаб адабий, ижодий портретлар, портретга чизгилар яратилди. Албатта, бу асарларнинг ҳаммасининг савияси бир хил эмас, кўпчилиги ижодий портрет талаблари асосида яратилган, услуб ва ифода жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ўзбек танқидчилигидаги мавжуд ижодий, адабий портретларга назар ташласак, уларда бир қанча камчиликлар борлиги кўзга ташланади:

1. Ёзувчи ёки шоир ҳаёти ва ижодидаги асосий воқеа, ҳодисаларни қайд этиш, муайян босқичлардаги асарларни таҳлил этиш билангина чегараланиш.

2. Баъзан эса ёзувчининг барча асарларини ёки ҳеч бўлмаганда нисбатан кўпроқини текширишга ҳаракат қилинади. Бунда ҳар қандай буюк ёзувчининг ижодида ҳам барча асарлари муваффақиятли чиқавермаслиги ҳисобга олинмайди.
3. Адабий портретларда ижодкорнинг шахсига эмас, кўпроқ ижодига диққат қаратиш.

Адабий портретларни ёзувчи ижодхонасидан узоқдан туриб ёзиш мушкул. Замондош бўлмаган олиму ижодкорларнинг адабий портретларини яратиш мумкин, аммо бунда шартли манбаларга, хотираларга таянишга тўғри келади. Том маънодаги танқидий портрет ижодкор билан бир макону замонда, бир адабий муҳитда иншо этилиши мумкин. Бунга мисол тарзида қилиб адабиётшунос А.Расуловнинг устози О.Шарафиддинов ҳақидаги адабий портретини кўрсатиш мумкин.

Адабий портрет муаллифи ёзувчининг ижодхонасига йўл топиб, унинг ишлаш манераси, усули, асар ёзиш жараёни турлича ҳаётий воқеалар ичидан далиллар топиб танлаб олиш йўли, ҳаётни кузатиш усули, иш шароити ва пайти, ишлаш жараёни, инсоний фазилатлари, табиати, ҳаётга, одамларга муносабати, ўзига хослигини ўрганиши лозим. Ёзувчи ижодхонасини текшириш унинг асарларининг яратилиш тарихи, иш услуби, ижод қонуниятларини аниқлаш, шунингдек, матн тадқиқотлари учун муҳим материаллар беради. Ёзувчининг асар тили ва бадиийлиги устида ишлаш, ҳаётий воқеалардан, тўпланган маълумотларнинг кераклигисини танлаб олиш, асарга бадиий тўқималар киритиш, асар композицияси ва сюжетини аниқлашида ўзигагина хос иш услуби бўлади. Бу ўзига хосликларини аниқлаш танқидчига ёзувчи ижодини тўғри, ҳаққоний баҳолаш, тадқиқ этиш имконини беради. Адабий портрет учун муҳим материал вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек танқидчилигида бу жанрда кўплаб асарлар ёзилди ва ёзилмоқда, аммо унинг жанрий чегараларини аниқлаш, яратилган адабий портретларни тасниф қилиш, тадқиқ этиш танқидчилик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Адабиётимиз автобиографияси. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1973.
2. Андроникова М.И. От прототипа к образу: К проблеме портрета в литературе и в кино. М.: 1974.
3. Axmedova S. THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM //Конференции. – 2021.
4. Ахмедова Ш.Ўзбек адабий танқиди жанрлари. Тошкент. “Фан”. 2008.
5. Ахмедова Ш. Н. ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 12-14.
6. Amonova Z. CONFLICT INTERPRETATION IN CLASSICAL LITERATURE //Конференции. – 2020.
7. Барахов В.С. Литературние портрети. М.:1983.
8. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).
9. Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаххор ҳаёти ва ижоди асосида). Филол.фанлари номзоди...дисс.автореф.Т.: 2000. 20 б.
10. Краткая литературная энциклопедия. М.: 1968. Т.5.С.895.
11. Назаров Б. Ўзбек танқидчилиги. Тошкент. “Фан”. 1979.
12. Nazarov B. et al. History of Uzbek Literary Criticism //Textbook. Tashkent," Wing of the Tafakkur. – 2012.
13. EŞONKULOV H. ALİ ŞİİR NEVAÎ GAZALLERİNDEKİ SIR TUTMAKLA İLGİLİ DÜŞÜNCELERİN İRFANİ ANLAMLARI HUSUSUNDA //Electronic Turkish Studies. – 2018. – Т. 13. – №. 28.

14. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Т.: Шарқ, 2000.- 207 б.
15. Rajabova M. B. EXPRESSION OF IMAGES RELATED TO NATIONAL TRADITIONS IN A. NAVOI'S WORK //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 141-146.
16. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S3. – С. 1245-1250.
17. Смирнова В. Современный портрет. М.: 1964. с.337.
18. Сафаров О. Тўра Мирзаев. Адабий портрет. Т.: Фан, 2005, - б.
19. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
20. Сент-Бёьв Шарль.Литературные портреты. Критические очерки. М.:Худ- ная лит-ра.1970, - С. 48- 236.
21. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.
22. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
23. Qodirova N. S. Problems Of Style And Creative Individuality In Literature //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 2. – С. 254-260.
24. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – Т. 5. – №. 2. – С. 32-35.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Очилов Озоджон Мардиевич
Тошкент давлат шарқшунослик унивеситети
ўқитувчиси PhD

ХИТОЙ АДАБИЁТИДА РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-35

АННОТАЦИЯ

Хитой адабиётида, хусусан шеъриятда рамзий образлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Оддий нарса буюмларнинг рамз даражасига кўтарилиши бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, ўзида катта маъно мужассамлаштириш хусусиятига эгалиги сабаб шеъриятда кенг қўлланилди. Мақолада шундай рамзий образларнинг пайдо бўлиши, маъно шаклланиши, уларнинг тарихий-маънавий илдизлари ўрганилади ва хитой адабиёти тарихида муҳим ўрин тутган анъанавий стилиситик воситалардан фарқи каби масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, муаллиф мақолада айрим хитой олимлари ва адибларининг илмий мақолалари ҳамда адабий асарларида рамз ва анъанавий ифода усулларининг қўлланишини ўрганади. Мазкур мавзу юзасидан ўзининг шахсий хулосаларини таклиф қилади.

Калит сўзлар: рамз, метафора, бисинг, образ, тотем

PhD Очилов Озоджон Мардиевич
Преподаватель Ташкентского государственного
университета востоковедения

ИСТОРИЧЕСКО-ДУХОВНЫХ КОРНЕЙ ПОЯВЛЕНИЯ СИМВОЛИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ В КИТАЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

АННОТАЦИЯ

в Китайских литературах, собственно, в поэзии особенно обращают внимание на использование символических образов. Возвышения простых предметов до символов связано, из-за общения внутри себя широких значений использовалось в большом объеме в поэзии. В статье рассматриваются образование таких символических образов, формирование значении, изучения историческо-духовных корней и отличий от традиционных стилистических средствах которые в китайской литературе занимают важное место. Автор статьи также рассматривает использования “символа” и традиционных “би, син” в разных научных статьях и литературных произведениях некоторых китайских ученых и литераторов. Предлагает собственное заключения по данной теме.

Ключевые слова: символ, метафора, бисинг, образ, тотем

Ochilov Ozodjon Mardievich
PhD, A teacher of
Tashkent State University of Oriental studies

THE HISTORICAL AND SPIRITUAL ROOTS OF THE EMERGENCE OF SYMBOLIC IMAGES IN CHINESE LITERATURE

ANNOTATION

The usage of the symbolic images gained the great emphasis in Chinese literature, especially, in poetry. The simple objects could rise up to the level of the symbol and this, in turn, depends on a number of factors, because of the fact that the word covers a variety of meanings so is used to a large extent in poetry. The article studies the origin of such symbolic images, the formation of their meaning, the study of the historical and spiritual roots and discusses their differences from the traditional stylistic means that occupy an important place in Chinese literature. The author also considers the use of the "symbol" and traditional "bixing" in various scientific schools and through literary works of some Chinese scholars and writers. He offers his own conclusions on the subject matter.

Key words: symbol, metaphors, bixing, image, totem

Ву Ёфунинг ёзишича, Хитойда рамзий сўзлар келиб чиқиш манбаларига кўра қадимги тотемлар, ирим-сиримлар ва афсунгарликларга бориб тақалади.[1] Тотемларнинг юзага келиши қадим халқлар дунёни англаш даражаси чекланганлиги ва қуйи турмуш тарзи каби омиллар билан бевосита боғлиқ. Ҳаётда мавжуд қийинчиликлар, турли кўнгилсизликлардан қочиш, паноҳ излаш, сақланиш каби эҳтиёжлар осмон жисмлари, табиат ҳодисалари, турли нарса-буюмлар, баъзи ҳайвон ва ўсимликларни илоҳийлаштириш босқичига олиб келди. Инсониятда секин-асталик билан ўз хоҳиш-истаклари, ниятларини илоҳларга етказишнинг самарали йўлларини излай бошлаш эҳтиёжи юзага келди. Натижада турли ирим-сиримлар ҳамда афсунгарлик пайдо бўлди. Ирим-сиримлардан мақсад ҳар хил кўнгилсизликлардан сақланиш бўлса, афсунгарликдан мурод ўз орзу-ниятига эришиш илинжи эди. Узоқ йиллар мобайнида тотемлар, ирим-сирим ҳамда афсунгарликда фойдаланилган нарса-буюмлар маълум бир маросимлар орқали (сиғиниш, қурбонлик келтириш, никоҳ ва ҳ.к.) аждоддан авлодга ўтиб келиш жараёнида уларнинг образлари турғунлаша борди ва инсонлар онгига сингиб кетган рамзларга айланди. Кейинчалик рамзлар аста-секинлик билан белгиларга, кейинчалик баъзи хитой иероглифларининг юзага келишида воситачи ролини ўйнади, аниқ маданий маънога эга рамзий сўзлар пайдо бўла бошлади. Энг қадимги замонлардан турли тотемлар ассоциациялашиб, кейинги даврларгача ривожланиб келди. Хитой адабиёт тарихида илк шеърий тўплам ҳисобланмиш “Назимнома” (“Шижинг”) да “бисинг” ифода усуллари ёрдамида нарса-буюмларга бошқа маънолар юклатилди. Масалан, “балиқчи қуш” (雎鸠) образи орқали йигит-қизнинг соғинчи, “шафтоли гули” (“桃花”) тимсолида келинчак ифодаланди. Чюй Юаннинг “Мандарин мадҳи” (“橘颂”) асарида “мандарин” биринчи марта муқаддас ва олижаноблик рамзи сифатида қўлланилганлигини кўриш мумкин. Замон ўтиши билан сўз маъносининг соддадан мураккаблик томон силжиши, асл маънонинг бошқа маъноларни юзага келтира бошлаганлиги боис моносемантик сўзлар полисемантик сўзларга айлана борди. Бу ҳодиса рамзий сўзларнинг маданий маъносининг турғунлашуви ва ривожланиши учун қулай шароит яратди. Хан, Вей ва Олти сулола даврига келиб рамзий сўзларнинг маданий маъноси қадамба-қадам ривожланиб борди.

Цао Джи шеъриятидаги “пўкак” (“浮萍”), Бао Джао шеъриятидаги “тўкилган мэй” (“落梅”) каби сўзлар мавҳумлашган рамзларга айланди. Жануб-Шимол сулолалар даврига келиб, адиблар жонсиз нарса-буюмларга аёлларга хос характер бера бошлашди, натижада шеърият имкониятлари кенгайиб борди. Масалан, Ванг Жонг шеърларидаги “парда” (“幔”) ва “пипа (чолғу асбоби)” (“琵琶”), Чю Жуйюан асарларидаги “ зарелпиғич” (“宝扇”), Хун Жянвунинг

“Шам мадҳи” шеъридаги “шам” (“蜡烛”) каби лексемалар аниқ маданий маънога эга рамзий сўзларга айланди ва шу пайтдан бошлаб рамзий сўзларнинг миқдори тўхтовсиз ортиб борди. Чунончи, тол, бамбук, тиллақўнғиз, чигиртка, айбис сингари нарса-буюм ва жонзотларнинг ҳар бири ўз маданий мазмунига эга бўлган рамзий сўзлар сифатида шаклланди. Суй сулоласининг сўнгги даврларига қадар адабиётда, хусусан, шеъриятда рамзий сўзларнинг сони ошиб борди. Бироқ, бу рамзий сўзлар маданий мазмун нуқтаи назаридан қаралганда, уларнинг ассоциациялашув хусусияти содда, маъно доираси кенг бўлмаган босқичда эди.

Танг сулоласи даврига келиб рамзий сўзлар чинакамига кенг миқёсда ривож топа бошлади. Бу ҳолат бевосита аждодлар маънавий мероси билан боғлиқ бўлиши қатори, шу даврга келиб сиёсатнинг нисбатан либераллашгани, натижада иқтисод, маданият, адабиёт ҳамда халқаро муносабатларнинг жадаллик билан тараққий этганлиги, шеърий вазнларга нисбатан ўта қатъий қонун-қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги, ижодкорларда ички кечинмаларни билвосита куйлашнинг қарор топиши қатор омиллар сўз маъно-мазмунига нисбатан таъсир этишда аксини топди. Танг шеъриятидан ўрин олган рамзий сўзлар (образлар)нинг маданий мазмуни янада турғунлашиб, нозиклашиб ва бойиб борди. Бу эса шеърият тилига хос ифода кучи ва таъсирчанликнинг ошишига олиб келди. Танг даврига келиб рамзий сўзларнинг содда ассоциациялашув босқичи ниҳоясига етди ва улар таъсирчанликнинг ошиши нуқтаи назаридан ривожланиш босқичига кирди.

Танг сулоласининг сўнгги даврида пайдо бўлган, “узун-қисқа мисрали шеърлар” оммалашди. Бу хитой адабиёти тарихида “ци” номини олган поэтик жанр эди. Айни даврда сиёсий-иқтисодий вазиятнинг оғирлашиши, жангу жадалларнинг кўпайиши халқнинг руҳиятига салбий таъсир қилган эди. Бундай тушкунлик ҳолатининг жамият адабий муҳитига ҳам кўчганлиги боис, шеъриятда ижобий маъно англатувчи рамзий образларни учратиш мушкул. Луй Ё шеъриятида кўзга ташланувчи “темир от” (“铁马”), “куз шамоли” (“秋风”) каби айрим ижобий рамзларни ҳисобга олмаганда барча рамзий сўзлар салбий маъно англатиш хусусиятига эга эди. Чунончи, чирилдоқ (寒蝉), тола ип (飞絮), терак (杨柳), тўкилган гул (落花) ва ҳ.к.лар шулар жумласидан ҳисобланади.

Юан сулоласи даврига келиб шеъриятнинг санчуй ва зажуй жанрлари ривожланди. Зажуйлар халқ оғзаки ижодига хос бўлиб, рамзий сўзлардан асосан санчуйларда фойдаланилганликни кўриш мумкин. Бу давр шеъриятида рамзлашган сўз ҳамда сўз бирикмалари асосан дарбадарлар ва дарвешларнинг ҳаёт тарзи, руҳиятини ифодалашга қаратилган. Масалан, Гуан Ханчинг шеъриятида қайд этилган “шамол ва Ой”, “сингган тол гуллари”, Ма Джиюан шеъриятидаги “тушдаги капалак”, ўзга шоирлар ижодида кўп учровчи “тоғ”, “ўрмон”, “булоқ” каби рамзий образлар асосан мўғуллар босимидан азият чекиб, дарвешлик ва зоҳидлик йўлини тутган адабиёт аҳлининг аччиқ изтиробларини ифодалашга хизмат қилган. Санчуйлар мўғуллар ва ханларга тааллуқли адабий жанр бўлиб, икки халқ ижодкорлари томонидан ривожлантирилган.

“Рамз” (symbol) тушунчаси хитой адабиётшунослигига кириб келгач, у адабиётшунослар томонидан энг кўп эътибор қаратиладиган сўзга айланди. Хитой адабиётшунослиги, айниқса, шеъриятда рамзга нисбатан турли, бир-биридан фарқли қарашлар юзага кела бошлади.

XX асрнинг 20-30- йиллари хитой адабиётида “рамз” ва анъанавий 比兴 Bi Xingнинг қўлланилишидаги ўзаро боғлиқлик масаласи ҳақида қизғин баҳслар бўлиб ўтганлиги яхши маълум. 1926 йили Чжоу Зуорен томонидан шоир Лю Баннонгнинг шеърий тўпламига ёзилган сўз бошидаги фикрлар рамз масаласида жиддий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди: ““外国的新潮流”，象征也: “中国的旧手法”，(比) 兴也。象征即 “兴”，兴即 “象征”。。。我只认抒情是诗的本分，而写法则觉得所谓 ‘兴’ 最有意思，用新名词来讲或可以说是象征。让我说一句陈腐的话，象征是诗的最新的写法，但是也最旧，在中国也 ‘古已有之”。[2] “Хорижнинг янги оқими рамздир: Хитойнинг кўҳна услуби би,сингдир. Рамз бу “синг”, синг бу “рамздир”...Мен фақат лирикани шеърнинг асоси сифатида биламан, шунингдек, “синг” ёрдамида ёзиш услуби бизнингча қизиқарли, буни янги бир ном орқали ифодалаш ёки уни

рамз деб аташ мумкин. Сизга бир сийқаси чиққан гапни айтай, рамз бу шеъриятда энг янги услуб, аммо энг қадиймий ҳамдир. У хитой адабиётида азалдан мавжуд".

Чжоу Зуорен анъанавий шеъриятнинг ифода усуллари орқали рамз ҳақидаги қарашларини тушунтирмоқчи. У иккисини ўзаро қиёслаш орқали юқоридаги хулосага келади.

Лянг Зонгдай "Шеър ва ҳақиқат" номли мақоласида, мавҳум тушунчаларни нарса-буюмларга боғлаш, жонланатириш услубининг бир кўриниши холос. Уларнинг айтарли қисми шунчаки масал, уларни асло рамз деб бўлмайди[3], деган ғояни илгари суради. У мазкур қарашлари билан Чжоу Зуоренингни "символ" ва "синг" бир-бирига яқин тушунчалар эканлиги ҳақидаги ғоясига яқин туради.

VI асрда яшаган Лю Шиенинг "文心雕龙"("Адабий маҳорат") номли асарида келтирилишича, сингни қўллаётган адиб ҳиссиётни нозик ўхшатиш билан ифодалайди. Асарда тилга олинган нозик сўзи айнан икки нарса ўртасидаги нозик муносабатдир. Кўринишдан иккаласи орасида ҳеч қандай фарқ йўқдек, аслида эса бир иккини, икки эса бирни англатмоқда... Бир табиат манзараси кўз ўнгимизда гавдаланган чоғ, айни пайтда қачонлардир ўша вазиятда рўй берган шодлик, ғамгинлик, тушкунликларни ҳис қиламиз, тасвирланган табиат манзараси маълум даражада бизнинг кайфиятимизга мос тушади". [4]

Лянг Зонгдайнинг фикрича, икки хил кўринишдаги символ доираси мавжуд, биринчиси, "манзарада ҳиссиёт, ҳиссиётда манзара", иккинчиси, "манзара бу ҳиссиёт, ҳиссиёт эса манзарадир"... Айнан иккинчи доира рамз талабларига тўлиқ даражада жавоб беради.[3]

Сун Зуо-юннинг "Модернистик оқим шеърияти ҳақида" мақоласида Ғарб символизмининг 30- йиллар хитой шоирларига кўрсатган таъсири ҳақида фикр юритилади. Хитой адабиёти анъаналарига хос бўлган тушунчалар ҳақида тўхталиб, уларнинг адабиий тафаккурида ҳануз анъанавий қараш сақланиб қолган, дейди". [5]

Бян Чжилэн 30- йиллар хитой адабиётининг романтизмдан символизмга ўтиши ҳақида фикр билдириб, мен байхуада ёзган янгича шаклдаги шеърларимда ифода қилинган фикрлаш ва ёзиш услубимда қадим ва бугун, Хитой ва хориж билан кўплаб ўхшашликлар мавжудлигини ҳис қиламан. Масалан, мен лирик шеър ёзаман, қадимгиларимиз шеър ёзгани каби образларга, тасвирий воситаларга алоҳида эътибор қаратаман. [6]

Би, синг ва символ. Қадимги хитой шеъриятида фу, би, синг каби ифода усулларидан фойдаланилган. Шу ўринда фу, би, синг ифода усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида изоҳлар беришга тўғри келади.

Сунг даврининг буюк мутафаккири ва неоконфуцийчилик таълимотининг асосчиси Чжу Си "Шеърлар тўплами" ("诗集传")да фу ифода усули ҳақида қарашларини баён этиб: 赋者，敷陈其事而直言之者也。—Фу воқеа-ҳодисаларни тафсил қилиш, бевосита ифода этишдир".[7] Бевосита ифода фуни би ва сингдан ажратиб турувчи фарқли жиҳати. Чженг Сюан "фу" ҳақида тўхталиб, шундай фикрни билдиради: 赋之言铺,直铺陈今之政教善恶。— Фу бугунги ҳукумат ишлари, таълим-тарбиянинг яхши ёки ёмон томонларини бевосита баён қилишдир.[8] Иккала олимнинг фу борасида билдирган фикрлари деярли айнан. Аммо бу ўринда Чжу Си фунинг адабиётдаги ўрнини Чженг Сюандан кўра чуқурроқ тушунганини эътироф этамиз.

Чжу Си би ҳақида шундай фикр билдиради: (иккиласини фикрини умумлаштириш керак) 比者以彼状此,如 "螽斯"、 "绿衣"之类是也[10]— Би бирини бошқасига таққослашдир. "螽斯", "绿衣" каби шеърлар шу тоифага мансубдир. Шу билан бирга у: 比是以一物比一物, 而所指之事常在言外[11] — Би бирор нарсани бошқа бир нарса билан қиёслаш, бироқ воқеанинг англануви тилдан ташқаридир, деган фикрга келади. Бундан би усули ёрдамида ёзилган шеърни тўғридан-тўғри тушунмаслик керак, зеро, шеър мисралари маъноси тилдан ташқарида, бир нарса таърифланиб, бошқа нарсага урғу берилади.

Би усулида битилган шеърларни қандай тушунмоқ керак, деган саволга Чжу Си шундай жавоб беради: Бирор нарса бошқаси билан таққосланаётганда реал воқеликка асосланилади. Масалан, "Назмнома"даги "螽斯" ("Чигиртка") шеърини олайлик:

"螽斯羽诜诜兮，宜尔子孙振振兮..."

“Чигирткалар қанотин қоқиб, галалашиб учиб юришар.

Бола-чақанг шунчалар кўп, санамоқдан чалғиб кетишар...

Чигиртка лексемаси маълум бир одамга нисбатан ишлатилмоқда, кейинги мисрадаги “бола-чақанг”нинг эса реаллик билан қанчалик боғлиқ эканлигини айтмаса ҳам бўлади. Мана шуларнинг барчаси бидир. [11]

Би ифода усулида ошкоралик мавжуд бўлиб, нимага урғу берилаётганлиги аниқ кўриниб туради, айнан шу жиҳат бининг ўзига хослигини белгилайди. “Чигиртка” шеърида бидан чирОйли фойдаланилган, чигиртка орқали маликанинг бола-чақаси кўп эканлигига урғу берилмоқда. Бироқ шеърда бу ҳолат тўғридан-тўғри айтилмай, чигиртканинг бола-чақаси шаклида қўлланилмоқда. [11]

Юй Чунхай (于春海) би метафора эмас, деган фикрни илгари суради. Зеро, у кишида тасаввур уйғотади. Унинг ёрдамида бирор мавҳум ҳолат ёки шоирнинг ўй-хаёли, кайфияти кабилар бир-бири билан қиёсланади, натижада, ҳолатнинг янада таъсирли бўлишига эришилади. [13] Масалан:

艺麻如之何? // 衡从其亩。// 娶妻如之何? // 必告父母。// 析薪如之何? // 匪斧不克。// 娶妻如之何? //匪媒不得。(“诗经·齐风·南山”)

Кунжутни қандай экар? // Ариқ қазиб, ер ағдар. // Хотинни қандай олар? // Ота-онанг топсин хабар. // Ўтинни қандай қилар? // Болтасиз бари бекор. // Хотинни қандай олар? // Совчисиз бўлмас бу кор (“Назмнома” “Жануб тоғ”).

Юқоридаги шеърда кунжут экиш учун ариқ қазиб, ер ағдариш зарурлиги уйланиш учун, аввалambор, ота-онага билдириш зарурати; ўтин қилиш учун болта кераклиги, уйланиш учун совчи муҳимлиги ўзаро солиштирилмоқда. Демак, кунжут экиш учун ариқ қазиб ер ағдариш, ўтин қилиш учун болта кераклиги каби ҳолатлар уйланиш ҳақида ота-онани хабардор қилиш ва бу иш совчисиз битмаслигиги таъкидланмоқда. Бу ерда кунжут экиш ва хотин, ариқ қазиб, ер ағдариш, ота-онага айтиш, болта ва совчи ўртасида қатъий муносабат мавжуд бўлмаса-да, лекин киши тасаввурида аниқ мантиқни юзага келтиради; кунжут экиш учун, ариқ қазиш ва ер ағдариш қонуниятига амал қилиш қанчалик зарур бўлса, уйланиш учун ота-онага айтиш, совчи ёллаш шу қадар муҳимлиги ҳақида тассаввур воқеаланади. Ўтин қилишда болтанинг вазифаси билан уйланишда совчининг вазифаси шеърда ўзаро монанд. Булар ўзаро бир-бирига қатъий ўхшаш бўлмаган намуналардан фойдаланишнинг мантиқий усулидир.

Синг усули. Чжу Синининг таъкидлашича, синг ўзга нарса орқали ифодаланаладиган воқеа-ҳодисадир. У: 先言他物以引起所詠之词也。— Дастлаб тилга олинган нарса-придмет келтириб чиқарган барча маънолардир.[12] Синг борасидаги тушунчалар асосан иккитадан иборат бўлиб, дастлабкиси “мантиқсиз боғланиш”дир, масалан “小雅.大东”даги Дошқозони тўла овқатдир//қошиқлари қип-қизил ёғоч” билан “кўчалари теп-текис қайрок//равонлиги камоннинг ўқи бир-бири билан маъносиз муносабат орқали боғланган, дея таъкидлайди. [11]

Иккинчиси “мантиқий боғланиш”дир. Уни “Назмнома”даги биринчи шеър − “Балиқчи қуш”да учратиш мумкин:

“关关雎鸠 // 在河之洲 // 窈窕淑女。 // 君子好逑。// 参差荇菜，// 左右流之。// 窈窕淑女，// 寤寐求之。

Балиқчи қушлар қуриллар // Дарёнинг қумлоғида // ЧирОйли меҳрибон қиз // Мард йигит орзуси-да. //Баланд паст нилуфарлар, // Ўнгу сўлдан тергуси // Гўзал ва меҳрибон қиз // Ўнгу тушим орзуси.

Чжу Синининг фикрича, балиқчи қушнинг ўзгачалиги ва вафодорлиги қизнинг садоқатлилиги, нилуфар гулнинг тоза ва нафислиги қизнинг гўзаллиги ва меҳрибонлиги билан ўхшаш. Бу эса айнан “мантиқий боғланиш”дир. [14] Бироқ би ва синг борасида билдирилган фикрлардан бу икки ифода усули ўртасидаги аниқ фарқларни илғаб олиш мушкул.

Чженг Сюан (郑玄) “Чжоу подшоҳлигининг урф-одатлари” китобига ёзган шарҳида “би” ва “синг”ни шундай фарқлайди: 比, 见今之失, 不敢斥言, 取比类以言之; 兴, 见今之美, 嫌于媚谀, 取善事以喻劝之. — Би, бугунги замоннинг ёмон томонларини тўғридан тўғри айтишга журъат қилмай, шунга ўхшаш бошқа бирор нарса орқали сўзлашдир; синг бугунги замоннинг

яхши томонларини янада жозибали ифодалаш мақсадида яхши нарса ва ҳодисаларни мисол қилиб ифода этишдир. [15]

Чженг Сюан фикрича, бундан би билан синг ўртасидаги асосий фарқ сиёсатнинг салбий ёки ижобий томонларининг шу ҳолатга ўхшаш мисоллар ёрдамида ифодалаётганлиги англашилади. Яъни, би бугунги замоннинг салбий томонларини киноя остига олса, синг бугунги куннинг ижобий томонларини унга монанд, мос келувчи мисоллар ёрдамида мадҳ этади. Бироқ Чженг Сюан айни масалага сиёсий нуқтаи назардан ёндашиб, улар ўртасидаги фарқни санъатга оид қилиб тушунтирмаган.

Чженг Сюаннинг қарашлари кейинчалик Лю Шиега ҳам таъсир қилди. Лю Шие “Адабий маҳорат” асарининг Би бўлимида би ва сингни фарқлар экан, унинг фикри Чженг Сюаннинг қарашлари билан деярли ҳамоҳанглигини кузатамиз. [4]

Шу билан бирга Лю Шие қуйидаги фикрларни ҳам илгари суради: “故比者，附也；兴者，起也。附理者切类以指事；起情者依微以拟议。起情故兴体以立；附理故比例以生”. [4] Яъни Би, мураккаб солиштирмадир, синг эса ҳиссиётни уйғотади. “Мураккаб солиштирма” дегани, бир-биридан асосан фарқ қилувчи нарса ва ҳодисалар ўртасида ўхшашлик топиб, моҳиятни очиб бериш тушунилади; ҳиссиётни уйғотмоқ, нарса-ҳодисанинг нозик жиҳатидан келиб чиққан ҳолда мазмунни ҳавола этмишдир. Ҳиссиёт уйғота олгандагина синг юзага келади, бир-бирига узоқ нарса-ҳодисалар ўртасида ўхшашлик топилсагина, би пайдо бўлади. Ёзувчи ичидаги нафратни айтмоқчи бўлса бидан, нозик ўхшатишлар орқали киноя қилмоқчи бўлса, сингдан истифода этади.

Жанубий сулола даврида яшаб ижод этган адабиётшунос ва танқидчи Чжонг Ронг (钟嵘 468～518) “Шеърий асарлар” (“诗品”)ида шундай ёзади:文已尽而意有馀，兴也；因物喻志，比也[16]— асарда тугалланган маънодан ташқари, яна қўшимча маъно мавжуд бўлса, у сингдир; мақсад, бирор нарсага қиёсланса, у бидир”. Бунда яна бир би билан синг муносабатида мавжуд фарқ борасидаги янгича нуқтаи назарни кўриш мумкин. “Тугалланган маънодан ташқари яна қўшимча маъно мавжуд” дейилганда китобхоннинг шеърий асарни ўқиб, ундан олган қўшимча ва ўзгача ҳис- туйғуларнинг ёдга тушиши назарда тутилаётганлигига эътибор қаратиш лозим.

Сунг даври адабиётшуноси Ли Чжонгмэнг (李仲蒙)нинг би ва синг ҳақидаги фикри қуйидагича: 索物以托情谓之比，情附物者也；触物以起情谓之兴，物动情者也[17] Яъни, бирор нарса ёрдамида ҳиссиётнинг қиёсланиши бидир; бирор нарсага боғланган ҳолда маълум ҳиссиётни юзага келитириш сингдир, у ҳиссиётларни қўзғатади. Ли Чжонгменг би ва синг ўртасидаги фарқни тушунтирар экан, унинг қарашларида “ҳиссиёт”га эрк берилганлиги кузатилади. Би қўлланилганда, нарса-буюм фаол тарзда ҳиссиёт билан солиштирилади, нарса-буюм инсон орқали ҳиссиётга эга қилинади, ижодкор маълум бир фикр ёки ҳис-туйғуни ифодалаш учун унга мос тушадиган образни қидиради. Сингда эса нарса-буюмга пассив боғланган ҳолда маълум бир ҳиссиёт юзага келтирилади, нарса-буюм ёки бирор ҳолат инсонда маълум бир ҳиссиётни уйғотиши керак, яъни ижодкор ўй-фикр ёки ҳис-туйғуларини образ орқали қўзғатади.

Кўпгина олимлар би ва сингни бир-биридан фарқлаш мушкуллигини мисоллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилган. Бу борада зиддиятли фикрлар бор. Мисол тариқасида “Назмнома”дан ўрин олган “Шарқ шамоли” шеърини келтириш мумкин:

习习谷风 // 以阴以雨。// 黾勉同心，// 不宜有怒。// 采葑采菲，// 无以下体。// 德音莫违，// 及尔同死。

Эсар енгил ёқимли шарқ шамоли, // Булут келиб совуқ ёмғир ёғади. // Оғир кунни елкалашиб енгмоқ керак, // Ўз-ўзидан нега жаҳлинг чиқади. // Турпу шолғом терсам гар, // Воз кечиб бўларми илдизидан ҳеч, // Учрашганда умрбод ёримсан деб, // Берган ваъданг чиқмайди ёдимдан ҳеч.

Баъзи адабиётшуносларнинг қарашича, ёқимли шамол яхши ҳисларни, совуқ ёмғир ёмон ҳисларни қўзғатади. Шу сабабдан ҳам улар сингдир. Бошқа бир гуруҳ адабиётшуносларнинг фикрича, ёқимли шамол ошиқларнинг илк учрашувига, совуқ ёмғир эса икки ёрнинг

айрилиғига ўхшатилмоқда, турпу шолғом оилада эру хотин бир-биридан ажралмас, деган ғояга урғу бермоқда ва бу бидир. Фикрларнинг бундай хилма-хиллигини кўплаб учратиш мумкин.

Чжу Гуангчян 1932 йил чоп этилган “Гўзаллик ҳақида” (“美谈”) асарида биринчилардан бўлиб, рамз бу - би, деган назарияни ўртага ташлади. У шундай дейди: Барча айтаётган рамз бу - А Бнинг белгисидир, А Бнинг белгиси сифатида одатда ассоциялашувни юзага келтиради. Рамзнинг энг фойдали томони шундаки, аниқ нарса-буюм ёки воқеа-ҳодиса мавҳум тушунчанинг ўрнини эгаллайди... Рамз ҳақида қисқа ва лўнда гапирилганда “мазмун предметда” дейиш мумкин.

Лянг Зонгдай 象征主义（ “Символизм”）асарида Чжу Гуангчяннинг фикрига қарши бориб, унинг хатоси бадиий санъатдаги рамз билан стилистикадаги бини битта нарса деб ўйлаганлигида, дейди. У шунингдек, қуйидагича фикрларни билдиради: Рамз бошқа тушунча. Мен уни “Назмнома”даги сингга яқин, деб ҳисоблайман.

“Бадиий маҳорат”да синг ҳиссиётни нозиклик билан ўхшатмоқдир. Айтилаётган нозиклик икки нарса ўртасидаги нозик муносабат. Юзаки қараганда иккаласи ўртасида ҳеч қандай алоқадорлик мавжуд эмасдек кўринади, аслида, бу ерда бир иккига, икки эса бирга тенгдир. Рамзнинг ўзига хослигини нозик ўхшатиш деган сўзлар билан бериш ўринлидир[3].

Рамз ва би, сингни ўзаро қиёслаш орқали ҳар иккисининг тасвирий восита нуқтаи назаридан конкрет ўхшаш жиҳатларга эга эканлигини пайқаш мумкин. Масалан, рамз ва би синг бир хил равишда икки нарса ўртасидаги муносабатни ифодалайди; уларда асл маънони яширин (имплицит) ифодалаш каби бадиий хусусият мавжуд. Бироқ рамз тўла-тўкис синг билан мос эмас. Синг ёрдамида ифодаланаётган маъно, одатда, матнда мавжуд ва буни осон илғаб олиш мумкин. Рамзнинг объекти матнда албатта кўриниш бериши шарт эмас, рамз англатаётган маъно аксар ҳолатда яширин (имплицит), у ўқувчининг билими, дунёқараши ва ассоциатив тажрибаси ўзаро бириккан ҳолда юзага чиқади. Рамзлар шартли белги бўлгани учун ўзгарувчандир. Вақт ўтиши билан баъзан ижтимоий давр, гуруҳ, оқимлар таъсирида ўз маъносини ўзгартиради. Қадимги хитой адабиётшунослигида би, синг каби ифода усулларининг мавжудлиги ва унинг кенг қўлланилгани ўша давр поэзиясида рамзий ифодалар бўлмаган деган хулосага олиб келмаслиги керак. Қадимги хитой шеъриятини ўрганиш натижасида кўплаб поэтик образларнинг рамз даражасига кўтарилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларни илмий таҳлил қилиш тадқиқотчи олдига, аввалambор, би, синг ва поэтик рамз ўртасидаги чегарани аниқлаб олиш талабини қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 吴友富: 国俗语义研究. –上海: 上海外语教育出版社, 1998. 第 2 页
2. 周若人：《谈龙集 – <扬鞭集>序》岳麓书社，1989 年版，第 40 页.
3. 《文学季刊》第一卷第二期，1934 年 4 月 1.
4. 范文澜．《文心雕龙》注．-北京：人民文学出版社，2008，第 601 页。
5. 孙作云:《论 “现代派” 诗》- 发表于《清华周刊》 43 卷 1 期
6. 卞之琳:《鱼目集》由文化生活出版社出版，1935 年.
7. 朱塞:《诗集传》,上海:上海古籍出版社,1979 年,第 2 页.
8. 郑玄注、贾公彦疏:《周礼注疏》,《十三经注疏》本,北京:中华书局,1979 年,第 796 页.
9. 李平：“诗六义” 学术史研究，华中师范大学文学院，武汉，2013 年，第 121 页.
10. 朱熹:《仪礼经传通解》,第 9 卷,《四库全书》本,第 13-14 页.
11. 朱熹:《朱子语类》,第 6 册,北京:中华书局,1986 年,第 2068 页.
12. 朱熹：《诗集传》，-北京：中华书局，1980 年，第 1 页.
13. 于春海：“比”、“兴” 不是比喻 // 汉语学习，2002 年，6 月，第 3 期，第 50 页.
14. 季本:《诗说解颐》,第 1 卷,《景印文渊阁四库全书》,-台北:台湾商务印书馆,1983 年,第 7 页 .

15. 十三经注疏·周礼注疏．- 海南：海南国际新闻出版中心, 1996, 第 339 页.
16. 钟嵘．诗品．中州古籍出版社, -郑州: 2010，第 39 页.
17. 胡寅:崇正辩斐然集, 中华书局, -北京: 1993, 第 386 页.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Линводидактика

Hamidova Madinabonu Abduboriyevna
Teacher,
Uzbek State World Languages University

COMMUNICATIVE SYSTEM-ACTIVITY APPROACH TO TEACHING ENGLISH

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-36

ABSTRACT

This article is devoted to a review of the so-called communicative methodology of teaching English in secondary school, which seems to the author to be the most effective and promising of all existing and currently used ones. It should be noted that the effectiveness of this technique is confirmed by the results of its application in European countries over the past 15-20 years. It is also gratifying that in recent years there have been, though not universal, but already significant experiences of integrating communicative methods into the system of language education.

Key words: methodology, integral part, interaction, extra-linguistic, mastering, interaction, monologue-message, systematization, complementary

---

Хамидова Мадинабону Абдубориевна
Преподаватель,
Узбекский государственный
университет мировых языков

КОММУНИКАТИВНЫЙ СИСТЕМНО-АКТИВНЫЙ ПОДХОД К ОБУЧЕНИЮ АНГЛИЙСКОМУ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена обзору так называемой коммуникативной методики обучения английскому языку в средней школе, которая представляется автору наиболее эффективной и перспективной из всех существующих и используемых в настоящее время. Следует отметить, что эффективность этой методики подтверждена результатами ее применения в европейских странах за последние 15-20 лет. Отрадно также, что в последние годы есть хоть и не универсальный, но уже значительный опыт интеграции коммуникативных методов в систему языкового образования.

Ключевые слова: методология, составная часть, взаимодействие, экстралингвистическое, усвоение, взаимодействие, монолог-сообщение, систематизация, комплементарность.

Hamidova Madinabonu Abduboriyevna
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti o'qituvchisi

INGLIZ TILINI O'QITISHDA KOMMUNIKATIV TIZIM-FAOLIYATI YONDASHUVI

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola o'rta maktablarda ingliz tilini o'qitishning kommunikativ metodikasi deb nomlangan o'qitish uslubiga bag'ishlangan bo'lib, u muallifga barcha mavjud va hozirda qo'llanilayotganlardan eng samarali va istiqbolli bo'lib ko'rindi. Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu texnikaning samaradorligi so'nggi 15-20 yil ichida Yevropa mamlakatlarida qo'llanilishi natijalari bilan tasdiqlangan. So'nggi yillarda kommunikativ metodlarni til ta'limi tizimiga kiritish borasida butunlay ommaviy bo'lmagan bo'lsa-da, ammo allaqachon sezilarli tajribaga ega bo'lganligi quvonarlidir.

Kalit so'zlar: metodologiya, ajralmas qism, o'zaro ta'sir, lingvistik, o'zlashtirish, o'zaro ta'sir, monolog-xabar, tizimlashtirish, bir-birini to'ldiruvchi.

In view of the fact that the position of the English language in the world as a leading means of international communication is increasingly strengthening, and there are no significant tendencies to stop or slow down this process, the problem of creating an effective methodology for teaching English is extremely important. As the human brain most actively perceives and memorizes information and works productively during the first half of life; thus, in the case of English, as well as a myriad of other disciplines, it is imperative to enable language acquisition at a relatively early stage in the development of the human personality.

Let us first consider in general terms the communicative system-activity approach to teaching English. This approach is the implementation of such a method of teaching, in which an orderly, systematized and interrelated teaching of the English language is carried out as a means of communication in the conditions of speech activity modeled (reproduced) in the classroom – an integral part of the general or extra-linguistic activity. The communicative system-activity approach presupposes a complete and optimal systematization of relationships between the components of the learning content. These include the system of general (for example, extra-linguistic, pedagogical) activity, the system of speech activity, the system of speech communication (communication, interaction and mutual perception), the system of the English language itself, the systemic correlation of the native and English languages (their consciously comparative analysis), the system speech mechanisms (speech production, speech perception, speech interaction, etc.), text as a system of speech products, a system of structural speech formations (dialogue, monologue, monologue in dialogue, different types of speech utterances and messages, etc.), a system (process) mastering the English language, the system (structure) of human speech behavior. As a result of this approach in teaching, the system of English language proficiency is formed, implemented and operates as a means of communication in the broad sense of the word. Such a system, taking into account its use for the purpose of teaching English, should also include the interrelation of general activity motives with the motives and needs of the communication associated with it; subject content and methods of performing activities; typical conditions of its course and the nature of the interaction of its participants (inter-individual, group), as well as the determination of the nature, content and forms of relationships and communication of the participants adopted within the framework of this activity: in the unity of their communicative, interactional and perceptual aspects, role, place, spheres and situations of English speech communication.

The determining factors for teaching English are:

1) the nature of the influence of general activity on the content, selection and organization of educational language and speech material;

2) modeling communication situations in the educational process and ways of forming speech skills and abilities among students;

3) methods and techniques for managing their educational activities in the classroom with a teacher and in independent work.

For educational purposes, the options for general activity are differentiated, provided that it is related to learning: real (educational), actual (extracurricular) and potential (future). Of great interest for creating a general activity basis for teaching English is the correlation of units of activity: operations, actions and the actual activity. For the organization of management of the process of mastering the English language and the practice of English-speaking communication of students, the activity concept is of particular importance, including the theory of P.K. Anokhin about the acceptor of an action, which substantiates the interaction of the phases of planning, execution and comparison in the process of performing actions by a person. In general, the systematization of general activity and the definition of its interaction with speech activity are carried out on the conceptual basis developed by J. Harmer, L. S. Vygotsky, A. N. Leontyev, A. A. Leontiev and others.

Speech activity as a system is considered as an integral and integral part of general activity. Systematizing speech activity, it should be noted that both special and interrelated teaching of the types of speech activities that serve communication, including speaking, listening, reading and writing, are significant for teaching English-speaking communication. The hierarchy of units of speech activity (speech operation, speech action and speech activity itself) ensures orderliness, consistency, continuity and consistency in the formation of speech skills and abilities. The usage of the theory of speech activity makes it possible to form the motives of the English-language speech communication in the learning process and to ensure their implementation in the situations simulated in the classroom.

Systematization of communication involves the analysis of the content, structure and interaction of its communicative (information exchange between partners), interaction (interaction between partners) and perceptual (mutual perception and understanding between partners) aspects. Of great interest for teaching English-speaking communication is the analysis of the combination in the speech interaction of native speakers of speech and non-speech means of communication (facial expressions, gestures, body movements), taking into account their national and cultural specifics. Structural forms of communication (dialogue, monologue, monologue in a dialogue, dialogue in a monologue), components of an act of communication (cycle, period), speech genres of communication (monologue-message, reasoning, proof), dialogue (conversation, dispute, question-and-answer dialogue, contemplation), speech etiquette and communication technique adopted in English in certain social situations, as well as the role repertoire of speech influences and reactions in various situational and thematically determined acts of communication.

The systematization of linguistic material for the purpose of teaching English-speaking communication involves the use of both the actual systemic description of the phonetic, lexical and grammatical aspects of the language, and the data of communicative linguistics and pragma-linguistics, functional grammar, contrastive linguistics. The systematization of language as a means of communication must meet three basic requirements:

- to create the linguistic foundations of teaching English, taking into account the language experience of the students and their knowledge of their native language;
- to teach them a specific (full, truncated or selective) version of the English language system;
- to correspond to the conditions for the implementation in teaching of the communicative function of the English language and its mastery by students.

Along with teaching various units of the English language - phonetic, grammatical, lexical, intonational (prosodic) - in teaching communication, functional statements, various types of speech interaction between interlocutors, functional superphrasal unity, variants of speech implementation of communicative intentions (intentions) of interlocutors, variable methods become especially important communicative response, the technique of verbal communication (including verbal etiquette), samples of statements conditioned by the role behavior. The linguistic foundations of teaching English-speaking communication should unite the entire arsenal of linguistic units and speech means of communication into a single whole.

The systematization of the correlation of the native language with English has three aspects:

- selection and pre-educational organization of language and speech material for teaching English-speaking communication;
- dynamic correlation of language and speech units in the learning process;
- the formation of the skills of correlating the native and English languages in the process of mastering the latter.

The training includes a lingua-methodological typology of the studied linguistic phenomena and the formation of skills and abilities of foreign language communication. Such a correlation also requires the creation of special communicative reference books and teaching aids that would develop the ability of students to quickly switch from one language to another and include an active comparison of two languages in training, as well as form a developed language-mediator in the linguistic thinking of students for the internal correlation of both languages. in the process of generating and semantic perception of speech utterances in English-speaking communication with the continued primacy of the native language in speech thinking. The correlation of the native and English languages in teaching English-speaking communication should be ensured by such complexes of exercises that, without prejudice to the authenticity of the English-speaking speech, would allow the original communicative intentions to be fully realized by means of the English language (without adjusting them to the available language means), formed in speech thinking in native language. In general, the creation of such complexes of exercises is associated with the peculiarities of the structure and functioning of the mechanisms for the generation and semantic perception of speech utterances that are part of the system that is appropriate for teaching English-speaking communication. A methodically expedient system of speech mechanisms creates a psychophysiological basis for speech communication. The most significant are the mechanisms of generation of speech utterance, semantic perception, the mechanism of interaction between short-term and long-term memory and the associated mechanism of probabilistic forecasting in speech.

The text as a system of the speech product of the speakers of the studied English language is of particular value as a systematized example of the functioning of the language within the framework of the topic, context, situation, problem, sphere and genre of communication, orientation towards a specific addressee, with a reflection of a certain social, activity background, expression of social, professional, personal position. The text is considered as a product of oral or written speech fixed in one form or another. The text is considered as a product of oral or written speech fixed in one form or another. All other systems, as it were, materialize in it. Taking into account the systems described above, it is possible, specifically, for educational purposes, to model such texts that would not only be examples of English-speaking communication, but would also control the process of mastering and practice of English-speaking communication. Dialogue texts, especially specially compiled ones, can become the basis for independent communication training, that is, self-study of English-language communication. The functions of the text in teaching English-speaking communication are by no means limited to the above. With the development of communicative techniques, new functions may appear. Structural-speech formations are closely related to the text as a system - different types of texts of a monological and dialogical nature, mixed genres of statements.

Teaching diverse structural speech formations should be provided, along with dictionaries and grammar reference books, special communicative teaching aids. Experience shows that learners often have difficulty in composing a meaningful dialogue or a targeted monologue for a specific communication situation, conducting a multi-theme dialogue or using various genres (message, reasoning, proof, conclusion, narration, description, assumption). The systematization of speech behavior is important for teaching English-speaking communication in such aspects: as the reflection in it of all the psychological, linguistic, activity-related, objective and subjective factors of its existence in the speech of a person as a whole; as a model or sample of speech behavior of a typical native English speaker, to which learners should strive; as features of speech behavior as a result of the training in English-speaking communication; as the formation of the student's ability to express themselves in English.

The system of educational activity is consistent with the goals, nature and conditions of education and is determined by the peculiarities of mastering the English language as a means of

communication. The main condition for improving and expanding the scope of educational activities for mastering English-speaking communication should be the complementary use of real (in the educational process), actual (extracurricular) and potential (planned) activities in it. An effective way to optimize educational activities can be game modeling, which is the recreation in the learning process according to the essential characteristics of motives, goals, situations, conditions, process and results of the above types of activities based on the use and organization of students' play activities.

At the same time, it is possible to clearly correlate and conform all systems in a single teaching system, taking into account all the specific characteristics of a dual process

- teaching / mastering on the subject of real and effective teaching and practice of using the communicative function of the language. To avoid this, it is necessary to highlight the following major blocks in the systematic approach to teaching English-speaking communication:

- pre-educational systematization of teaching communication;
- selection and organization of training content;
- systematization and differentiation of linguistic and speech material;
- distribution and organization of the components of the content of training, language and speech material for the preparatory, specialized and integrative stages of training;
- systematization of training sessions by stages;
- systematization of management of educational activities of trainees;
- systematization of the management of the practice of English-speaking

So pre-curriculum systematization of instruction includes a careful analysis of the actual or perceived general activity that the English language should serve; identification of spheres, subject content, topics, structure and situations of English-language communication included in the general activity; the corresponding compilation of a detailed model of the planned communication.

References:

1. Theory of teaching foreign languages: Linguodidactics and methodology: textbook. manual / Natalia Dmitrievna Galskova, Nadezhda Ivanovna Gez. –
2. Methods of teaching English: study guide: rivers. Ministry of Defense and Science of the Republic of Kazakhstan for org. those. and prof. images. / I. Ilyina, R. Nurgalieva. - Astana: Folio, 201p.
3. Foreign languages and learning technologies in the XXI century = Shetel tilderi zhane XXI kasyrdagy ogytu technologies: Rep. scientific-practical conf. Reports. - Kokshetau, 200p.
4. https://market.yandex.ru/product--harmer-jeremy-essential-teacher-knowledge/557752061
5. https://istina.msu.ru/workers/42885288/
6. Konysheva, A.V. English. Modern teaching methods / A.V. Konysheva. - Minsk: Tetra Systems, 2007. 352 p.
7. Rabinovich, F.M. Intensive methods of teaching foreign languages and secondary school / F.M. Rabinovich, T.E. Sakharova // Foreign languages at school. - 1991. No. 1. - P. 9-17.
8. Bannikova, L.S. Methods of teaching foreign languages and technical teaching aids: A course of lectures for 4th year students of the specialty 1-02 03 06 01 - “English”, specialty 1-02 03 06 02 - “German”. In three parts. Part I. / L.S. Bannikov. Min-in arr. RB. - Gomel: UO “GSU im. F. Skaryna”, 2006. P. 82
9. Dusheina, T.V. Project methodology in foreign language lessons / T.V. Dusheina // Foreign languages at school. - 2003. No. 5. - P. 38-40.
10. Breigina, M.E. Project methodology in Spanish lessons / M.E. Breigina // Foreign languages at school. - 2004.? No. 2. P. 28-31.
According to Ameka [30, P.113], pragmatic markers for interjections are divided into particles and routines. Particles can stand by themselves in a sentence, but routines cannot, and since interjections can be utterances by themselves, they are not particles but routines. Despite the fact that particles and interjections belong to separate grammatical groups, they all have context dependence, which means that their meaning is determined by the context in which they appear.

Interjections are classified by Ameka into primary and secondary classes on the basis of their form or into expressive, conative and phatic interjections on the basis of their communicative functions. First, expressive interjections are about the speaker's mental state. They are the "vocal gestures" that reflect this condition more precisely. This category of interjections includes the emotive and cognitive types. Emotive interjections are used to instantly express the emotions and the feelings of the speakers, for instance "ugh", "wow". Cognitive interjections are used to deliver the speaker's current experience. Second, Conative interjections are used to get the attention of the addressee or to elicit a response or an answer from the listener; "sh" and "eh" are requests for silence and information-seeking interjections, accordingly. Last but not least, phatic interjections are used to initiate and maintain communicative interaction. A variety of conventional vocalisations which express a speaker's mental attitude towards the ongoing discourse, that is backchanneling or feedback signaling vocalisations, may be classified phatic" [30, P.114].

When looking at the pragmatic grouping of interjections and clearing up any inconsistency that may exist, one should keep in mind that their functions may overlap; as a result, the above classification was focused on the dominant functions

CONCLUSION

As a matter of fact, a preliminary review of the literature on the pragmatics of exclamatory sentences revealed that the majority of researchers placed a high importance on wh - exclamatives more than the other forms without any rationale.

Further scientific studies need to be conducted to pragmatically analyze the other exclamatory types as the study of exclamatory sentences is lacking in terms of their position in Speech Act Theory, because it does not cover in-depth analyses that are exhaustive in the way that they cover all facets of this theory.

References:

1. Bolinger, D. Intonation and its uses: Melody in grammar and discourse. Stanford: StanfordnUniversity Press,1989. – pp.484
2. Leech, G. A glossary of English grammar. Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. – pp.133
3. Crystal, D. A dictionary of linguistics and phonetics. Malden, MA: Blackwell Publishing, 2008. – pp.210
4. Quirk, R., Greenbaum, S, Leech, G, & Svartvik, J. A comprehensive grammar of the English language. London: Longman, 1985. – pp.1779
5. Baker, C. L. English syntax (2nd ed.). Cambridge, MA: MIT Press, 1995. – pp.504
6. Fasano, T. English grammar in review. Claremont, CA: Coyote Canyon Press, 2014. – pp.362
7. Hargis, C. H. English syntax: An outline for teachers of English language learners. Springfield, IL: Charles Thomas Publisher, 2008. – pp.308
8. Elliot, D. The grammar of emotive and exclamatory sentences in English, Doctoral thesis, Ohio State University,1971. – pp.113
9. Rosengren I. Expressive sentence types—a contradiction in terms. The case of exclamation. – De Gruyter Mouton, 2011. – P. 151-184.
10. Huddleston, R., & Pullum, G.K. The cambridge grammar of the English language. Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – pp.1860
11. Radford, A. Syntactic theory and the structure of English: A minimalist approach. Cambridge: Cambridge University Press,1997. – pp.572
12. Biber, D., Johanson, S, Leech, G, Conrad, S., & Finegan, E. Longman grammar of spoken and written English. London: Pearson Education Ltd.,1999. – pp.1203
13. Sadock, J. M., & Zwicky, A. M. Speech act distinctions in syntax. In T. Shopen (Ed.), Language typology and syntactic description: Volume 1, clause structure. Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – pp. 155 - 196
14. König, E., & Siemund, P. Speech act distinctions in grammar. In T. Shopen (Ed.), Language typology and syntactic description: Volume 1, clause structure. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. - pp 276-325.
15. Crystal, D. Making sense of grammar. London, UK: Penguin, 2004. – pp. 400.
16. Huddleston, R. Introduction to the grammar of English. Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – pp. 500.
17. Elliott, D. Towards a grammar of exclamations. Foundations of Language, 11(2), 1974. - pp.231-246.
18. Rett, J. Exclamatives, degrees and speech acts. Linguistics and Philosophy, 34 (5), 2011. – pp.411- 442.
19. Quirk, R., Greenbaum, S., Leech, G., & Svartvik, J. A grammar of contemporary English. London: Longman, 1972. –pp.1120

20. Gelderen, E. V. An introduction to the grammar of English. Amsterdam: John Benjamins Publishing, 2010. –pp.254
21. Rett, J. A degree account of exclamatives. Proceedings of SALT XVIII, CLC publications, 2008. –pp.601 – 618.
22. Miró, E. Deconstructing exclamations. Catalan Journal of Linguistics,7, 2008.- pp. 41-90
23. Collins, P. Exclamative clauses in English. Word, 56(1), 2005. –pp.1 - 17.
24. Eggins, S. ,& Salade, D. Analysing causal conversation. London: Equinox Publishing, 1997. –pp.348
25. McCawley, J.D. The Syntactic phenomena of English (2nd ed.). Chicago: University of Chicago Press, 1998. –pp.834
26. Portner, P. and Zanuttini, R. The semantics of nominal exclamatives. In R. Elugardo, & R. Stainton (Eds.),Ellipsis and non sentential speech, Netherlands: Springer, 2005. -pp 57 – 67.
27. Downing, A., & Locke, P. English grammar: A university grammar (2nd ed.). New York: Routledge, 2006.
28. Wilkins, D. Interjections as deictics. Journal of Pragmatics, 18, 1992. –pp.119-158
29. Wierzbicka, A. The semantics of interjections. Journal of Pragmatics, 18, 1992. -pp.159 – 192.
30. Ameka, F. Interjections: The universal yet neglected part of speech. Journal of pragmatics, 11, 1992. –pp.101-118.
31. Searle, J. A taxonomy of illocutionary acts. In K. Gunderson (Ed.), Language, mind and knowledge. Minneapolis, MN: University of Minnesota Press, 1975. -pp. 344-369
32. Vandervenken, D. Meaning and speech acts: Volume 1, principles of language use. Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1990. -pp. 254
33. Plag, I., Brawn, M., Lappe, S. & Schramm, M. Introduction to English linguistics. Berlin: Walter de Gruyter, 2009. –pp.268
34. Vandervenken, D. On the logical form of the illocutionary acts. In A. Kasher (Ed.), Speech act theory and particular speech act. London: Routledge, 1998. –pp. 170 - 194
35. Moutaouakil, A. Exclamation: sentence type, illocution or modality. In C. De Groot & K. Hengeveld (Eds.), Morphosyntactic expression in functional grammar. Berlin: Mouton de Gruyter, 2005. –pp. 351- 379
36. Oomen, U. Structural properties of English exclamatory sentences. Folia Linguistica, 13(1- 2), 1979. -pp. 159-174.
37. Searle, J. Speech acts: An essay in the philosophy of language. Cambridge: Cambridge University Press, 1969. -pp.203
38. Chernilovskaya, A., Condoravdi, C., Lauer, S. On the discourse effect of wh- exclamatives. Proceedings of the West Coast Conference on Formal Linguistics, 30, 2012. –pp.109-119.
39. Grimshaw, J. Complement selection and the lexicon. Linguistic Inquiry, 10 (2), 1979. –pp.279 - 326.
40. Gutzmann, D. Expressives and beyond: An introduction to varieties of conventional nontruth-conditional meaning. In D. Gutzmann & H.M.Gärtner (Eds.). Beyond expressives: Explorations in use-conditional meaning, Leidn, The Netherlands: Brill, 2013. –pp. 1 - 58.
41. Exclamation [date of access: 19.05.2021 //https: // www. thoughtco. Com / exclamation-language-term]
42. Indirect speech [date of access: 19.05.2021// https:// www. grammarbank. com/indirect-requests-commands-exclamations.html]

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Mamajonov A.V.,
assistant of the department "Uzbek language and literature",
Andijan Machine Building Institute

LINGVOPRAGMATIC AND LINGVOCULTURAL STUDY OF THE SEMANTIC FIELD "HAND" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-42

ABSTRACT

The article studies the semantic peculiarities of lexeme "hand" in English, their roles in the speech act as well as it's stylistic features. Human body undoubtedly has been the most important cognitive status in human being's cognition. One of the most important theoretical and practical results of recent lexicological research is the structural principle of the organization of this dictionary. The principle of systematic organization is observed in the relationship between the components of lexical-semantic association. It contains a special word, the semantic structure of which fully reflects the common semantic features of all members of this grouping. The remaining words included in this lexical-semantic system occupy a subordinate position in the hierarchical stage of the components. The principle of structure is also important in the organization of a dictionary. This paper will, to a certain degree, be helpful to the vocabulary and rhetoric teaching in English.

Keywords: concept, tool, metaphorical expressions, coordinate, lexicon, anthroponomic, linguistic.

Мамажонов А.В.,
Андижон машинасозлик институти,
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси асистенти

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА «ҚЎЛ» СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тилидаги "қўл" семасининг семантик ўзига ҳос хусусиятлари, уларнинг нутқдаги роли ҳамда стилистик хусусиятлари ўрганилади. Инсон таънаси шубҳасиз инсон тафаккуридаги энг муҳим билим мақоми ҳисобланган. Сўнгги пайтларда лексикологик тадқиқотларнинг энг муҳим назарий ва амалий натижаларидан бири бўлган луғатни ташкил этишнинг тизимлилик принципи алоҳида аҳамиятга эгадир. Тизимли ташкил қилиш принципи лексик-семантик бирлашма таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатларда кузатилади. Унда махсус сўз мавжуд бўлиб, унинг семантик тузилиши ушбу гуруҳлашнинг барча аъзоларининг умумий семантик хусусиятларини тўлиқ акс эттиради. Ушбу лексик-семантик тизимга киритилган қолган сўзлар таркибий қисмларнинг иерархик босқисида тобеълик позициясини

эгаллайди. Луғатни ташкил қилишда тизимлилик принципи ҳам муҳимдир. Ушбу мақола маълум даражада инглиз тилида сўз бойлиги ва риторикасини ўқитиш учун фойдали бўлади.

Калит сўзлар: концепт, восита, метафорик иборалар, координат, лексикон, антропономик, лисоний.

Мамажонов А.В.,
ассистент кафедры «Узбекский язык и литературы»
Андижанского машиностроительного института

ЛИНГВОПРАГМАТИЧЕСКОЕ И ЛИНГВОМАДАНСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ СЕМАНТИЧЕСКОГО ПОЛЯ РУКИ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются семантические особенности семы «рука» в английском языке, их роли в речевом акте и стилистические особенности. Человеческое тело, несомненно, было самым важным когнитивным статусом в познании человека. Одним из важнейших теоретических и практических результатов недавних лексикологических исследований является структурный принцип организации этого словаря. Принцип системности соблюдается во взаимосвязи компонентов лексико-семантического объединения. Он содержит специальное слово, семантическая структура которого полностью отражает общие семантические особенности всех членов данной группировки. Остальные слова, входящие в эту лексико-семантическую систему, занимают подчиненное положение в иерархической ступени составных частей. Принцип структуры также важен при организации словаря. Это работа в определенной степени будет полезен при обучении лексике и риторике на английском языке.

Ключевые слова: концепт, инструмент, метафорические выражения, координата, лексика, антропономика, лингвистика.

Маълумки, дунёни билиш жараёнида тафаккур тизими билан тил тил тизими бир - бирини тўлдирадиган, бир – бирининг мавжуд бўлишини тақозо этадиган ҳодисалар сифатида юзага чиқади. Таниқли рус тилшуноси С. Д. Кацнельсоннинг таъбири билин айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларини такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади”.

Атроф – муҳитдаги реал дунёни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни таниш(тушуниш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур яъни концепт ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнида концептларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи вужудга келади.

Ҳозирги замон тилшунослигининг предмети, мақсади, изланиш методлари ва уларнинг йўналашларини англатувчи асосий координатлари кесишувининг маркази – инсондир. Бунда ҳар қандай лисоний характердаги тадқиқот “инсон омили” тамойили асосида амалга оширилади. Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропономик йўналишда амалга ошади. Бу жараёндаги асосий ролда “сўматизм”лар – инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этадилар.

Одамнинг таянч ҳаракат системаси органлари ичида қўл энг муҳим вазифа – предметни ушлаш ва уни ҳис қилиш вазифасини бажаради. У инсонга атроф-муҳитни ҳис қилиш, ташқи оламнинг шакл ва ҳусусиятларини сеза билиш. Турли ҳил иш ҳаракатларини бажариш имконини беради. Бундан ташқари, қўл жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва ўз ҳаракатланиш хусусиятларига эга бўлган ташқи аъзоси сифатида тасаввур ҳосил қилади.

Инглиз тилидаги “hand” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз:

- “hand - the end part of a person's arm beyond the wrist, including the palm, fingers, and thumb” (одамнинг билагидан бошлаб то қўлининг учигача бўлган қисми)
- “the part of the body at the end of the arm that is used for holding, moving, touching, and feeling things” (қўл бу тананинг билакдан бошлаб то қўл учигача бўлган, ушлаш, ҳаракатланиш, тегиниш ва ҳис қила олиш қобилиятига эга органдир)
- “the terminal part of the vertebrate forelimb when modified (as in humans) as a grasping organ : the body part at the end of the arm of a human, monkey” (қўл ҳаракат системасининг олдинги туташ қисми бўлиб, умуртқали жонзотлар: одам ва ҳайвонларнинг, маймунларнинг қўл қисмидаги таънаси ҳисобланади)

Қўлни шаклига кўра таърифлар мавжуд: “earth-shaped hands”(ер шаклидаги қўллар), “fire-shaped”(олов шаклидаги қўллар) , “water-shaped hands”(сув шаклидаги қўллар) ва “air-shaped hands”(ҳаво шаклидаги қўллар)

Бундан ташқари, қўл мажозий маънода ва бошқа вазифаларда ҳам кўп ишлатилади. Протагор улуғ файласуфнинг фикрича “Инсон таънаси кўпинча атрофдаги нарсаларни ўлчаш учун ўлчов бирлиги сифатида қаралади ва инсон ҳамма нарсанинг ўлчовидир”. Барчамизнинг қўлларимиз бор ва қўлларнинг аҳамияти туфайли одамлар дунёни улар нуқтаи назаридан концепциялашга мойил бўладилар, бу эса ўз навбатида тилда метафорик ибораларни келтириб чиқаради. Инсоннинг жисмоний, ижтимоий ва маданий тажрибаси “қўл”нинг кўчма маънолари учун мумкин бўлган асосларни яратади.

“ Қўл” семасининг семантик категорялари

“Hand”→ маълум бир касб эгасини билдиради

A hired hand on the farm
A ranch hand
All hands on deck!
Two portraits are painted by the same hand.
All hands to the pumps!

“Hand”→ иш ҳаракати маъносида

Hey you! Get your hands off.
Those two can’t keep their hands off each other—they never stop kissing and cuddling.
I’ll kill him if I ever get my hands on him.
I saw Pat and Chris walking hand in hand through town the other day.
He handed his basket to Scraps and said: “Keep that, until I get out of prison.”
“Hands up!” she said calmly, holding the revolver to his head.

“Hand”→ хуснихат маъносида

His hand was illegible.
Most of his letters were typed, but we’ve found a few personal ones written in his own hand.
I’ve never seen such an untidy hand!
Your writing is barely legible.
He writes a good hand.

“Hand”→ қоблият маъносида

An old/numb/poor/bad hand
The comedienne tries her hand at singing and dancing for the first time.
He has a light hand with pastry, i.e. makes it well.
Guy’s made a marvelous bookcase—I had no idea he was so good with his hands.
He wants to try his hand at singing.

“Hand”→ назорат, мулк маъносида

What he concerns is not to let the property get out of his hands.
The reception was already in the hands of the florists and caterers.
He wants to keep the management of the firm in his own hands.
Welsh has suffered badly at the hands of the dominant English language.
How many people have died at the hands of terrorist organizations since the violence began?
The school allowed the teacher a free hand in her treatment of the children.

The football fans have got completely out of hand.I bet he had a hand in it.

“Hand”→ тараф, нуқтаи назар маъносида

On the one hand I’d like the job which pays more, but on the other hand I enjoy the work I’m doing at the moment.

She’s caught in a dispute between the city council on the one hand and the education department on the other.

The country is dominated by a power struggle between the communists on the one hand and the nationalists on the other.

On the one hand I should like to give the child a great deal of freedom but on the other hand I don’t want him totally out of my control.

It brought out his better side.

Buckets of water passed from hand to hand to put the fire out.

“Hand”→ ўлчов бирлиги маъносида

The horse stood 20 hands

“Hand”→ туюлмоқ, сезги маъносида

The warm, dry, luxurious hand of silk

“Hand”→ ёрдам, кўмак, алоқадорлик, мақуллаш

He gave the old man a hand with his heavy bundles.

We have been working hand in glove with our European partners to beat our American competitors.

Give me a hand with the chores.

He has found to be hand in glove with the enemy.

War and suffering go hand in hand.

We have the situation well in hand.

The affair is no longer in my hands.

I’ve left the department in Bill’s very efficient hands.

“Hand”→ тартиб маъносида

An account that was as unreliable as most information got at third hand.

A bauble of little worth that went from hand to hand.

He got all the information at second hand rather than from original sources.

I only heard the news at second hand.

The report of the attack came at second hand.

All children are expected to have had hands-on manager and like to know exactly what everyone is doing.

He was the Prime Minister’s hand-picked choice to lead the investigation into police corruption.

Инглиз тили лексиконидан олинган юқоридаги мисолларга асосланиб, биз таъна ҳаракати тажрибамиз лисоний маъно пайдо бўлишида муҳим ролни бажаради деган хулосага келишимиз мумкин. “ Қўл” семаси ва унинг иборалари шуни кўрсатадики, кўп функционал маъно таънадаги тажрибадан келиб чиқади ва унинг атроф муҳитдаги хулқ атвори маъноларга таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Goatly, A. (1997). The Language of Metaphors. London and New York: Routledge.
2. Harper Collins Publishers Ltd. (2017). Collins Cobuild Advanced Learner’s English-Chinese Dictionary. Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press.
3. Hornby, A. S. (2010). Oxford Advanced Learner’s English-Chinese Dictionary (8th Edition). New York: Oxford University Press.
4. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия/С.Д. Кацнельсон. М.:Яз.славянскойкультуры, 2001. 471-бет

5. Арутюнова Н.Д. язык и мир человека. Н.Д. Арутюнова. 2-ое изд., М.:Яз. Рус. Культуры, 1999.(Язык. Семиотика. Культура)
6. The Concise Oxford English Dictionary. Tenth Edition, revised. Oxford Univ. Press, 2002. XX. 1708 p.
7. Хельбиг Г. Языкознание сопоставление - преподавание иностранных языков // Н3Л. Вып. 25: Контрастивная лингвистика. М., 1989. С. 307-326.
8. Холодович А.А. Опыт теории подклассов слов. JL: Наука, 1979, с.238-243.
9. Хромых Г.С. Переносные значения в лексических микросистемах (закономерности развития и организации). Дис. . канд.филол.наук. - Воронеж, 1979. - 177с.
10. Чейф У.Л. Значение и структура языка. М.: Прогресс, 1975. -530с.
11. Чикобава А.С. Сопоставительное изучение языков как метод исследования и метод обучения. Русский язык в национальной школе, 1957, №6, с. 1-4.
12. Шапилова Н.Н. Глаголы чувства в современном русском языке: Автореф. Дис. канд.филол.наук. Кемерово, 1967. - 20с. - В надзаг.: Куйбышевский гос.пед.ин-т им. В.В.Куйбышева.
13. Shcherba L.V. Experience of the general theory of lexicography // In the book: Shcherba L.V. Language system and speech activity. -L.: Science, 1974. p. 265.
14. Shchur G.S. Field theory in linguistics. Moscow: Nauka, 1974. P.253
15. Yusupov U.K. Problems of Comparative Linguistics. M., 1983.
16. Jacobson R. Linguistics and poetics. In the book: Structuralism: "for" and "against". M .: Progress, 1975. P. 193-230.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Холиёров Ўрал Менглиевич
Термиз давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: xoliyorov@tersu.uz

ТАЪЛИМИЙ КОРПУС УЧУН МОРФОЛЕКСИКОННИ ШАКЛЛАНТИРИШ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-43

АННОТАЦИЯ

Мақолада корпуслар, қолаверса, таълимий корпуслар учун зарурий маълумотлар базаси ҳисобланган морфолексиконни шакллантириш масаласи атрофлича тавсифланган. Грамматик луғатлар билан ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсланган. Жаҳон тажрибаси, ўзбек тилидаги назарий қарашлар ва тадқиқотлар ўрганилган. Бундан ташқари таълимий корпус учун дастлабки морфолексикон бўйича амалга оширилган ишлар ёритиб берилган. Натижалар жадвал ва графиклар асосида кўрсатиб берилган бўлиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: таълимий корпус, грамматик луғат, морфолексикон, автоматик морфологик таҳлил, рақамли индекслар, морфосинф, морфологик луғат.

Kholiyorov Ural Menglievich
Termez State University
Senior Lecturer of the Department of Uzbek Linguistics
E-mail: xoliyorov@tersu.uz

FORMATION OF MORPHOLEXICON FOR EDUCATIONAL CORPUS

ABSTRACT

The article describes in detail the formation of morpholexicon, which is a necessary database for corpus, as well as educational corpus. Similarities and differences are compared with grammatical dictionaries. World experience, theoretical views and research in the Uzbek language are studied. In addition, the work done on the initial morpholexicon for the educational corpus is covered. The results are presented on the basis of tables and graphs, and recommendations for further work are developed.

Keywords: educational corpus, grammar dictionary, morpholexicon, automatic morphological analysis, numerical indexes, morphoclass, morphological dictionary.

Халияров Урал Менглиевич
Термезский Государственный Университет
Старший преподаватель кафедры узбекского языкознания
E-mail: xoliyorov@tersu.uz

ФОРМИРОВАНИЕ МОРФОЛЕКСИКОНА ДЛЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КОРПУСА

АННОТАЦИЯ

В статье подробно описано формирование морфолексикона, который является необходимой базой данных как для корпуса, так и для учебного корпуса. Сходства и различия сравниваются с грамматическими словарями. Изучаются мировой опыт, теоретические взгляды и исследования на узбекском языке. Кроме того, освещается работа над исходным морфолексиконом для учебного корпуса. Результаты представлены на основе таблиц и графиков, а также разработаны рекомендации по дальнейшей работе.

Ключевые слова: учебный корпус, грамматический словарь, морфолексикон, автоматический морфологический анализ, числовые индексы, морфокласс, морфологический словарь.

Кириш

Мамлакатимизда давлат тилига эътибор устувор йўналишлардан бири даражасига кўтарилди. Шу боисдан она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, давлат тилининг мавқеини янада ошириш, ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишига эришиш, бунинг учун миллий-маданий меросимизни ўрганиш, она тили таълимида электрон ресурсларни кўпайтириш, шунингдек, ушбу ресурслардан таълим олувчиларнинг чегараланмаган ҳолда фойдаланишига эришиш, миллий-маънавий тарбияга хизмат қилувчи маданий мерос – она тили материаллари бир платформага тўплаш долзарб вазифага айланди. Бу вазифани амалга оширишда айнан тил корпуслари, айниқса, таълимий корпуслар асосий ўринни эгаллайди. Бунинг учун корпуслар учун энг керакли морфолексиконни шакллантириш муҳим такибий қисм ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Жаҳон корпус лингвистикасида морфолексикон тузишнинг тамойил, усул, назарий асос ва дастурий воситалари хусусида бир қанча монографик тадқиқот, мақолаларда фикр юритилган [8, 13, 12, 10, 9]. Дунё тилшунослигида грамматик луғат яратиш тажрибаси ҳам мавжуд бўлиб, амалиётда бир неча тилнинг грамматик луғати яратилгани кузатилади. Табиий тилнинг грамматик луғати, морфолексикони, унинг хусусиятлари ҳамда табиий тилни қайта ишлашда улардан фойдаланиш имкониятлари хусусида фикр юритамиз.

Грамматик луғат – маълум бир тилдаги жами лексемалар, уларнинг барча грамматик шаклларини қамраб олувчи луғат. А.А.Зализнякнинг грамматик луғати [12] ҳозирги рус тили сўзларининг грамматик ўзгариши (от, сифат, сон, олмошнинг турланиши, феълларнинг тусланиши)ни кўрсатиш билан бирга, терс луғат вазифасини ҳам бажаради. Луғатдан сўзлар рўйхатидан ташқари турланиш, тусланишнинг барча вариантлари ҳақида катта ҳажмли назарий-тавсифий маълумотдан иборат кириш қисми ўрин олган [19]. Кейинги тўлдирилган нашрида ҳатто атоқли отларнинг турланишига хос хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топган. Луғат 1977 йилда нашр эттирилган бўлса-да, у бир неча марта тўлдириш, тузатишлар билан қайта нашр этилган. Луғатнинг қоғоз ва электрон вариантлари мавжуд, электрон версиядан табиий тилни қайта ишлаш воситалари: орфографик таҳрир, машина таржимаси, автоматик рефератлаш каби соҳаларда фойдаланилади.

А.А.Зализнякнинг грамматик луғати – морфология бўйича бажарилган фундаментал тадқиқот. Ҳар бир сўзга унинг туркуми, урғуси, род, вид, ўтимли/ўтимсизлик (феъллар учун), бўлишсизлик шаклининг ҳосил бўлиши ҳақидаги маълумот бириктирилган [18]. Муаллифнинг ўзи луғатга қуйидагича таъриф беради: “Грамматик луғат ҳозирги рус тили сўзларининг грамматик ўзгаришини кўрсатади. Луғат терс/инверсион тарзда тартибланган 100000 сўзни қамраб олган: сўз бошланувчи ҳарф эмас, сўзнинг охиридаги ҳарф тартибида жойлашган. Ҳар бир сўзга грамматик маълумотга ҳавола қилувчи белги/индекс қўйилган: фойдаланувчи ушбу индекс орқали турланиш, тусланиш қоидалари асосида уни қизиқтирган сўзни турлайди, туслайди. Луғатнинг биринчи нашридан бугунги кунга қадар рус тилида

бўлган ўзгаришлар инобатга олинган, тўлдирилган. Шунингдек, 8000 атоқли от грамматик тавсифи билан киритилган" [18].

"Викисловарь"да берилган рус тили умумий морфологиясининг сўз ўзгариши қисмидаги ахборотлар А.А.Зализняк луғатига асосланилган. Сўз ўзгартирувчилар парадигмасини тузишда А.Зализняк таклиф этган индекслар инобатга олинган: рақам, лотин алифбосидаги ёзма ҳарфлар сўзшаклларни индекслашнинг классик усули(Зализняк тамойиллари)га таянилган. Ҳатто ўзлашма сўзларнинг автоматик морфологик таҳлилида ҳам шу тизим сақлаб қолинган [20]. А.Зализнякнинг грамматик луғати ва "Викисловарь"да қаттиқ унли билан тугайдиган, юмшоқ унли билан тугайдиган, шунингдек, г, к, х ҳарфли, ж, ш, ч, щ ҳарфли, ц ҳарфли ва й ҳарфли асосга рақамли индекслар ҳамда урғу тушишига кўра бир нечта ҳарфли индекслар киритилган.

Бу маълумотларни ўзбек тили морфолексиконини тузиш жараёнида грамматик хусусият ҳақида ахборот берувчи индексни киритишга эҳтиёж мавжуд. Лекин ўзбек тилида урғу кўп ҳолларда маъно фарқламаслиги сабабли сўз урғусини кўрсатувчи индексни киритиш шарт эмас.

Морфолексикон – маълум бир тил лексикасини қамраб олган, лексемага унинг туркумга мансублиги, грамматик хусусияти ҳақидаги маълумот бириктирилган, табиий тилга ишлов бериш жараёнига мослаштирилган маълумотлар базаси. Бундай маълумотлар базаси электрон шаклда мавжуд бўлиб, табиий тилни қайта ишлашнинг турли воситалари (автоматик таржима, лингвистик корпус, морфологик, семантик, графематик анализатор)нинг лингвистик таъминоти сифатида амал қилади.

Кузатишларимиз асосида шуни айтишимиз мумкинки, морфологик луғатдан сўзнинг туркумга мансублик, грамматик категорияга тегишлилик, ўзакнинг турланиш ва тусланиш билан боғлиқ ўзгариш кўрсаткичлари ўрин олган бўлади: бу белгилар қидирув фильтри сифатида хизмат қилади; сўровга аниқ, керакли, маълумот билан натижа қайтаради. Грамматик луғат маълум тилнинг грамматикасини тавсифлашга хизмат қилади; унинг асосий вазифаси табиий тилга автоматик ишлов бериш эмас. Морфолексикон эса тил лексикасини тўла қамраб олиши, маълумотлар базаси сифатида мавжуд бўлиши, табиий тилга ишлов бериш воситаларининг лингвистик таъминоти бўла олиши билан ажралиб туради. Тилнинг морфологик луғати ҳамда морфолексикони бир-бирини тўлдирувчи ахборот банкидир.

А.М.Галиева, А.Р.Гатиатуллин феъл морфологик категориясининг туркий сўзшакл қўшимчалари моделини тузишдаги аҳамияти[9]ни ўрганар экан, база воситасида морфологик таҳлилни амалга ошириш имкониятини тавсифлашади. Дастурий воситанинг маълумот киритиш ойнасига белгиланган туркий тилларнинг биридаги сўзшакл киритилса, натижа ойнасида сўзшакл морфем структураси бўйича морфемалар кетма-кетлиги ҳамда морфологик категориялар кўрсатилади. Маълум сўзшаклда морфема ва морфологик категорияларнинг кўрсатиб берилиши ортиқчадек туюлиши мумкин. Бунинг маълум сабаблари бор: туркий тилларда айни бир морфема (грамматик шакл) бир неча категорияни ифодалаши мумкин [9].

Масалан, ўзбек тилида -ган, -иб, -ди каби шакллар позициясига қараб бошқа-бошқа грамматик категорияни ифодалайди. Шу сабабли қўшимчалар морфолексиконида шундай шакллар махсус тавсифни талаб қилади. Позициясига қараб, айни шаклнинг нимани ифодалашини кўрсатиш эса морфолексиконнинг эмас, морфоанализаторнинг вазифаси саналади. Морфоанализаторда қўшимчалар позиция хусусида махсус тадқиқотлар мавжуд [17], шу сабабли биз бу масалага махсус тўхталмаймиз.

Морфолексикон тузишнинг назарий асослари, амалиёти ҳақида бир неча мақолалар мавжуд [14, 1]. Д.Селегей, Т.Шаврина, В.Селегей, С.Шаровлар "Автоматическая морфоразметка корпусов русскоязычных социальных медиа: обучение и оценка качества" номли мақоласида [14] ОАВ материаллари тилида учрайдиган сўзларни туркумга ажратиш муаммолари, автоматик туркум аниқлагичларнинг турлари, уларнинг афзаллик ва камчиликлари ҳақида фикр юритади ҳамда улардан фойдаланиш, айнан шу материаллар тилида учрайдиган сўзларни туркумларга ажратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

И.А.Большаков, Е.И.Большаковалар рус тили атоқли отларининг автоматик морфоклассификаторини тузиш ҳақидаги мақола[6]да сўз туркумини автоматик фарқлаш хусусида қимматли фикрлар билдиришган; ўзбек тилининг морфолексиконини шакллантиришда улардан ўринли фойдаланиш мумкин. И.А.Большаков, Е.И.Большакова таркибли номларнинг туркумга мансублиги ҳақидаги ахборот бериш ҳақида шундай ёзишади: “Рус тилининг КроссЛексика деб номланувчи морфолексиконининг 42 фоизини таркибли номлар ташкил этади. Таркибли номлар фақат отдан, шунингдек, от, сифат, сон, олмош, равишдан ташкил топиши мумкин. Масалан: точка зрения, вид на жительство, право быть избранным, свободная экономическая зона, свободно конвертируемая валюта, семь смертных грехов, теория вероятностей, математическая статистика. КроссЛексиканинг тадрижий ривожланиши давомида маълум бўлдики, ушбу морфолексикон А.Зализняк луғатида мавжуд бўлган 15 фоиз сўз билан бойитилган. Фойдаланувчи таркибли номлар сўровини амалга оширганда ёки таҳлил учун таркибли номларни киритганда, натижа ойнасида ушбу сўзшаклнинг келишиклар парадигмасидаги ўзгаришни, ҳатто КроссЛексика базасида мавжуд бўлмаган номларни ҳам кўра олади” [6]. Муаллифлар морфосинфни ажратиш борасидаги тажрибаси билан ҳам ўртоқлашади. Улар таклиф қилган морфосинфлар рус тилига хос: род, одушевленность /неодушевленность ва ҳ.

A.Fadoua, B.Sihamнинг “Morpho-Lexicon for standard Moroccan Amazigh” номли мақоласида ҳам морокко тили морфолексиконини тузиш тажрибаси тавсифланган [1].

Тадқиқот усуллари

Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Компьютер лингвистикасида морфолексикон тузиш назарияси, тажрибасини ўрганиш асосида ўзбек тили таълимий корпуси учун ўзбек тили морфолексиконини тузиш амалиётини қуйида тавсифлаймиз.

Ўзбек тили таълимий корпусида морфологик белгилар асосидаги қидирувни амалга ошириш учун корпус маълумотлар базасида ўзбек тилидаги барча сўзларнинг туркумга мансублигини билдирувчи ахборотни қамраб олган жадвал – ўзбек тилининг морфолексикони бўлиши керак. Биз морфолексикон сўзлигини шакллантиришда 2000-2006 йилларда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [15] (80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикма) сўзлигидан фойдаландик. Ушбу луғатда сўз ва сўз бирикмаларнинг жами 80000 дан ортиқ деб кўрсатилган, аммо луғат сўзлиги – бош сўз сифатида қайд этилганлари 32500 лексемани ташкил этади; қолган 47000дан ортиқ бирлик шу лексема асосида ясалган қўшма сўз, ибора ҳамда кўп ишлатиладиган сўз бирикма саналади. Шундан келиб чиқиб, ўзбек тили морфолексиконини қуйидаги тўрт босқичда ишлаб чиқилади.

Биринчи босқич: Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги 32500 лексема морфолексикон базасига киритилди; уларга туркумга мансублик ҳақидаги ахборот бириктирилди.

Иккинчи босқич: Т.Жумаев, Т.Валиев ҳаммуаллифлигида мактаб ўқувчилари учун нашр этилган 8000 бирликдан иборат ўзбек тилининг қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар луғати[4]дан 4700 сўз ажратилиб, морфолексиконга киритилди. Қўшма сўзлар турли туркумга мансуб бўлганлиги сабабли уларга ҳам туркумга мансублиги ҳақида ахборот бириктирилди. 32500 лексемали морфолексикон базасига янги 4700 қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар киритилди: натижада, иккинчи босқичда тайёрланган морфолексиконнинг базаси 37200 лексема миқдорини ташкил этди.

Морфолексикон базаси статистик таҳлили ҳозирча қуйидаги натижани кўрсатди:

№	Сўз туркуми	миқдори
1	**от**	22599
2	**сифат**	7179
3	**феъл**	3949
4	**равиш**	1856

5	**тақлид сўз**	800
6	**ундов сўз**	244
7	**олмош**	182
8	**модал сўз**	132
9	**полункционал сўз**	108
10	**кўмакчи**	106
11	**боғловчи**	52
12	**юклама**	45
13	**сон**	30
	жами	**37282**

Юқоридаги статистик маълумот амалга оширилган даслабки морфолексикон бўлиб, албатта, жузъий хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Лекин, бу кўрсаткичлар ўзбек тилидаги лексемаларнинг туркумий хосланиши бўйича дастлабки тасаввурни беради. Мавжуд базадаги сўзликларни фоизларда берганда қуйидаги кўриниш ҳосил қилади:

Учинчи босқич ҳали ишлов беришни талаб қилади, шу сабабли ушбу лексикон таркиби



миқдори маълум эмас. Бу босқичда ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғатида берилган барча иборалар ажратиб олинади ҳамда туркумга мансублиги ҳақида ахборот бириктирилади.

Тўртинчи босқичда ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган таркибли номлар ажратиб олинади ҳамда туркумга мансублиги ҳақида ахборот бириктирилади. Бу лексикон таркиби ҳам маълумотлар базаси тайёр бўлгач, аниқланади.

Ушбу жараёнларнинг барчаси қўл меҳнатини талаб қилади: ушбу бирликларнинг барчаси маълумотлар базасига киритилса, улардан турли лингвистик амалларда фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбек тили морфолексиконига сўз туркумига мансублик ҳақидаги ахборотдан ташқари ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда грамматик белги(морфосинф)ларни

бириктириш лозим. Ҳар бир сўз туркуми учун морфосинфлар гуруҳи турлича бўлади. Ш.Хамроева корпус материалини грамматик теглаш муаммоларини ўрганар экан, морфологик, синтактик ҳамда семантик теглар тизимини ишлаб чиқади [16]. Ш.Хамроева таклиф этган теглар тизими мураккаблиги билан сўзларни автоматик аннотациялашда қийинчилик туғдиради. Корпус лингвистикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, теглар тизимини соддалаштириш аннотациялаш (теглаш) амалиётини осонлаштиради.

Хулоса ва таклифлар

Морфолексиконни текшириш ва дастлабки синов жараёнида қуйидаги муаммоли ҳолатлар аниқланди.

Биринчидан, омоним сўзни фақат морфолексикон базасида туркумга мансублик ҳақидаги ахборот билан аниқлаб бўлмайди. Морфолексикон маълумотлар базасида тилда мавжуд омонимлар кўрсатилади; туркумига оид тег белгиланади, аммо бу ахборот омоним бирликни контекстда (гармматик шаклланган ҳолида) аниқлаш учун етарли бўлмайди. Грамматик шаклланганлик – омоним бирликни фарқлашга ёрдам берувчи энг асосий омил; фақат бунинг учун морфологик-синтактик анализатор ишга тушиши, хусусан, омоним бирлик фильтри ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Бу иш эса алоҳида тадқиқ объекти бўлади.

Иккинчидан, морфолексиконда ўзбек тилида полифункционаллик хусусиятини намоён қилувчи тил бирликлари аниқланиб, уларга туркумга мансублиги ҳақидаги ахборот базасига полифункционал деган белги қўйилди. Табиийки, бу ҳам туркумга мансубликни аниқ кўрсатмасликка олиб келади. Бундай бирликнинг маъноси фақат матнда реаллашади. Полифункционал сўзлар туркумини автоматик аниқлаш масаласи ҳам махсус тадқиқни талаб қилади. Ўзбек тилида сўз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи вазифаси [7], полифункционал сўз ва қўшимчаларнинг компьютер ишлови [3, 11, 2, 16] масалалари махсус тадқиқотлар объекти бўлган. Аммо ўзбек компьютер лингвистикасида ҳали полифункционал сўзларни автоматик аниқлаш алгоритми бўйича бирор бир ишланма мавжуд эмас. Шу сабабли биз бу масалани кейинги ишларда махсус таҳлил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Fadoua A., Siham B. Morpho-Lexicon for standard Moroccan Amazigh / MATEC Web of Conferences 210, 04024 (2018). – CSCC 2018 // https://doi.org/10.1051/matecconf/201821004024
2. Gulyamova Sh. An’anaviy tilshunoslik va kompyuter lingvistikasida polifunksionallik masalasi // Davlat tili − ijtimoiy taraqqiyot va milliy yuksalish mezoni (O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining 31 yilligiga bag‘ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari). – Buxoro, 2020-yil, 16-oktabr. – B. 369-377.
3. Gulyamova Sh. The problem of polyfunctionality in the traditional and computational linguistics // Middle European scientific bulletin. – Volume 5, October 2020. ISSN 2694-9970. IFSIJ Impact Factor: 5,985. – P. 104-107.
4. Jumayev T, Valiyev T. Qo`shib yoziladimi, ajratib (Maktab o‘quvchilari uchun). – Тошкент, 2006. – 76 b.
5. Абжалова М. Таҳрир ва таҳлил дастурларининг лингвистик модуллари. Монография. – Тошкент: Нодирабегим, 2020. – 176 б.
6. Большаков И.А., Большакова Е.И. Автоматический морфоклассификатор русских именных групп // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: По материалам ежегодной Международной конференции «Диалог» (Бекасово, 30 мая – 3 июня 2012 г.). Вып. 11 (18): В 2 т. Т. 1: Основная программа конференции. – М.: Изд-во РГГУ, 2012. – 774 с. – С. 81-93.
7. Ботирова А.Э. Ўзбек тилида сўз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи вазифасининг функционал-синтактик таҳлили: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Қарши, 2018. – 56 б.

8. Володин А.П., Храковский В.С. Об основаниях выделения грамматических категорий // Проблемы лингвистической типологии и структуры языка / Отв. ред. В.С.Храковский. – Л.: Наука, 1977. – С.42-54.
9. Галиева А.М., Гатиатуллин А.Р. Обозначение морфологических категорий глагола в моделях окончаний тюркских словоформ // Компьютерная обработка тюркских языков. Первая международная конференция: Труды. – Астана: ЕНУ им. Л.Н.Гумилева, 2013. – 340 с. – С. 171-181.
10. Гибадулин Р.Я., Гибадулин Я.Н., Сакаев А.Р., Закиев М.З., Саламатин И.М. Электронные словари тюркских языков // Компьютерная обработка тюркских языков. Первая международная конференция: Труды. – Астана: ЕНУ им. Л.Н.Гумилева, 2013. – 340 с. – С. 156-159.
11. Гулямова Ш. Полифункционаллик хусусида // “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги онлайн конференсия. 15-август. № 19. – Тошкент, 2020. – Б. 46-48.
12. Зализняк А.А. Грамматический словарь русского языка. Словоизменение − М.: Русский язык, 1980. − 880 с.
13. Плунгян В.А. Общая морфология: Введение в проблематику. – М.: Едиториал, 2003. – 384 с.
14. Селегей Д., Шаврина Т., Селегей В., Шаров С. Автоматическая морфоразметка корпусов русскоязычных социальных медиа: обучение и оценка качества // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: по материалам международной конференции «Диалог 2016» Москва, 1-4 июня 2016. / URL: https://www.academia.edu/26571774/Автоматическая_морфоразметка_корпусов_русскоязычных_социальных_медиа_обучение_и_оценка_качества.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000-2006.
16. Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Монография. (Электрон китоб) – GloeEdit, 2020. – 244 б. – Б. 168.
17. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Бухоро, 2018. – 165 б.
18. https://gramdict.ru/
19. https://ru.m.wikipedia.org/wiki/Грамматический_словарь_русского_языка_А._А._Зализняка
20. https://ru.wiktionary.org/wiki/Викисловарь:Использование_словаря_Зализняка

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Muhammad Humayun Nadim
Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti
hn786786@gmail.com

SHIMOLIY AFG‘ONISTON O‘ZBEKLARI ETNOGRAFIK LEKSIKASI O‘ZIGA XOSLIGINI BELGILOVCHI OMILLAR

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-44

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari etnografik leksikasi boyish manbalari, ularning tuzilishi va o‘ziga xosligini belgilovchi omillar haqida fikr yuritilgan. Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari leksikasi rivojlanishi o‘ziga xos taraqqiyot bosqichiga ega bo‘lib, uning boyish manbalari bevosita ichki hamda tashqi manbalarga asoslanadi. Ushbu manbalar, ularning etnografik leksika shakllanishi hamda taraqqiyotiga ta’siri muammolari maqolada bayon qilingan. Shimoliy Afg`onistonda mahalliy aholining asosiy qismi o`zbeklar tashkil etadi. Ular bir qancha urug`lardan iborat bo`lib, o`ziga xos etnomadaniyatga ega. Ushbu hududning etnomadaniy holati bir qancha ilmiy tadqiqotlarda o`rganilgan bo`lsa-da, to`y etnografizmlari yaxlit holda o`rganilganicha yo`q. Maqolada aynan to‘y-marosim etnografizmlarining hudud madaniy hayotida muhim o‘rni xulosalarni shakllantirish, mavjud ma’lumotlarni tahlil qilish asnosida ifoda etib berilgan.

Tayanch so‘zlar: etnografik leksika, etnografizm, etnomadaniy holat, marosim, Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari

Мухаммад Хумаюн Надим
Докторант, Термезского государственного университета
hn786786@gmail.com

СВОЕОБРАЗНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЭТНОГРАФИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ УЗБЕКОВ СЕВЕРНОГО АФГАНИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идёт об источниках обогащения этнографической лексики узбеков Северного Афганистана, о структуре и факторах, определяющие их своеобразность. Лексика узбеков Северного Афганистана имеет своеобразный этап развития, а источники его обогащения непосредственно основываются на внутренние и внешние источники. В данной статье излагаются проблемы формирования этнографической лексики, а также влияние источников на их развитие . Основную часть местного населения Северного Афганистана составляют узбеки.

Они состоят из нескольких племен и имеют свою этнокультуру. Хотя этнокультурный статус региона изучался в ряде научных исследований, свадебный этнографизм не изучался в целостности. В статье подчеркивается важная роль свадебного этнографизма в культурной жизни региона при формировании выводов и анализе имеющихся данных.

Ключевые слова: этнографическая лексика, этнографизм, этнокультурная ситуация, обряд, узбеки Северного Афганистана.

Muhammad Humayun Nadim
PhD student, Termez state university
hn786786@gmail.com

FACTORS DETERMINING THE ETHNOGRAPHIC VOCABULARY OF UZBEK PEOPLE IN NORTHERN AFGHANISTAN

ANNOTATION

This article discusses the sources of enrichment of the ethnographic lexicon of the Uzbeks of Northern Afghanistan, the factors that determine their structure and identity. The development of the Uzbek lexicon of northern Afghanistan has its own stage of development, and its sources of enrichment are based directly on internal and external sources. These sources and the problems of their influence on the formation and development of ethnographic lexicon are described in the article. The majority of the local population in northern Afghanistan is Uzbek. They consist of several tribes and have their own ethno culture. Although the ethno cultural status of the region has been studied in a number of scientific studies, wedding ethnography has not yet been studied. The article emphasizes the important role of wedding ethnography in the cultural life of the region in the formulation of conclusions and analysis of available information.

Key words: ethnographic vocabulary, ethnography, ethnocultural situation, ceremony, Uzbeks of Northern Afghanistan

KIRISH

Har bir millatning tilini uning urf-odatlari, an’analari va qadriyatlaridan ajratgan holda tassavvur etib bo‘lmaydi. Etnografik leksika nomi ostida birlashgan etnografizlarni o‘rganish milliy urf-odat va qadriyatlar leksikasini tadqiq etishda ahamiyatli hisoblanadi. Urf-odatlar muayyan etnosning o‘ziga xosliklarini namoyon etib, butun etnografik sistemada differensial vazifa bajarishi bilan tilshunoslik sohasida muhimdir. Shu jihatdan, alohida etnik guruh sifatida yashab kelayotgan Shimoliy Afg‘oniston o‘zbek elatlari etnografik leksikasi o‘zining boyligi hamda tadqiq ko‘lamining kengligi bilan ajralib turadi. Afg‘oniston o‘zbeklarining milliy o‘zbek tili, an’ana va urf-odatlarini keng targ‘ib etishga kirishishi, bugungi kunda dolzarbligi bilan bir qatorda ahamiyatliligi jihatidan ham muhimdir. Afg‘onistonda o‘zbek tiliga davlat tillaridan biri sifatidagi rasmiy maqomning berilishi esa bu boradagi ishlarni bir qadar jonlanishiga turki bo‘lmoqda. Quyida biz ana shu milliylikni tilde namoyon etuvchi etnografik leksikaning o‘ziga xos belgilarini lingvistik jihatda tahlil etishga kirishamiz.

Dialekt va shevalarning paydo bo`lishi va taraqqiyoti urug` va qabilalarning tarixini izlash, genetik jihatdan o`zbek xalqi tarkibiga kirgan boshqa etnik guruhlar bilan tarixiy munosabatini o`rganish tarixiy-lingvistik muammolarni hal qilishda katta ahamiyatga ega. Zero, urug`lar tarixini sinchiklab o`rganish, birinchidan, o`zbek xalqini tashkil etgan etnoslarning kelib chiqishi va millat tarkibini, ikkinchidan, o`zbek tilida asrlar davomida yuz bergan integratsiya (qo`shilish), differensiatsiya (ajralish) kabi murakkab jarayonlarning oqibatlarini aniqlashga, o`zbek milliy va adabiy tilining taraqqiyotida lahja va dialektlarning ishtirokini aniqlashga katta yordam beradi.

O`zbeklar xalq sifatida shakllanishida murakkab etnogenetik jarayonni boshdan kechirgan, bu murakkab vaziyat birinchi navbatda uning xalq shevalarida aks etadi.

Tarixiy manbalarning guvohlik berishicha, o`zbeklarning eng qadimgi avlodlari, Markaziy Osiyolik mahalliy xalqlar bo`lgan. Ammo eradan avvalgi minginchi yillarda eron etnik guruhlari g`olib sifatida Markaziy Osiyo hududida paydo bo`la boshlagan. Eronliklar mahalliy xalq ustidan hukmronlik qilgan bir paytda tojik-fors tili adabiy til va davlat tili bo`lib qoldi. Bu tarixiy jarayon davomida Kaspiy dengizidan tortib, Oltoy o`lkalarigacha bo`lgan katta hududlarda eroniy tillarning (so`g`d, fors-tojik, buluj, afg`on, kojar, jat) dialekt va shevalari sohibi bo`lgan elat, guruh va qavmlar

bilan birga turkiy sheva va lahjalarda so`zlashuvchi etnik guruhlar – urug`, qabila, elatlar ham hayot kechirganlar.

Shu narsa ham aniqki, arablar istilosigacha Shosh, Farg`ona, Zarafshon, Qashqadaryo, Surxondaryo hamda Xorazm va Amudaryoning chap qirg`og`i (Shimoliy Afg`oniston hududlari)da Markaziy Osiyoning ijtimoiy-madaniy hayotida turkiy tillarda so`zlashuvchi aholi katta mavqega ega bo`lgan. Turkiy tillarda so`zlashuvchi aholi turkiy tilni qabul qilgan mahalliy tub joy kishilaridan hamda bu yerga Sharqdan ko`chib kelgan turkiy qabila va urug`lardan tashkil topgan.

O`zbeklar boshqa qardosh xalqlardan shu bilan farq qilar ediki, ular tarix maydoniga dastavval turkiy tilda so`zlashuvchi o`troq dehqon va hunarmand sifatida chiqdilar til va xo`jalik jihatdan alohida elat bo`lib, bir tomondan Yettisuvda yashovchi chorvador jamoadan, ikkinchidan, Markaziy Osiyoning eroniy tillarda so`zlashuvchi o`troq dehqonlaridan farq qilar edi. Davrlar o`tishi bilan hududning umumiy birligi va doimiy iqtisodiy hamda turli madaniy, savdo aloqalari tufayli o`troq aholi bilan ko`chmanchi qabilalar, eroniy tillarga mansub har xil etnik qatlamlar birlashib, chatishib ketdilar, natijada mahalliy aholi bilan turkiy qabilalarning aralashuvi – “assimilyatsiya jarayoni”ni boshlab berdi. Bu haqida tarixchi P.M.Melioranskiy shunday yozadi: O`rta Osiyoda, ya`ni Xorazm, Movaraunnahr va Shimoliy Afg`oniston territoriyasida XV asrga kelib tukiy aholining g`oyat murakkab va ola-bula ekanligiga ishonch hosil qilamiz. Bu aralash-quralash aholi, shubhasiz, turli urug`dosh dialektlarda so`zlashgan, ular vaqt o`tishi bilan bir-biriga aralashib, chatishib ketadilar, bir-birlariga ozmi-ko`pmi ta`sir ko`rsatadi[1, -b.15].

Globallashuv kuchayishi bilan o`zligi – tili, urf-odati va madaniyatini saqlab qolishga intilayotgan, ularning bu umumiy girdobda omon qolishini xohlayotgan xalqlar etnografiya va etnolingvistikasiga ham alohida e`tibor qaratadilar. Dunyo tilshunosligida har bir xalqning milliy etnografizmlarini jahon sivilizatsiyasida nechog`liq o`ringa ega ekanligini aniqlashga e`tibor va qiziqish kuchayib bormoqda.

Etnografizmlar leksik birliklar sifatida tilda muhim o`rin egallaydi va til qurilishining lug`at sathidagi etnografizmlarni o`rganuvchi soha “Etnolingvistika” deb yuritiladi. Unda etnografizmlarning paydo bo`lishi, rivojlanishi, ular bilan bog`liq yuz bergan o`zgarishlar o`rganiladi.

O`zbek tilining boyishi va o`ziga xosligini namoyon etishda etnografizmlarning o`rni alohida. Ular leksik birliklar sifatida til lug`at sathining boyishiga xizmat qiladi.

Etnografizmlarni tilning ham, adabiyotning ham obyekti sifatida o`rganish mumkin. Shunga ko`ra ularni ikkiga:

a) leksik etnografizmlar;

b) adabiy etnografizmlar tarzida ajratish mumkin.

Tilshunoslikda leksik etnografizmlar o`rganiladi. Leksik etnografizmlar deganda, inson hayotining muhim nuqtalarini qayd etish, nishonlash maqsadida maxsus o`rganiladigan, xalq orasida an`anaga kirib qolgan xatti-harakatlarning ya`ni insonning tug`ilishidan tortib vafotiga qadar oila davrasida yoki jamoat orasida tashkil qilinadigan marosimlar, ular tarkibiga kiruvchi udum va rasm-rusm, irm-sirmlarning nomlari, shuningdek, xalq e`tiqodiy qarashlari va qadimgi tasavvur-tushunchalari bilan aloqador lug`aviy birliklar ham nazarda tutiladi.

O`zbek tilshunosligida leksik etnografizmlar bo`yicha bir necha tadqiqot amalga oshirilgan. Hatto uning izohli lug`ati ham yaratilgan. Xuddi ana shunday xayrli ishni birinchilardan bo`lib amalga oshirgan filologiya fanlari nomzodi Nurqul Mirzayev o`zbek tili etnografik leksikasini Qashqadaryo viloyati o`zbek shevalari doirasida maxsus o`rgangan bo`lsa, Yo`ldosh Bobojonov Janubiy Xorazm etnografik leksikasini tadqiq qilgan[2]. Shuningdek, Ra`no Qosimova o`zbek to`y va marosim folklori matnlarining inglizcha tarjimasida etnografizmlarning berilishini o`rgangan [3] hamda etnografizmlarning o`zbekcha-inglizcha izohli lug`atini hammualliflikda ishlab chiqqan [4]. Umuman aytganda, bu tadqiqotlarda o`zbek tili qatlamidagi u yoki bu sheva tarkibidagi etnografik leksikani ajratib olib, uning genezisi, tarixiy taraqqiyoti tufayli yuz bergan leksik-semantik xususiyatlarini aniqlash bo`yicha fikr-mulohazalar bildirib o`tgan.

Barcha zamonlarda azal-azaldan bir joyda istiqomat qiluvchi aholi boshqa hududlarda yashovchi xalqlar bilan yaqindan madaniy, iqtisodiy va siyosiy aloqada bo`lib kelgan. Buning natijasida har bir xalqning mahalliy etnografiyasi mavjudligi ma`lum. Bunday aloqalar tufayli

etnografizmlarning bir-biriga o`tishi ayonlashgan. Jumladan, biz tadqiqot obyekti sifatida o`rganayotgan Shimoliy Afg`oniston o`zbek to`y marosimi etnografizmlari ham millatlararo munosabatlar ta`sirida boyib borgan.

O`zbek tilshunosligida etnografizmlarni yozib olib o`rganish ildizi bir ming yillikka tutash. Bunga Mahmud Koshg`ariyning "Devonu lug`atit turk" asaridan ko`plab dalil topish mumkin. Buyuk qomusiy olim Mahmud Koshg`ariyning "Devoni lug`atit turk" asarida to`y atamasi qayd etilmagan bo`lsa-da, biroq unda todundi, to`yundi, todg`undi to`zg`urdi kabi tod o`zagidan yasalgan 18 ta leksema qayd etilgan[5, -b. 371]. Tilshunos olim Abdusamad Jo`raboyev shu dalilga asoslanib to`y so`zi to`ymoq fe`lining o`zagi to`y dan hosil bo`lgan degan fikrni bayon etadi [6]. Bu fikrlardan shuni anglash mumkinki, to`y so`zi keyinchalik iste`molda faol qo`llangan bo`lsa-da, uning ma`no anglatgan xususiyatlari bir necha asrga borib taqaladi.

Shunday bo`lsa-da, etnografik leksikani aniq ilmiy maqsadlarda tadqiq etish XX-XXI asr tilshunos olimlari faoliyatida kuzatildi.

Amalga oshirilgan yuqoridagi tadqiqotlarda bola tug`ilishi, uning chilla davri, to`y va motam marosimiga doir etnografizmlarning semantikasi tarixiy asoslari, grammatik xususiyatlari areal jihatdan o`rganilgan.

N.Mirzayev ta`kidlaganidek, etnografizmlar o`zbek xalqining lug`at tarkibida ancha miqdorni tashkil qiladi va u mahalliy sheva xususiyatlarini o`zida aks ettirib turadi.

Y.Bobojonov Janubiy Xorazm etnografik leksikasi misolida o`zbek shevalaridagi etnografizmlarni uch katta qatlam ko`rinishida tasniflashni ma`qul topadi. Uningcha, etnografizmlar:

1) inson tug`ilishi va uning chilla davri bilan bog`liq etnografizmlarga;

2) to`y (sunnat to`yi hamda nikoh to`ylari) etnografizmlari to`yga qadar, to`y paytida, to`ydan so`ngi marosimga oid etnografizmlarga;

3) motam marosimini ifodalovchi etnografizmlarga bo`linadi [2, -b.23]. Ushbu tadqiqot hamda tasniflarni o`rgangan holda biz nikoh to`yi marosimi etnografizmlarinиг leksik va leksikologik tasnif va talqiniga e`tibor qaratamiz.

Ma`lumki, etnolingvistika – tilshunoslikning xalq (millat, elat) va uning tili orasidagi aloqa va munosabatni etnolisoniy (etnik madaniyat va etnik til mushtarakligi tamoyili) asosda o`rganuvchi soha. U, asosan, ikki yo`nalishda ish ko`radi:

1) xalqning etnolisoniy xususiyatini tavsifiy asosda o`rganish;
2) xalqning etnolisoniy xususiyatini tavsiyaviy asosda o`rganish.

Birinchi maqsadni shartli ravishda tashqi va ikkinchisini ichki maqsad deyish mumkin.

Til va etnik xususiyat munosabati, ularning bir-biriga ta`siri ikki yo`sinda kechadigan jarayon:

3) etnik omil (urf-odat, an`ana, falsafiy, diniy qarashlar va h.) ning til rivojiga ta`siri;
4) lisoniy omilning etnos (va etnik xususiyat) rivojiga ta`siri.

Deylik, bir xalqda etnik xususiyat (urf-odat, an`ana, falsafiy, diniy qarashlar) unutilib, bunga mos ravishda ularni ifodalovchi til birliklari ham faol lisoniy xazinadan chiqib, o`tmish voqeligiga aylana boradi. Natijada millat / xalq / elatning o`zligiga putur yeta boshlaydi. Millat / xalq / elat o`z ma`naviyatidan mahrum bo`lib boradi. Bu, muqarrar ravishda, faol leksikada ham o`z aksini topadi. Til leksikasida etnografik mikrosistema tanazzulga uchray boshlaydi. Bu etnik omillarning tilga ta`siridir. Pirovardida etnografik leksikaga ega bo`lmagan millat farzandlari ongidagi etnolisoniy bo`shliq g`ayrietnolisoniy unsurlar bilan to`lib boradi.

Til va etnik xususiyat ta`sirini ajratish faqat tadqiqiy maqsadda bo`lib, bu ajratish nisbiy tabiatga ega, aslida ular yaxlit sodir bo`ladigan uzluksiz va uzviy jarayon.

Etnolingvistika til va uning rivojiga etnik guruhlarning qanchalik hissa qo`shganini ham, bu jarayonda etnoslar orasidagi yaqinlik, mushtaraklik yoki ularning bir-biridan ajralish, uzoqlashish xususiyatlarini ham tadqiq qiladi. Bu yuqorida aytilgan birinchi, tashqi maqsad uchun ahamiyatliroq.

Birinchi maqsadda ko`proq tavsifiy tadqiq metodikasi asosida ish ko`riladi. Tilshunoslikning etnik nomshunoslik (onomastika), areal (hududiy) lingvistika, lingvistik jo`g`rofiya, dialektologiya (shevashunoslik), til tarixi, sotsiolingvistika, xaritashunoslik sohalari etnolingvistikaning mazkur tavsifiy usulda qo`lga kiritgan ilmiy natijalardan foydalanadi.

Etnolingvistika, ayniqsa, yozuvga ega bo`lmagan xalqlarning etnografiyasini o`rganishda, ularning tillaridagi etnik xususiyat bilan bog`liq lisoniy materiallarni to`plash va tadqiq qilishda ham o`zining birinchi maqsadini ko`proq namoyon qiladi. Etnografizmlarni o`rganish bevosita tarixiy etnologiya fanlari bilan bog`liq. Urf-odatlar, xalqlarning turmush tarzi va ular bilan bog`liq bo`lgan tarixiy jarayonlarni etnologiya o`rgansa, urf-odat, an`analar leksikasi (etnografik leksika) – tilshunoslikning o`rganish obyekti.

Har bir millat madaniyatini uning urf-odat, an`ana va qadriyatlaridan ajratgan holda tassavvur etib bo`lmaydi. Etnografik leksika nomi ostida birlashgan etnografizmlarni o`rganish milliy urf-odat va qadriyatlarni tadqiq etishda ahamiyatli.

Urf-odatlar muayyan etnosning o`ziga xosliklarini namoyon etadi, butun etnografik sistemada lisoniy belgi sifatida faol o`ringa ega, shu jihati bilan tilshunoslik uchun muhim.

Har bir til leksik makrosistemasida alohida bir mikrosistemani tashkil etuvchi, etnografik tushunchani ifodalovchi leksemalar tizimi mavjud. Ushbu leksemalarni o`rganish uchun tilshunoslikning maxsus sohasi – etnolingvistika shakllangan, u lingvistik soha sifatida lingvistik universaliyalarni ham, xususiy jihatlarni ham o`rganadi. Shuning uchun umumiy va xususiy etnolingvistika farqlanadi. Umumiy etnolingvistika etnografik til hodisalarining paydo bo`lishi, rivojlanishi kabi umumiy masalalar bilan shug`ullansa, xususiy etnolingvistika ayrim tillarga xos etnografizmlarni shu nuqtai nazardan tadqiq qiladi.

Tilshunoslikda etnografik tahlil uchun aksar hollarda xalq urf-odatlari, an`analariga tegishli tushuncha nomlari obyekt sifatida olinadi.

Yuqoridagi ishlarda O`zbekiston hududida mavjud bo`lgan o`zbeklar urf-odatlari etnografizmlari o`rganilgan. Shimoliy Afg`oniston o`zbek elatlarining ham O`zbekiston bilan mushtarak va o`ziga xos etnografizmlari mavjud, ular ham o`zbek millatining umumiy boyligi hisoblanadi. Ikki hudud orasida madaniy-ijtimoiy aloqalar doimo faol bo`lgan. Aslida bir hududda yashovchi, bir xalqqa mansub ikki elning urf-odatlari ko`proq umumiy, qisman o`ziga xosliklarga ega. Bu o`xshashlik va farqli xususiyatlarni to`y marosimi etnografizmlari misolida ham kuzatish mumkin.

Afg`oniston o`zbeklari etnografizmlari, asosan, etnografiya hamda leksikografiyaga oid ishlarda, o`z aksini topgan. Afg`on ziyolilari Fayzullo Aymoq, Nurullo Oltoy, Ibrohim Rahim, Usmon Orif, Halim Yorqin kabilarning ishlarida Shimoliy Afg`oniston o`zbek etnomadaniayatiga xos atamalarni uchratish mumkin.

Hozirgi kunda Afg`oniston aholisining ko`pchillik qismini kelib chiqishi turkiy xalqlarga mansub bo`lgan aholi jumladan: o`zbeklar, turkmanlar, qirg`izlar, qarluqlar, afshorlar, qizilboshlar, aymoqlar, hazoralar, temuriylar, shayboniylar; shuningdek, afg`onlashgan turkiy qavmlar: g`uriy, feruzko`hiy, jamshidiy, taymaniy, chor aymoq, halich va boshqalar tashkil etadi. Ushbu etnik guruhlarning oxirgilari turli ijtimoi-siyosiy omillar sababali o`tgan davrlarda o`z tillarini yo`qotib, pashtu va dariy tillarida so`zlashganlar. Bular orasidan faqat, o`zbeklar, turkmanlar o`z tillarida gapira olish va o`z tilida yozishni ma`lum darajada saqlab qolganlar. Misol uchun, g`o`rband turklarining eng katta qismi, o`z ona tillarini allaqachon yo`qotib bo`lgan. Qolganlari ham bu jarayonni o`z boshidan o`tkazib kelmoqdalar. Boshqa tomondan, tillarni butunlay yo`qotgan qavmga hazoralar yaqqol misol bo`la oladi. Bugungi kunda ular o`zlariga xos lahjada fors-dariy tilda so`zlashadilar. Hazorlar shevasida sezilarli miqdorda turkiy-mo`g`ulcha so`zlar saqlanib qolgan. Misol uchun, ona, ota, bo`la kabi so`zlarini hozir ham ishlatadilar.

Afg`onistonda bugungacha o`zbek tili saqlanib kelmoqda. Afg`oniston jahonda o`zbeklar soni jihatida O`zbekistondan keyingi ikkinchi o`rinda turadi va o`zbek tili rivoji va taraqqiyotiga o`mishda katta hissa qo`shgan. Etnik o`zbeklar Afg`oniston shimoldagi Tahor va Faryob viloyatlarida zich yashaydi. Shuningdek, Badaxshon, Qunduz, Bag`lon, Samangon, Balx, Javuzjon, Saripul, Bodg`iz va Hirot viloyatlari aholisining ma`lum qismi o`zbeklardan iborat. Mahalliy aholi orasida o`zbek tili faqat qishloqlarda tozaligicha qolgan. Bunga qishloq aholisining bir tomondan savodsizligi va ba`zi yerlarda o`zbek aholisining qalin va tutash yashab kelganligi hamda boshqa millat va elatlar bilan unchalik qalin munosabatda bo`lmaganliklari asosiy sabab bo`lgan.

O`zbek tilida o`zgarishlar jarayoni o`zbeklarning shaharlashishi, savdo-sotiq bilan ish ko`rishi va mamalakatdagi boshqa elatlar bilan aloqaga kirishi bilan bog`liq. Bu o`zgarish o`zbek tilining to`g`ri rivojlanishiga emas, balki uning buzilishiga sabab bo`lgan. O`zbeklar yashaydigan shaharlar markazida fors tili umum aloqa tili bo`lganligi bois o`zbek tiliga muayyan ta`sir o`tkazgan. O`zbek tili uyda ishlatiladigan "oila" tili bo`lib qolgan. Forscha so`zlar o`zbek tiliga ko`p miqdorda kirib kelgan. Ziyoli o`zbeklar ham o`zbek tilini fors tili qoidasiga solib so`zlashishi natijasida ko`pincha konstruksiyalar ham kirib kelgan va o`zbek tilida uzatiladigan radio va televidenyalarning soni ozligi shu mushkul muommoning davom etishiga sabab bo`lgan.

Afg`onistonda o`zbek tili pashtu tili ta`siriga ko`p berilmagan. Chunki o`zbeklar etnik pashtular bilan qo`shni bo`lib yashamaydi. Ayrim joylar ular bilan yaqin yashasalar ham, pashtu tili mamlakat bo`ylab turli elatlar orasida muomala tili bo`lmagani uchun o`zbek xalqi bu tilni o`rganishga rag`bat ko`rsatmagan. O`zbek tili bilan pashtu va fors tillari orasida ta`siri ikki tomonlama bo`lgan. O`z navbatida, o`zbek tili fors va pashtu tillariga ta`siri bo`lgan. O`zbek tili Afg`onistonda rivojlanmaganining sabablari:

- uzoq davrlardan beri o`zbek tiliga Afg`onistonda yetarli darajada ahamiyat berilmaganligi;
- o`zbek farzandlari asrlar davomida o`z ona tillarida ta`lim olish huquqiga ega bo`lmaganliklari;
- o`zbek mumtoz adabiyoti na`munalari o`zbek xalqiga yetkazilmaganligi;
- taxminan bir asr Afg`oniston o`zbeklari dunyo o`zbeklaridan, ayniqsa, O`zbekistonlik millatdoshlaridan ajralib yashaganliklari va ular orasida umuman bordi-keldi bo`lmaganligi kabilardir.

Hozirgi kunda Afg`onistonda o`zbek tilining ahvoli ancha yaxshi bo`lib bormoqda. Chunki bu tilning rivojlanishi uchun davlat rahbarligidagi sa`y-harakatlar ortib bormoqda.

O`zbek tili va adabiyotini cho`qqisida turgan Amir Alisher Navoiy hozirgi Afg`oniston hududiga qarashli Hirotda tug`ildi va u yerda o`sdi, ijod qildi va shu yerda vafot etdi – qabri ham o`sha yerda joylashgan. Shoh Zahriddin Muhammad Bobur hayotining katta qismi, ijodiyoti va xoki Kobul bilan bog`liq. Bobarahim Mashrabning hayoti, ijodiy faoliyati hamda vafoti Balx va Qatag`on zamini bilan bevosita bog`liq. Uning maqbarasi ham Tahor viloyatining Ishkamish tumanida.

Shimoliy Afg`oniston hozir o`zbek adabiyotining samarali davri 1357-hijriy yildan boshlanib shu yillarda ona tillarda yozish uchun, nisbiy erkinlik qo`lga kelishi bilan o`zbek ziyolilari va yozuvchilari, o`zbek tilida matbuot ishlari yuritila boshladi. Maktablarda ham o`zbek tilidan ona tili sifatida dars jarayonlari olib borila boshladi.

Etnografizmlarni so`zga tenglashtirishdan ko`ra uning funksional, leksik semantik jihatdan so`zga mos kelishini asoslash maqsadga muvofiqdir. Etnografizmlar ham semantik, ham funksional-uslubiy, ham sintaktik xususiyatlarga ega. Etnografizmlarning turli uslubiy-funksional vazifalarga egaligi ularning eng muhim jihati.

Etnografizmlar leksik birlik sifatida terminlik kasb etadi. Shuning uchun ularning miqdorini aniqlashga, salmog`ini belgilashga to`g`ri keladi. Natijada ularning lug`atini yaratish uchun asos vujudga keladi (Biz ham tadqiqotimizga ilova sifatida Shimoliy Afg`oniston o`zbeklari nikoh to`yi marosimlari qisqacha izohli lug`atini tayyorlaganmiz)

Tadqiqotchi R.Kasimova etnografizmlarning leksik birlik sifatidagi xususiyatlarini quyidagicha ifodalaydi:

1) tilda tayyor holda uchraydi;
2) nisbiy mantiqiy tugallikka ega;
3) morfologik va sintaktik xususiyatlarga ega;
4) munosabat shakllarini qabul qilib, muayyan gap bo`lagi vazifasida kela oladi;
5) boshqa so`zlar bilan sinonimlik, omonimlik, antonimlik, paronimlik hosil qila oladi [3, -b. 23].

Xulosa

Tarixan Turon zaminidagi xalqlar birgalikda hamda bahamjihatlikda hayot kechirganlar. Shimoliy Afg‘onistonda ham mahalliy aholining asosiy qismi o‘zbeklar. Ular bir qancha urug‘lardan tashlik topgan hamda o‘ziga xos etnomadaniyatga ega. Bu etnomadaniy holati hali to‘la darajada

ilmiy tadqiq etilgani yo‘q. Mazkur maqolada ham hudud etnografik leksikasiga ta’sir etgan omillarni, etnografizmlarning o‘ziga xosliklarini ko‘rsatish asosiy maqsad qilib olinganligi ham shundandir. Umuman olganda, ekstralingvistik hamda intralingvistik ta`sirlar tilning lug`at boyligiga birinchi galda ta`sirini o`tkazadi. Bu jarayondan etnografik leksikaning ham shakllanish hamda rivojlanish jarayonlari ham chetda qolmagan. Bu jarayon hozir ham davom etmoqda. Shimoliy Afg‘oniston o‘zbek elatlari o‘z tarixiy-ijtimiy jarayonida murakkab bosqichlarni boshdan kechirdilar. Lekin til va madaniyat borasida olib borilgan muntazam islohatlar natijasida, bugungi kunda o‘zbek tili Afg‘onistonda aholi ko‘p so‘zlashadigan til sifatida hukumat tomonidan e’tirof etilgan. Shuningdek, ushbu hudud ziyolilari ham o‘zbek tilini tarixiy, zamonaviy yondashuvlar asosida tilshunoslikning turli aspektlarida o‘rganishga harakat qilmoqdalar. Umumiy maqsad esa, bitta ona tilimiz, adabiyotimiz, madaniyatimizni saqlash, rivojlantirish hamda uni yanada boyitishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Мелиоранский П.М. Араб-филолог о турецком языке. – СПБ, 1900.
2. Bobajonov Y. Janubiy Xorazm etnografik leksikasi. Fil.fan.nom. diss. –T. 1997.
3. Kasimova R. O’zbek to’y va motam marosim folklori matnlarining inglizcha tarjimasida etnografizmlarning berilishi. Fil.fan. nom. diss. –T. 2018.
4. Kasimova R., Ziyodullayev A. Etnografizmlarning o‘zbekcha-inglizcha izohli lug‘ati. –T.: “Muharrir”, 2018. –b.100.
5. Nazarov N. Afg‘oniston o‘zbeklari. –Toshkent, 2011.
6. Jabborov I. O'zbek xalqi etnografiyasi. –Toshkent: O'qituvchi,1994. Shu muallif. Etnografiya va jahon etnik qiyofasi. –Toshkent:Fan, 1982
7. M. Koshg`ariy. Devonu lug`ati -t- turk “(Turkiy so`zlar devoni). – Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017, – 488 b.
8. Jo’raboyev A. O‘zbekistonda to‘y-marosim nomlari (Andijon gruppa shevalari materallari asosida) filol. fan. nom. diss. –T. 1971.
9. Маҳмуд Ҳалим Ёрқин. “Uzbek language phraziologic dictionary (in Afganistan uzbek language). – Tehron, 2013.
10. Олим Кўҳқан. Афғонистон ўзбек тилининг ўтмиши ва бугунги аҳволи // www.turonzamin.org. 2013 йил 10 июнь;
11. Нуруллоҳ Олтой. Афғонистон ўзбек адабий тили муаммолари. www.ezgu.org. 2017 йил 25 январь.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Нурмуҳаммедов Баходир Шакарбоевич,
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Иқтидорли талабалар илмий тадқиқот
фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи
bnurmuhammedov2020@mail.ru

ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-45

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада туман микро ва макротопонимиясининг лексик-семантик хусусиятларини, тумандаги жуда кўплаб халқлар этимологиясини, шунга кўра туман ҳудудида мавжуд микро ва макротопонимларнинг асосий қисми умумтуркий характерга эга эканлиги очиб берилган. Қолаверса туман ҳудудида Дарвозагаза, Муросон, Галажин, Гушар, Жонироҳат каби айрим тожикча, арабча, суғдча номлар ҳам турли маънавий-семантик гуруҳларга оид номлар ҳам мавжудлиги илмий асосланиб берилган. Мақолада туман аҳолисининг этник таркибнинг шакилланишида топонимларнинг асосий хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: топоним, ўзак, сўз ясовчи, қўшма топонимлар, От+от, Сифат+от, Сон+от, Равиш+от, От+феъл, ўзак+ясовчи афикс+ўзак, этимология, содда топонимлар, аппелятивлар, лингвистик восита, суффикслар, аффикслар.

Nurmuhammedov Bahodir Shakarboevich,
Head of the Department of Organization
of Research Activities of talented Students of
Samarkand State Institute of Foreign Languages
bnurmuhammedov2020@mail.ru

LINGUISTIC ANALYSIS OF TOPONYMS OF KOSHRABOT DISTRICT

ANNOTATION

This article reveals the lexical-semantic features of the micro and macrotoponymy of the district, the etymology of many peoples in the district, according to which the main part of the micro and macrotoponyms available in the district is of general Turkic character. In addition, in the territory of the district there are some Tajik, Arabic, Sughd names such as Darvozagaza, Murason, Galajin, Gushar, Jonirohat, as well as names belonging to different spiritual and semantic groups. The article reveals the main features of toponyms in the formation of the ethnic composition of the population of the district.

Keywords: toponym, stem, word-maker, compound toponyms, Noun+noun, Adjective+noun, Number+noun, Adverb+noun, Noun+verb, stem+maker affix+ stem, etymology, simple toponyms, appeals, linguistic means, suffixes, affixes.

Нурмухаммедов Баходир Шакарбоевич,
Заведующий отделом организации
научно-исследовательской деятельности талантливых
студентов Самаркандского государственного
института иностранных языков
bnurmuhammedov2020@mail.ru

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТОПОНИМ КОШРАБОТСКОГО РАЙОНА

АННОТАЦИЯ

В статье раскрываются лексико-семантические особенности микро и макротопонимии района, этимология многих народов района, согласно которым основная часть имеющихся в районе микро- и макротопонимов носит общетюркский характер. Кроме того, на территории района есть таджикские, арабские, согдийские имена, такие как Дарвозагаза, Мурасон, Галаджин, Гушар, Джонирохат, а также имена, принадлежащие к разным духовным и смысловым группам. В статье раскрываются основные особенности топонимов в формировании этнического состава населения района.

Ключевые слова: топоним, основа, словообразователь, составные топонимы, Существительное + существительное, Прилагательное+ существительное, Число+существительное, Наречие+существительное, Существительное+глагол, основа+аффикс создатель+основа, этимология, простые топонимы, призывы, языковые средства, суффиксы, аффиксы.

Кириш

Маълумки, жой номлари (топонимлар) тил луғат фондининг ажралмас бир қисми бўлиши билан биргаликда улар тилнинг бошқа лексик қатламларидан маълум бир фарқли хусусиятларга ҳам эгадир. Бундай фарқли ҳолатлар топонимларнинг узоқ муддат яшашида, уларнинг кўп компонентлардан, таркибли қисмлардан иборат бўлишида, ҳар бир тилнинг ички қонуниятларига кўра, топонимлар ясашда турдош отлар (аппелятивлар) бевосита иштирок эта олишида ўз аксини топади. Топонимларни ясашда шу тил учун хос бўлган лингвистик восита (модел)лардан кенг фойдаланилади. Лекин шу билан биргаликда ҳар бир тилда топоним ясовчи ўзига хос воситалар ҳам юзага келади, яъни тилдаги муайян суффикслар (аффикслар) ва сўзлар фақат ёки, қисман топонимлар ясашда хизмат қилади.

Асл топонимик маънонинг тикланишига хизмат қилувчи муҳим жиҳат сифатида олимлар шаклланишининг грамматик, айниқса морфологик жиҳатларини назарда тутиш зарурлиги, шунинг учун ҳам жой номларининг лингвистик моделининг аниқланишини, сўз таркибида **ўзак+ўзак, ўзак+қўшимча** шаклида иштирок этаётган ҳар бир бирликдаги лексик-семантик хусусиятларнинг объектив ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

Мавжуд адабиётлардаги илмий далилларга асосланиб, Қўшработ тумани микротопонимларини луғавий-грамматик жиҳатдан тузилиши (структураси)ни қуйидагича гуруҳларга ажратиб таҳлил этиш мумкин.

1. Тумандаги якка компонентли**,** фақат бир **ўзак шаклига тенг бўлган содда топонимлар:** Бундай топонимларга ҳудуддаги Аймат, Булоқ, Бурган, Давлай, Жала, Жўш, Гум, Камар, Кориз, Тўра, Тумшуқ, Тоз, Пангат, Пичот, Орлот, Қўрғон, Озод, Оча, Работ каби жой номлари киради.

2. Тумандаги икки компонентли **ўзак+ўзак шаклига тенг бўлган қўшма топонимлар:** Бундай икки ўзакли қўшма топонимларга Абир+овул, Беклар+сой, Бек+сариқ, Бой+тўп, Боқи+чиғатой, Гужум+сой, Бозор+жой, Булоқ+боши, Ёз+булоқ, Жомон+жар,

Жар+булоқ, Катта+қишлоқ, Майин+тепа, Қора+сой, Қора+кисса, Ўрта+қишлоқ сингари жой номлари мансубдир.

3. Тумандаги **ўзак+сўз ясовчи қўшимча** структурасига эга содда ясама тузилишга эга бўлган топонимлар**: б**ундай гурухга туман ҳудудидаги Бир+лик, Мустақил+лик, Болға+ли, Дўст+лик, Себ+истон, Қумалоқ+ли, Кесов+ли, Кунжа+ли, Бурган+ли, Тепа+ли, Гул+истон, Қовун+чи, Ўзбек+истон, Соҳиб+кор сингари топонимларни киритиш мумкин.

4. Тумандаги **ўзак+ўзак+аффикс** стуктурасига эга бўлган бирикмали тузилишга эга бўлган топонимлар. Бундай тузилишга эга бўлган жой номи биз тўплаган материалга кўра қуйидаги топонимлар мансубдир: Қўш+тамға+ли, Кўк+тўн+ли қишлоқлари кабилар.

5. Тумандаги **ўзак+ясовчи афикс+ўзак** структурасига эга бўлган топонимлар. Бундай жой номлари ҳам туман ҳудудида учта эканлиги маълум бўлди: Паст+ки+шовва, Паст+ки навкат, Балиқ+чи ота кабилар.

6. Тумандаги уч компонентли **ўзак+ўзак+ўзак шаклига тенг бўлган қўшма топонимлар.** Бундай мураккаб структурали топонимлар туман ҳудудида унчалик кўп эмас: Эш+бўра+бой, Янги+қўрғон+сой, Янги+оқ+чоп, Катта Оқ+мачит кабилар.

Кўринадики, Қўшработ тумани ҳудудида фақат бир ўзак шаклидаги жой номлари унчалик кўп эмас Биз юқорида келтирган бир ўзакли микротопонимларнинг изоҳини, лексик-семантик хусусиятларини аниқлашга интиламиз.

Шова // Шовва – тумандаги қишлоқлардан бири. “Шова // шовва” сўзи “сувнинг баландликдан куч билан отилиб, шовуллаб тушадиган жойи, шаршара” маъносини билдиради [ЎТИЛ-5, 4, 587]. Т.Нафасов ҳам бу сўзни “юқоридан қуйига оқиб тушган сув, шаршара”, деб изоҳлайди [Т.Нафасов, 219]. Шунга биноан бу микротопонимни С.Қораевга эргашиб, шаршара ёнида барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ, деб изоҳласа бўлади [С.Қораев- 157].

Кориз – тумандаги қишлоқлардан бири. Кориз ер ости сувларини юзага чиқариш учун қазилган мураккаб сув иншооти, суви ташқарига оқиб чиқадиган қудуқ демакдир [ЎТИЛ-5, 2, 408]. Шунга биноан Б.Ўринбоев фикрича, Кориз қудуқ қишлоғининг номи ҳам шундан олинган [Б.Ўринбоев-230].

Сумбул//Сунбул – Бу микротопонимни ташкил этувчи “сумбул // сунбул” сўзи ўсимлик номи (фитоним) бўлиб, пиёзгулдошлар оиласига мансуб, лола баргина ўхшаш узун баргли ўтсимон декоратив ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй чиройли гули маъносини билдиради [ЎТИЛ-5, 3, 587]. Шунга кўра бу микротопонимни сумбуллар кўп ўсадиган жойда барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ, деб изоҳлаш мумкин.

Работ **-** “Работ // равот” асли арабча сўз бўлиб, “карвонсарой, мусофирхона, шаҳар девори, шаҳарнинг ташқи қисми, чегара пости, истеҳком, қўрғон” маъноларини билдиради [ЎТИЛ-5, 3, 332]. Шунга кўра бу микротопонимни работ // равот (карвонсарой, қўрғон) ёнида барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ [С.Қораев-102; Т.Нафасов, 159; Н.Бегалиев, 87], деб изоҳлаш мумкин.

2. **Тумандаги ўзак+ўзак шаклли микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили.** Маълумки, топонимлар географик хариталар ва планеталарнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан биргаликда кўпгина топонимлар қонуний ҳужжатларда, ҳукумат қарорларида, маъмурий бошқарув органларида, транспорт ва алоқа, ахборот-коммуникация ишларида, хилма-хил маълумотномаларда, илмий-техник, таълимий ахборотга оид ва бошқа бир қанча нашрларда кўплаб учрайди.

Ўзбек тилида икки ва ундан ортиқ сўзлар (турдош отлар)дан иборат географик номлар қўшиб ёзилади. Бундай ҳолат Қўшработ туманидаги икки ўзакли қўшма топонимлар имлоси учун ҳам характерлидир. Тумандаги икки ўзакли топонимларни структурал жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

2.1. **От+от структурали микротопонимлар.** Бундай гуруҳга тумандаги Абир+овул, Бозор+жой, Бой+тўп, Буғдой+қўрғон, Гужум+сой, Давр+қўрғон, Жар+қўрғон, Ҳасан+бобо, Хўжа+сой, Беклар+сой каби топонимлар киради.

2.2. **Сифат+от структурали микротопонимлар.** Тумандаги Янги қишлоқ, Қизил+бел, Қизил+олма, Қизил+булоқ, Қора+тош, Қора+боғ, Қора+кисса, Юқори Жўш, Юқори сарой,

Оқ+тош, Оқ+тепа, Катта+қишлоқ, Майин+тепа, Қора+сой, Қора+қўзи, Қора+куя, Қора+той, Ўрта+сой, Ўрта+қишлоқ сингари бир қанча топонимлар шу гуруҳга мансубдир.

2.3. **Сон+от структурали микротопонимлар.** Бу гуруҳга тумандаги Чор+овул, Уч+оғоч, Чор+митан, Қирқ+овул, Чор+боқ+сой сингари топонимларни киритиш мумкин.

2.4. **Равиш+от структурали микротопонимлар.** Бундай структурали топоним туман ҳудудида битта эканлиги маълум бўлди: Кўп+овул каби.

2.5. **От+феъл структурали микротопонимлар.** Бундай структурали топоним ҳам туман ҳудудида тўртта эканлиги маълум бўлди: Йўл+ўтар, Ариқ+ошган, Гадой+топмас, Ёр+қочкан каби.

Энди тумандаги икки ўзакли, қўшма микротопонимлардан айримларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида сўз юритсак.

Дарвозагаза – тумандаги қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “дарвоза” ва “газа” қисмларидан иборат. “Дарвоза” форсча сўз бўлиб, “шаҳар, қўрғон, қалъа ва шу кабиларга кириладиган икки табақали катта эшик” маъносини билдиради [ЎТИЛ-5, 1, 560-561; Т.Нафасов, 58]. “Газа” эса “тоғ этаклари ва нотекис адирларда қирсимон чўзиқ баландликларнинг ошиб ўтадиган йўл бўлган қисми” маъносини билдиради [Т.Нафасов, 53; З.Дўсимов, 42]. Шунга биноан, бу микропонимни газаларнинг дарвоза (кириш) қисмида жойлашган қишлоқ, яшаш маскани” тарзида изоҳлаш мумкин.

3. Тумандаги сифат+от структурали микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили.

3.1. Янги қишлоқ. - тумандаги қишлоқлардан бири. “Янги” умумтуркий сўз бўлиб, “яқинда бунёд этилган” деган маънони билдиради [ЎТИЛ-5, 5, 113; ЎТЭЛ 1, 139]. “Қишлоқ” сўзи ҳам умумтуркий бўлиб, “аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиганлар яшаш жойи” маъносини ифодалайди [ЎТЭЛ 1, 555; ЎТИЛ-5, 5, 315]. Шунга асосланиб, Б.Ўринбоев бу топонимни илгари қишлоқ бўлмаган жойда пайдо бўлган янги ахоли яшаш пункти деб изоҳлайди [Б.Ўринбоев, 240].

3.2. Оқтош – тумандаги қишлоқлардан бири. Бу топоним икки қисм (оқ ва тош)дан иборат. “Оқ” умумтуркий сўзлардан бири бўлиб, “қор, сут, пахта рангидаги, оқ тусга мойил” маъноларини билдиради [ЎТЭЛ 1, 262; ЎТИЛ-5, 3, 175]. “Тош” сўзи ҳам умумтуркий бўлиб, “яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи” маъносини ифодалайди [ЎТЭЛ 1, 351; ЎТИЛ-5, 4, 159]. Шунга асосланиб, Б.Ўринбоев Қўшработ туманидаги бу микротопонимни қишлоқ жойлашган ҳудудда оқ рангли тошлар мавжуд бўлганлиги учун шундай ном билан аталган, деган хулосага келади [Б.Ўринбоев 2, 42]. Т.Нафасов эса бу микротопонимни “кварцга бой жой, саноат аҳамиятига эга бўлган тошли ер”, деб изоҳлайди [Т.Нафасов, 149].

3.3. Оқтепа - тумандаги катта қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “оқ” ва “тепа” қисмларидан иборат қўшма сўздир. “Оқ” сўзи тепа, жар, қум, мула каби сўзлар билан бирикканда ранг маъносини эмас, балки географик жойнинг тик ва эн кўламини ифодалайди [ЎТИЛ-5, 3, 175; ЎТЭЛ-1, 351]. “Тепа” умумтуркий сўз бўлиб, “ер сатҳидан баланд, дўнг жой, баландлик, тепалик” маъноларини ифодалайди [ЎТИЛ-5, 4, 66]. Шунга биноан бу микротопонимни “ён-атрофида шу типдаги бошқа баландликлардан ҳажман катта, баландроқ бўлган тепада барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ” деб изоҳлаш мумкин [Т.Нафасов, 149; С.Қораев-1, 94; Н.Бегалиев, 84]

4. Тумандаги сон+от структурали микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили. Бундай икки компонентли, қўшма микротопонимлар туман ҳудудида унчалик кўп эмас. Бундай структурали топонимларга Чор+овул, Уч+оғоч, Чор+митан, Қирқ+овул каби микротопонимларни киритиш мумкин.

4.1. Чоровул - тумандаги қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “чор” (тўрт) ва “овул” қисмларидан иборат қўшма сўздир. “Чор” форсча сўз бўлиб, “тўрт, тўртта” маъноларини билдиради [ЎТИЛ-5, 4, 507]. “Овул” сўзи “кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой, яшаш маскани, қишлоқ” маъноларини ифодалайди [ЎТИЛ-5, 3, 81]. Шунга асосланиб, бу

микротопоним тўрт кўчманчи чорвадор томонидан барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ, овул, деган хулосага келиш мумкин.

4.2. Учоғоч - тумандаги қишлоқлардан бири. Юқорида таъкидланганидек, “уч” умумтуркий сўзлардан бири бўлиб, “икки билан тўрт оралиғидаги бутун саноқ сон” маъносини билдиради [ЎТЭЛ 1, 394; ЎТИЛ-5, 4, 306]. Оғоч сўзи дарахт, ёғоч, хода деган маъноларни билдиради [ЎТИЛ-5, 3, 192]. Шунга асосланиб, Б.Ўринбоев тумандаги бу қишлоқ номини дастлаб уч дарахт (оғоч) ўсган жойда барпо этилган, деб изоҳлайди [Б.Ўринбоев-2, 56].

5. **Тумандаги равиш+от структурали микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили.** Бундаги грамматик структурали топонимлар биз тўплаган материаллар орасида қуйидагилардан иборат бўлди:

5.1. Кўповул - тумандаги қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “кўп” ва “овул” қисмларидан иборат. “Кўп // кўпай” - патроним, “Овул” сўзи “кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой, яшаш маскани, қишлоқ” маъноларини ифодалайди [ЎТИЛ-5, 3, 81]. Шунга биноан “Кўповул” – “кўп // кўпай” уруғи вакиллари яшайдиган овул, жой, маъносини билдиради [Б.Ўринбоев, 109].

6. **Тумандаги от+феъл структурали микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили.** Бундаги грамматик структурали топонимлар биз тўплаган материаллар орасида тўртта бўлиб, улар Ари+қошган, Йўл+ўтар, Гадой+топмас, Ёр+қочкан деб номланади.

6.1. Ариқошган - тумандаги қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “ариқ” ва “ошмоқ” ёки “очмоқ” қисмларидан иборат. Ариқ – сунъий равишда ясалган сув йўли, ўзани ва ундаги сув маъносини ифодалайди [ЎТИЛ-5, 1, 98]. Демак, бу микротопонимнинг шаклланиши шу ҳудудда ариқ очиш жараёни билан алоқадор.

Тумандаги ўзак+ўзак+ўзак структурали микротопонимларнинг лексик-семантик таҳлили. Бундай структурали микротопонимларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Эш+бўра+бой, Янги+қўрғон+сой, Янги+оқ+чоп, Катта Оқ+мачит, Чор+боқ+сой каби.

7.1. Чорбоқсой – тумандаги қишлоқлардан бири. Бу микротопоним “чор” (тўрт), “боқ (ғ)” ва “сой” қисмларидан иборат қўшма сўздир. “Чор” форсча сўз бўлиб, “тўрт, тўртта” маъноларини билдиради [ЎТИЛ-5, 4, 507]. “Чорбоғ(қ)” айнан тўрт боғ демакдир [С.Қораев-1, 149]. “Сой” сўзи эса умумтуркий бўлиб, “икки адир ёки тоғ оралиғидаги, кўпинча оқар сувлар ҳаракати натижасида ҳосил бўлган пастлик жой, сув йўли, водий” маъноларини билдиради [ЎТИЛ-5, 3, 545]. Шунга биноан бу микротопонимни “тўрт тарафи боғ бўлган сой бўйида барпо этилган яшаш маскани, қишлоқ” деб изоҳласа бўлади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки қадимий Турон, жумладан Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ўтмиш-тарихи бой, серқабила диёр саналади. Туманидаги кўплаб топонимларнинг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатди Ундаги кўпгина жой номларининг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳудуд босиб ўтган ибтидоий жамият тахминан 700 минг йилни ўз ичига олиши олимлар томонидан алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Шу билан бирга бу ҳудуд топонимлари ҳақидаги маълумотларни Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Абу Тохархўжанинг “Самария”, Абулғозий Баходирхоннинг “Шажайи турк” каби асарларида ҳам учратиш мумкин.

Тўғри, у ёки бу топонимнинг мотивлашув жараёнини, таснифий белгиларини аниқлаш учун унинг компонент таркибини, грамматик структурасини тўғри белгилаш, яхши билиш талаб қилинади. Шунга кўра, бизнинг тумандаги этнотопонимларнинг лексик-семантик таҳлилига доир кузатишларимиз ана шу этнотопонимларнинг грамматик структураси, тузилиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади.

Қўшработ тумани микротопонимларининг юзага келишида асосан от ва сифат туркумига мансуб бўлган алоҳида апеллятивлар, жумладан, топоиндикаторларнинг ўрни салмоқли эканлиги маълум бўлди.

Туман топонимияси тизимидаги айрим микрогуруҳларда ўзига хос ядровий топоэлементлар мавжуд. Улар дастлаб бирламчи географик объектнинг номи сифатида юзага келган ва шу жой атрофидаги бошқа объектлар (қишлоқлар, маҳаллалар каби)га кўчган. Бу трансонимизациялашув жараёни топонимлар шаклланишининг алоҳида майдонини юзага келтириб, иккитадан еттитагача бўлган янги онимларни вужудга келтирганлиги аниқланди. Айни пайтда, бу майдонда ўзининг лексик-семантик маъно англатиш кўламини кенгайтирган

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий туманлари). – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
2. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд: ЖиззахДПИ нашри, 2007. – 80 б.
3. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 104 б.
4. Дониёров Ҳ. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 98 б.
5. Дониёров Ҳ. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 98 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Sodiqova Yulduz Furqatovna
English teacher of Samarkand State
Institute of Foreign Languages

PHILOLOGICAL ANALYSIS OF THE TEXT AS A MEANS OF FORMING TEXTUAL COMPETENCE

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-46

ABSTRACT

This article describes the peculiarities of philological analysis of the text, its concepts and the importance of analyzing a literary text for understanding its ideological and artistic features. Its also analyze the features of the philological analysis of the text and what is its role in the understanding of texts. The philological analysis of the text incorporates linguistic and stylistic analysis, as well as literary analysis, including the coverage of cultural and historical aspects of the study of the text.

Key terms: philology, philological analysis, textual activity, literary text, purpose, objectives, stylistic analysis, literary analysis, concept.

Садыкова Юлдуз Фуркатовна
Преподаватель иностранного языка
Самаркандского института Иностранных Языков

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТЕКСТА КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ ТЕКСТОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны особенности филологического анализа текста, его концепций и важность анализа художественного текста для понимания его идейно-художественных особенностей. Также анализируются особенности филологического анализа текста и его роль в понимании текстов. Филологический анализ текста включает лингвистический и стилистический анализ, а также литературный анализ, включая освещение культурных и исторических аспектов изучения текста.

Ключевые слова: филология, филологический анализ, текстовая деятельность, художественный текст, цель, задачи, стилистический анализ, литературный анализ, концепт.

Sodiqova Yulduz Furqatovna
Samarqand Davlat Chet Tillar
Instituti ingliz tili o`qituvchisi

MATNNING FILOLOGIK TAHLILI MATNI KOMPETENTLIK VOSITASI SIFATIDA

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada matnni filologik tahlil qilishning o'ziga xos xususiyatlari, uning tushunchalari va badiiy matnni g'oyaviy-badiiy xususiyatlarini tushunish uchun tahlil qilishning ahamiyati tasvirlangan. Shuningdek, unda matnni filologik tahlil qilish xususiyatlari va matnlarni tushunishda uning o'rni qanday ekanligi tahlil qilinadi. Matnni filologik tahlil qilish lingvistik va uslubiy tahlil bilan bir qatorda adabiy tahlilni, shu jumladan matnni o'rganishning madaniy va tarixiy jihatlarini qamrab oladi.

Kalit so`zlar: filologiya, filologik tahlil, matn faoliyati, badiiy matn, maqsadi, vazifalari, tushuncha, uslubiy tahlil, adabiy tahlil.

“Philology”- means the totality, community of humanitarian disciplines - linguistic, literary, - studying the history and essence of the spiritual culture of mankind through linguistic and stylistic analysis written texts. In this judgment, attention is drawn to itself, firstly, an indication of a complex, integrative nature philology; secondly, its inseparable connection with the spiritual culture of society; third, the promotion of the text as the main object of philological research; fourthly, the importance of linguistic and stylistic analysis of the text in comprehending the essence of the spiritual culture of mankind, manifested in the text. The philological analysis is significant both theoretically and practically. The first is related to the need to solve important debatable issues of text theory that are significant for effective speech communication: what is a text, what are its features and categories, what types of texts are distinguished, what is the structure of the text and the main directions of its analysis, how does the linguistic analysis of a text differ from literary analysis, what such a philological analysis of the text and what is its role in the understanding of texts.

The philological analysis of the text incorporates linguistic and stylistic analysis, as well as literary analysis, including the coverage of cultural and historical aspects of the study of the text. Linguistic analysis of the text constitutes the initial stage of philological analysis. Stylistic analysis deepens and complements the linguistic analysis of the text. Stylistic analysis of the text, involving the consideration of not only linguistic, but also extralinguistic factors in textual activity (the sphere of communication, situations, type of thinking, addressee, etc.), is an intermediate link connecting the linguistic analysis of the text with the literary one. For works of non-fiction literature, the stylistic analysis of the text, supplemented by cultural-historical information about the time and circumstances of the creation of the text in projection onto the history of society and language in its specific functional stylistic implementation, actually acquires the status of philological analysis.Literary analysis is important to understand the texts related to literary literature as cultural phenomena, in which the text is considered as a work of art in the socio-historical and literary context of the era, as a reflection of the characteristics of a particular literary school and direction, creative method, the individual style of the author, etc.

The philological analysis of a literary text, in contrast to other types of analysis - linguistic, literary, stylistic and others - creates conditions for a more complete comprehension of the artistic value of a literary work. It proposes an examination of a literary work "from the inside", a search for special laws of the figurative-speech organization inherent only in this text, turning it into its own role as a unique "personality", the symbol of which is the name of the work and the name of its creator. Philological analysis of the text allows us to ensure the unity of the rational and emotional approaches, to preserve at every stage the idea of the literary text as a single whole.

Linguistic phenomena in works of art always appear before readers differently than in simple colloquial speech. That is why, in the process of studying fiction, the philological analysis of the text acquires such great importance.

The importance of analyzing a literary text for understanding its ideological and artistic features is paramount. Indeed, in order to study the ideological content of a work, its artistic features that distinguish it from other works, in order to correctly perceive a work of art as a figurative whole, educating feelings and developing thinking, this work must be correctly understood. In the applied aspect, it is necessary to form the most important skills and abilities associated with the implementation of successful textual activity:

1) the ability to create texts of different styles and genres, taking into account specific extralinguistic factors (communication sphere, situation, addressee, goals and objectives of communication, etc.);

2) the ability to adequately perceive the text, assimilating not only its superficial, but also its deep meaning.

Without successful mastering of textual activity, effective communication of the individual as a whole is impossible. The degree of proficiency in textual activity (the ability to generate texts and understand them) is one of the main indicators of a person's general culture. Linguistic phenomena in works of art always appear before readers differently than in simple colloquial speech. That is why, in the process of studying fiction, the philological analysis of the text acquires such great importance.

Based on the definition of philology, taking into account its originality, we concretize the specifics of the philological analysis of the text.

1. This is an analysis in which the text is viewed as a cultural phenomenon. Interpreting the text, we give it the status of a cultural phenomenon.
2. Philological analysis of the text presupposes attention to the broad literary and socio-historical context of the era.
3. This is an analysis reflecting an interest in linguistic means as a form of expression of our thoughts and feelings in various spheres of communication.
4. The purpose of the philological analysis is to show through the mutual dependence of the form and content of the text and their correspondence to the author's intention, the cultural value of this text.
5. This is an analysis aimed at studying the linguistic personality behind the text ,it`s style and outlook on the world.
6. Philological analysis presupposes a predominant interest in the word in connection with the consideration of the text as a reflection of the verbal culture of the author and society at a certain stage of its development.

Due to the noted specifics, the philological analysis of the text incorporates linguistic and stylistic analysis, as well as literary analysis, including the coverage of cultural and historical aspects of the study of the text. Linguistic analysis of the text constitutes the initial stage of philological analysis. Stylistic analysis deepens and complements the linguistic analysis of the text, strengthening the functional aspect of considering linguistic means in the text system against the background of the stylistic usus, i.e. the laws of the stylistic use of linguistic units adopted by society within the framework of the corresponding sphere of communication.

Stylistic analysis of the text, involving the consideration of not only linguistic, but also extralinguistic factors in textual activity (the sphere of communication, situations, type of thinking, addressee, etc.), is an intermediate link connecting the linguistic analysis of the text with the literary one. For works of non-fiction literature, the stylistic analysis of the text, supplemented by cultural-historical information about the time and circumstances of the creation of the text in projection onto the history of society and language in its specific functional stylistic implementation, actually acquires the status of philological analysis.

Literary analysis is important to understand the texts related to literary literature as cultural phenomena, in which the text is considered as a work of art in the socio-historical and literary context of the era, as a reflection of the characteristics of a particular literary school and direction, creative method, the individual style of the author, etc.

The philological analysis of a literary text, in contrast to other types of analysis - linguistic, literary, stylistic and others - creates conditions for a more complete comprehension of the artistic value of a literary work. It proposes an examination of a literary work "from the inside", a search for special laws of the figurative-speech organization inherent only in this text, turning it into its own role as a unique "personality", the symbol of which is the name of the work and the name of its creator. Philological analysis of the text allows us to ensure the unity of the rational and emotional approaches, to preserve at every stage the idea of the literary text as a single whole.One of the most productive ways of organizing a complex analysis of the text is the philological analysis of the text,

which makes it possible to study the artistic specifics of the narrative at all levels of the organization of its structure.

1. Кийимнинг материалига қараб номланиши. Бунда кийимнинг қандай газламадан тикилгани асос қилиб олинади. Масалан, пашшайы, шайы, атлас, маўыты, мақпал, бархыт, шыт, бөз ва бошқа газламаларнинг номи билан аталади. Масалан, пашшайы тон, пашшайы шапан, бөз шапан,зер шапан, мақпал шапан, ғазна мақпал шапан, мөрели шапан – мўре босилган чопон. Мўре сўзи муҳр сўзи асосида келиб чиққан сўз бўлиб, қўлдан тўқилган газламага босиш учун ҳар хил ўсимлик бўёқларини аралаштириб ишлайдиган йалтироқ нарса. Масалан: Пияздай ақ сәллеси өзине қуп жарасып, көк жапырақ гүлли шапан кийген, шоқ қара сақаллы, бой-сыны да сулыў мәҳрем босағаға манлай тийгизди (Т.Қайыпбергенов). Пошшойи кўйлак – шойи матодан («Бухоро шойиси») ишланган, асоси «подшо шойиси» деган маънони англатади. Бу кийим кўп қизлар кийган нуфузли кийим бўлиб саналади ва ҳозирги кунда шойи кўйлак деб номланади. Шойи сўзи ҳам форс тилига хос бўлиб, шоҳи «шохга қарашли» деган маънони англатади. Тилимизда хонатлас шойи деб ҳам аталади. Масалан: Кийгениң беҳасам ханатлас шайы (И.Юсупов). Шатыраш кўйлак –шатыраш (арабча шатранж «шахмат») шахмат доскасига ухшаш газлама, матодан тикилган кўйлак. Бу кўйлак ҳақида халқ

қўшиқларида, бадиий асарларда учратиш мумкин. Масалан: Айдың жақтысы менен шатыраш көйлегиниң етегин төмен түсирип, жегдесин қолына алып, ҳәр жырмашына қайтадан үңилип қайтадан жамылады. (Т.Қайыпбергенов). Дарайи кўйлак – дарайи газламадан тикилган кўйлак. Дарайи-қўлдан тўқилган яшил рангли асл ипак газлама. Масалан: … ҳаялды излемекке мейил болғанда, ҳаялдың өзи, дарайы көйлеги дүрилдеп, күн шығыс жақтан қундағында баласы менен таяр болды («Қырық қыз»). Дарайы сўзи эски туркий ёзма ёдгорликлари тилида аγї-драгагоценности сокровища, дары шелковая ткань: jaśïl, kök, sarï, al aγï kedip яъни ҳар хил яшил, кўк, сариқ, қизил энган дарайи кийиб деб, мисол билан кўрсатилган [2,17.]. Қорақалпоқ тилида ҳам дарайи шу маънода қўлланилади. Масалан: Таўыс бир көйләкиң гүлгүн дарайы (Ажиниёз) деган шеърий сатрларидан кўйлакнинг ҳар хил тусга киришини ранг-баранглиги билдирилади. Ш.Норбоева ўз ишида дарайи сўзининг келиб чиқиши ҳақида тўхтаб, бу сўзни Дара подшолиги билан боғлайди ва дара атамасини умумий шоҳ мазмунда тушуниш зарурлигини таъкидлайди. Демак, дарайы «шаҳана кийим» деган маънони беради деб кўрсатади [3,126]. Шатленки көйлек – XIX асрнинг охирларида савдо орқали бошқа давлатлардан олиб келинган материаллардан ишланган, яъни Шотландиядан олиб келинган савдогар томонидан «шотландка» деб номланганлиги ҳақида фикрлар мавжуд [4,64]. Шу боис халқимиз чақмоқ шаклидаги чизиқли материаллардан тикилган кўйлакни шатленки кўйлак деб аталиб келинган.

2. Кийимнинг рангига қараб номланиши. Кийимлар рангига қараб ўзининг алоҳида атамаларига эга бўлган. Уларга: малла чопон, қизил чопон, кўк чопон, қирмизи чопон, ола чопон, оқ кўйлак, кўк кўйлак, лаплама кўйлак, қора мақпал бешпент ва ҳ. Лаплама кўйлак – лаплама деганимиз қизил ранг берадиган бўйоқнинг тури ҳисобланган. Қуюқ қизил рангга бўялган матодан тикилган кўйлаклар шундай номланган. Оқ кўйлак – ҳеч қандай нақши йўқ, қора ёки қизғиш сариқ матодан энсиз ёқа солинган кекса ёшдаги кампирлар киядиган бўлган. Шунингдек, халқимизда қадимда оқ мато «ақ сүп» деб номланиб, жудаям оқ чит деган маънони билдирган. Бундай ақ супдан тикилган кўйлакларни ёзда эркак кишилар ҳам кийган. Бўёқ кўйлак – нақши йўқ кўк рангли кўйлак, кўк кўйлакнинг иккинчи номи бўёқ «бўялган» деган маънони билдиради. Кўк кўйлак – халқимизнинг миллий кўйлаги, бўз матодан тикилиб олд қисми тўлиғи билан кашталарган тўй ва байрамларда кийиладиган кўйлаги бўлган. Бу қадимда «каштали кўйлак» деб ҳам номланган. У олд қисмида тўқилган «савут нақш»лари билан алоҳида ажралиб туради. Қорақалпоқ халқининг қизлари жуда ҳунарли бўлиб, ўз тўйларида киядиган кўйлаги ва ёпинидиган киймачакларини ўзлари қўлдан тўқиган. Ҳатто буларни битказиш учун 6-7 йиллаб вақти кетган. Масалан: Көк көйлекке кесте тоқығанда қыз, Оның қыз дәўранын ўақыт урлаған (Г.Нурлепесова). Миллий кўк кўйлагимиз тилимизда ўзининг бебаҳолилиги билан фахрланиб куйланади. Сабаби бу ҳар бир қиз армон қилган тўй кўйлаги ҳисобланган. Масалан:

Ҳәр бир талын жипек таладан есип,
Қызлар кестелеген кеўили өсик,
Тойымызға кийиў еткей да несип,
Арман еткен сени дейип Көк көйлек (Ш.Пайзуллаева).

3. Бажарадиган функционал хизматига қараб номланиши. Қорақалпоқ тилидаги қўшма номлар бўлган көкирек бүрме көйлек, ойма жаға, көк көйлек каби таркибий атамаларнинг пайдо бўлишига диққат қаратсак, уларнинг таркибидаги сўзларнинг қандай сабабларга боғлиқ номланганини англаш қийин эмас. Орамал, жаўлық, қалпақ, бөрик ва ҳ. асосий атамаларни эса қандай тамойилда пайдо бўлганлигини аниқлаш учун бу сўзлар диахроник жиҳатдан қараб, эски ёзма ёдгорликлар тилининг лексик, фонетик ва морфологик ривожланиш жиҳатдан аниқлаш, уларни бошқа да туркий тиллар билан таққослаб, этимологик таҳлил қилиш керак. Бу сўзларнинг морфологик ва этимологик жиҳатдан структураси таҳлил қилинса, улар ўзак ва сўз ясовчи қушимчалар қушиш билан ясалганлиги аниқланади. Масалан, тилимизда учрайдиган қалпақ-қопламоқ, бошни қоплаб юриш, бөрик-буркаб бостириш, орамал-ўраш, жаўлық-ёйиб ёпиб юриш ва ҳ. кийимларнинг атамалари шу каби бажарадиган вазифаларига қараб пайдо бўлган.

Бош кийим номларининг деярли кўпчилигини туркий тилларига хос сўзлар ташкил қилади. М.Қошғарийнинг «ДЛТ» асарида сарағуч-хотин-қизларнинг бошига ёпадиган нарсалари, рўмол [5,449] маъносида ишлатилган. Туркман тилининг этимологик луғатида: «қадимги туркий тилда sara сўзи қўлланган бўлса, иккинчи варианти ора чиғатой тилида учрашгани келтирилган. Рўмол сўзининг келиб чиқишини «ўрамоқ маъносидаги orooh сўзи билан боғлиқ деб, туркман тилида бошга тақадиган рўмол-ýaglyga рўмол, бўйинга тақадиган галстук-boyın ýaglyga бўлиб ишлатилади. Рўмол сўзининг маъноси romal «ýaglyk» кўринишида форс-тожик тилидан кириб келганлиги кўрсатилган [6.285]. Рўмол атамаси ҳақида М.Асомиддинованинг китобида: «рўмол–форс-тожикча: рў//рўй - жўз, бет, -мол-молидан-сўртиў, яъни бетти сўртетуғын буйым маъносини англатиши, сўнгра бу бошқа ўраладиган кийим турининг атамасига кўчган деб кўрсатилган[7,28].

Қорақалпоқ тилида учрайдиган жаўлық бош кийими рўмолнинг эски атамаси бўлиб, у бошқа туркий тилларда jaġlik/jaγlïk ýaglyk (ёғлиқ//ёвлиқ//жаўлық//орамал) бўлиб қўлланилади. Жаўлық атамасининг этимологияси ҳақида ҳар хил фикрлар учрайди. Ливитскаянинг луғатида: «Эски ёзма ёдгорликларда жаўлықни турмушга чиққан аёллар тортган деб, унинг этимологиясини «jablyk-что она является производной от глагола jabyl – быть покрытым, йа:ғлық//йапыл» – деган сўздан келиб чиққан деб келтиради [8.61]. Шунингдек, озарбайжон тилида рўмолни келағай//қалағай, бас йайлиғи деб атайди, илгари рўмолнинг бу турини бошга ёйиб, ёпиб юриш учун фойдаланган. Балки ўша шаклдан бош йайлиғи атамаси юзага келган бўлиши мумкин деган тахминлар ҳам бор [7.29]. Сўзларнинг фонетик ўзгаришга учраши туркий тилларга хос жараён бўлиб, йайлиғ//йағлиқ//ёвлиқ//жаўлық бўлиб қўлланилган. Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, жаўлық атамасининг тилимизда жаў-жаўыў-жаўып жүриў маъносида ўша бош кийимнинг бажарадиган хизматига қараб пайдо бўлган.

4. Кийилиш усулига ва ўрнига қараб номланиши. Буларга: төбелик, топпы, диз кийим, шалбар, балақ,ыштан, иш көйлек, қолғап ва ҳ. ҳисобланади. Тилимизда учрайдиган топпы атамаси кўпчилик туркий тилларда фонетик-морфологик, семантик хусусиятларга учраган. Масалан, ўзбек тилида дўппи-бош кийим (тақыя), уйғур тилида törä-қишки бош кийим, қирғиз тилида топу- юпқа тикилган енгил бош кийим, шунингдек, турк тилининг диалектларида tepelik –безакли бош кийим деб номланиб, эски туркий тилдаги törü «төбе» сўзидан келип чиққани исботланган [9,202]. Қорақалпоқча-русча таржима луғатда топпы-тюбетейка деб берилган, рус тилида тюбетейка–(татар. tübätäi-от tübä-верхушка) сўзи тепа сўзидан келиб чиққани исботланган. [10,134]. Топпы атамаси инсоннинг бошига (тепасига) кийилиш ўрнига қараб номланган.

Қорақалпоқ тилида қўлланиладиган ички кийим турлари бўлган ыштан, дамбал, балақтың умумий номи диз кийим деб номланади. Сабаби бу оёққа (яъни тиззагача) кийилгани учун халқимиз орасида шундай номланиб кетган. Масалан: Дизе кийимниң балағын, жуўан санына, көйлегине жеңин билегине шекем түрген, белдаршылардың үстиндеги бөз кийими менен жалаңаш етиниң түсин айырыў мүмкин емес еди (К.Султанов). Тыштабан//тыстабан – оёқ кийимнинг энг оддий тури. Бу оёқ кийим оддий усулда қўлдан ишланиб, теридан тикилган. Тилимизда бу оёқ кийимнинг аталиши табанни қоплаш деган маънода «табанның тысы» яъни тыс (бир нарсанинг ташқи қавати, бўлаги) ва табан сўзларининг қўшилиш орқали ясалган. Сабаби оёқ кийим ҳам табаннинг (оёқнинг) пойдевори ҳисобланиб уни қоплаб, ёпиб туради. Шалбар атамаси бажарадиган хизматига қараб пайдо бўлган, яъни «болтирни, сонни ёпиб турувчи кийим» маъноларини англатади. Парсы сўзидаги шалбар, туркий тилларда чалвыр//чалбыр, шаловар сўзларидаги шал, чал умумий асосга эга эканлиги ва ҳинд-европа тилларида cal//xal//chal бўлаклари «балтыр», «сан», «денениң тобыққа шекемги бөлеги» маъноларини англатиши, вар компоненти эрон тилидаги шалбар//шалбыр сўзларида «санды жаўып турыўшы» маъноларини билдиради» деб кўрсатилган [3,115-116].

5. Кийим атамасининг хом маҳсулотларга (тери, жун, пахта) боғлиқ номланиши. Кийим-кечак атамалари тизимида кўплаган кийим номлари, уларнинг бугунги кунда экстралингвистик факторлар кийимнинг атамасидан олдин ўша кийимнинг ўзи тарихийликни англатганини кўрсатади. Жамиятнинг ҳозирги босқичида кийим-кечак материаллари

турларининг ўзгаргани билан кўпроқ боғлиқ. Масалан, туркий тилларда энг кўп тарқалган тон, постын, кўйлек атамалари генетик ва семантик тарихий ривожланиши борасида дастлаб тери маъноларини англатган. Ш.Норбоеванинг ишида, тон сўзининг туркий тиллардаги маъноларини таққослаб, хакас тилида ton-«постын», тува тилида ton-«постын», «халат», нўғой тилида ton-«тери», «тулып», яъни tonlav (ўлган ҳайвоннинг терисини шилиш), tonlyk-«кийимга мўлшерленген тери», татар тилида tun-«тон», «постын» устки кийим маъноларини англатишини, tunalu-«тери (син) шилиш» маъносида хом нарса тери билан боғлайди [3,89] Постын номи ҳам тожик тилида «ҳайвон териси» маъносини англатадиган пўст (тери) сўзига -ин аффикси қўшилиб ясалган сўз бўлиб, ҳар хил теридан қилинган совуқда кийиладиган устки кийимни англатади [11.3,197]. Кўйлак атамаси ҳам кўн «тери» сўзидан ривожланган. Е.Н.Жанпейсов китобида «кўйлак сўзи туркий тилида көңлäк// көңнäк //көңнөк// көннэк //көйнөк// көйнэк //көінäк бўлиб қўлланилиши яъни кўйлак көң//көн//көj//кöі//көй – кожа (тери) сўзига сўз ясовчи läк / нäк / нэк / нöк варианти –лык//-лик аффиксининг қўшилиши орқали ясалган» деб кўрсатилган [12,17-18].

Ҳозирги адабий тилимизда ҳам айрим кийим номлари пахталы шалбар, жун орамал, жун шулық деб, малақайлар қандай ҳайвоннинг терисидан тикилганига қараб эса: ондатра малақай, қамар малақай, қундыз малақай, тулки малақай бўлиб қўлланилади. Масалан: Тулки тери малақайын сэл көтериңкиреп аўыл бийи Мухамеджан бекке қарай үнсиз еки қэдем атты (Т.Қайыпбергенов). Оёқ кийимлар ҳам тикилган терисига қараб телетин етик, саўры геўиш, шерим етик (чарм-тери) оғзаки сўзлаш тилимизда рус тилидаги кожа етик «теридан тикилган этик» деган маънони билдиради. Қонышлы етик – (қоныш- балтырды жаўып, қысып туратуғын дизеге шекемги бөлеги) қунижи узун этик. Қоныш туркий сўз бўлиб, келиб чиқиши генетик жиҳатдан қонч/көнч сўзлари көнчек/қонжуқ «брюки» сўзлари билан семантик боғлиқ, асоси кўн «кожа» сўзидан ривожланган [13,57].

6. Топоним ва этнонимларга боғлиқ номланиши. Кийим-кечак номларининг айримлари бу буюмнинг дастлаб қайси ўринда ёки қайси халқ томонидан яратилишига боғлиқ ном берилган. Масалан, бухары шапан, ноғай көйлек, шыйразы шапан ва ҳ. Шыйразы шапан– қаракўл терининг кўкимтир тури шыйразы деб номланган. Бу қўй тури Эрондаги Шираз шаҳри билан боғлиқ. Қўй навларининг чиқиш ўрни, этнонимлари билан боғлиқ бўлиб, қазақы, хысары түрмени каби турлари ҳам учрайди ва ўша терининг чиқиши билан кийим аниқланади. Тилимизда қўлланиладиган ақ балқы шапан атамаси ҳам Балх шаҳри билан боғлиқ пайдо бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, рус тили орқали кириб келган панама бош кийим номи Панама топонимидан маъно жиҳатдан ривожланган [14,324]. Папақ бош кийими Кавказ томонлардан келгани учун оны кавказы папақ деб номлаган ва халқимизнинг дастурий кийимига айланган. Масалан: Дизесиндеги кавказы папағын қолына услады да наганын дүзестирип … (Ш.Сейтов). Кашемир пальто –кашмир сөзи («мягкая шерстяная ткань» от названия области Кашмир индийского штата») билан боғлиқ пайдо бўлган [10,215].

7. Дастурга боғлиқ номланиши. Ит кўйлак – ёш гўдак туғилганда қирқ кунлик вақтида кийдириладиган кийим. У юмшоқ материалдан тикилади. Илгарилари болага кўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан кўйлакни итга ёки қайроқ тошга суйкашган. Унинг ийт көйлек деб номланиши шундан келиб чиққан [15,157]. Халқимизнинг одати бўйича инсоннинг нафаси етган куни сўнгги манзилига жўнатиш олдида уни оқ матога ўрайди, бу тилимизда кепин (марҳум кийими) деб номланади. Бу арабча сўз kafan(un) кўринишига эга «ақ мата менен орады» маъносини англатади [11,198]. Бу кийим тикилганда енг, ёқа солинмайди, шу боис халқимиз орасида кийимни тўлиқ тўғри енгини солиб кий, эгнингга илдирма деб ирим қилади, бу кепин кийими билан боғлиқ айтилган. Шунингдек, мотам кийимлар бошқа кийимлардан ажралиб туради. Халқимизда аза тутган одамлар рангли кийимлар киймайди, хотин-қизлар бошларига қора, кўк рангдаги рўмолларни тақади, бу тилимизда аза кийими деб номланади. Бундан ташқари қэделик көйлек, келин көйлек, жеңге көйлек атамалари ҳам урф-одатларга боғлиқ номланган. Масалан: – Қамыр ушынан пэтир, заманлас. Ис питкеннен кейин мықлы жеңге көйлегиңди кийесең… Бийкешиңниң ыңғайын Асқарға аўдарагөр! Ретин тапсаң тиллестир, әйтеўир,-деди пэс даўыс пенен (К.Кэримов). Шунингдек, халқимизнинг дастурига

оид сеп киймешек мавжуд бўлган, буни келин қайнонасига атаб, тўйдан олдин ўз қўллари билан тиккан. Бу ҳақида қорақалпоқларнинг этнографиясига боғлиқ адабиётларда қимматли фикрлар билдирилган [16,81-83].

8. Кийимнинг ўхшашлигига қараб номланиши. Тилимизда мәшкеби-чопоннинг тури «мәштиң кебине усатыў» орқали пайдо бўлган. Шунингдек, соппас, шошайма, ийтқулақ (малақай) кийим номлари ҳам ўхшашлик асосида пайдо бўлган. Соппас –чўччайган ёки сўпоқ кўринишли, тепаси кесик конусни эслатади. Соппас «тепаси узун тўппи» генетик жиҳатдан туркий тилларига хос бўлган, соп(ы) бош сўзидан чиққан. Тилимизда сопақ сўзи билан бирга шошақ сўзи ҳам «узунроқ, сўррайиб тик туриш» деган маънони билдириб, оғзаки тилимизда соппас бош кийими шундай номланган. Масалан: Қаршында ақтарып отырған кемпирдиң қолына баласы Досжанның шошаймасы илинди. Бир келгенде баласы: «усы малақайды жойтпай алып қой, қартайғанда ғаррыларға көрсетип жүремен» деген (Ш.Сейтов). Ийтқулақ – тилимизда бош кийим малақайнинг яна бир номи ҳисобланиб, малақайнинг қулоқни бостириб турадиган икки қулоғи боғлағичи ечилганда елпираб итнинг қулоғидек бўлиб кетганлиги боис шундай номланган бўлиши мумкин. Масалан: Селкилдиге шыдамай, малақайдың тикирейип туратуғын қулағы да жалпылдап, Шундыйдың басында жапалақ қанат қағып атырғанға усады (Ш.Сейтов).

9. Кийимнинг кўринишига, тикилиш намунасига қараб номланиши: ойма жаға, домалақ жаға, қайырма жағалы көйлек, қынама бел көйлек жеңил көйлек, клёш көйлек, гофрей көйлек, белбўрме көйлеклер кейинги пайтларда халқимиз орасига ташқаридан кириб келган намуналарда тикилган. Масалан: Пешт көшелеринде фрак кийип, қолына саяман услаған, басына шляпа, үстине бели бүрмели көйлек кийген ханым менен қол усласып баратырған өзин, Ысақ молланы көз алдына келтирди (К.Кәримов). Клёш көйлек – клёш сўзи французча коло < кол қўнғироқ сўзидан олинган деб кўрсатилган. Клёш юбканинг кенгроқ шакли қўнғироқ кўринишига ўхшаганлиги боис рус тикувчилари юбка колокол деб номлайди [17,110].

10. Кийимнинг белгисига қараб номланиши. Қонышлы етик, узын бешпент, келте камзол, келте шолақ, рус тилига хос полсапог – калта қунижли этикни билдиради. Қорақалпоқ тилида жупқа көйлек– юпқа (йупқа/жуқа) газламадан тикилган кўйлак. Оғзаки сўзлашув жараёнида үпелек көйлек юпқа кўйлак маъносида ишлатилган. Юпқа газламадан тўқилган рўмол тилимизда жупқа деб номланади. Жупқа бу юпқа рўмол бўлган, унинг тўрт бурчакли, қизил рангли майда, йирик гулли, бир ёки бир нечта бўлакдан бириктирилган тури «бир қос, еки қос, үш қос» деб, эски туркий тилда қоса сўзи «жуфт», «биргаликда» маъноларини англатган. Рўмолларда қўлланиладиган қос сўзи рўмолнинг ҳажми бўлган номератив вазифани бажаради. Масалан: – Мә, мынаны басыңа сал, -деди бир қоса жупқаны усынып. – Ала бер, ала бер, Карақум ийшаннан теберик … (Ш.Сейтов).

Хулоса. Инсоннинг ўзи яратган буюмларни табиатда қандайдир нарсаларга, атрофдаги буюмларга солиштириш, ўхшатиш натижасида расмий ном қўйиш даражасида ривожланиб боради. Масалан, көк көйлек, жупқа, шатыраш көйлек, ийтқулақ, диз кийим ва ҳ. шу каби кийим номлари қорақалпоқ тилининг ўз луғат қатламидаги кийим номлари саналади. Шунингдек, кийим-кечакларнинг қайси ҳудудда ишлаб чиқилиши, уларнинг тавсия қилиниши, уларнинг бошқа ҳудудларга тарқалиши жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши, халқлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг йўлга қўйилиши орқали амалга ошади. Мана, шу асосда кийим-кечак лексикаси янги атамалар билан ҳам бойиб боради.

Юқорида кўриб ўтганимиздек кийим-кечак атамаларининг семантик гуруҳлари ҳар хил бўлиб келади. Шу каби айрим кийим номларининг семантикасини ва қурилишини аниқлашда уларнинг этимологиясига диахроник кўзқарашдан таҳлил қилиниши аҳамиятли масалаларнинг бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг рангига, турига, ишлаб чиқилган ўрнига, тикилиш намунасига, белгисига, ўхшашлигига, кийимнинг бажарадиган функционал вазифасига, хом маҳсулотларга ва анъанавий намуналарига қараб ўзига хос номланиш хусусиятларини аниқлаш, кийим-кечак лексикасининг бир тизимга тушириш борасида жуда муҳим саналади.

Адабиётлар

1. Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. Тошкент, «Фан»,1978.
2. Древнетюркский словарь. –Ленинград, 1969. – Б.17.
3. Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи: фил.фан.буйича фалсафа доктори (PhD) дисс.афтореф. Тошкент, 2017. – Б.126.
4. Доспанов О., Алламуратов А., Тилеўмуратов Г. Қарақалпақша көркем-өнер атамаларының сөзлиги. Нөкис, 1993. – Б.64.
5. Махмуд Қашғарий «Девану луғатит турк». Т.I,II,III.–Тошкент, 1960, 1961,1963.
6. Soltanşa Atanγγazow Tűrkmen dilinin sözköki etimologik) sözlűgi. Asgabat «Miras», 2004.
7. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. Тошкент, 1981.
8. Этимологический словарь тюркских языков. Подредакций Левитская Л.С., Дыбо А.В., Рассадин В.И. Москва 1989, 1997.
9. УсмановаШ. Олтай тилларида бош кийим номлари. International journal of Central Asian Studies. 2008. 197-209.
10. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Москва «Прогресс»,1987. – С.134.
11. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати, Т.I. (туркий сўзлар), Т.II. (араб сўзлари ва ўлар билан ҳосилалар),Т.III (Форсча, тожикча бирликлар ва ўлар билан ҳосилалар), Тошкент, 2000, 2003,2009.
12. Жанпейсов Е.Н. Этнокультурная лексика казахского языка. Алма-ата, 1989.
13. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Москва, 2000. – С.57.
14. Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В. Краткий этимологический словарь русского языка. М.,1975. – С.324.
15. Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1994. – Б. 157.
16. Жданко Т. А., Камалов С. Этнография каракалпаков. XIX-начало XX века.Ташкент,«Фан», 1980. –С.81-83.
17. Полтава В.А. Учитесь шить сами. Ташкент, 1957. – С.110.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Муратова Дилором Махмудовна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети ўқитувчиси

ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНИШИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-52

АННОТАЦИЯ

Туризм соҳасида бугунги кунда кўплаб тадқиқотлар ва ривожланиш кузатилмоқда. Тилшунослар ва туризм соҳасида фаолият юритаётганларни ушбу соҳа ўз “жозибаси” ва етарлича ўрганилмагани билан жалб этмоқда. Жамият ҳаёти ва тил чамбарчас боғлиқ тушунчадир ва тилнинг “тирик” организм каби ривожланиши, ўзгариши, хамда инсониятни қизиқувчанлиги ва кашфиётчилиги тилда ўз аксини топади. Мақолада туризмнинг ривожланиши тарихига оид фикр ва мулохазалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: сайёҳлик, терминология, корпус лингвистика, лексика, манба, хизмат, ривожланиш, давр, фаолият, мамлакат, таъсир, инфратузилма.

Муратова Дилором Махмудовна,
преподаватель Узбекского
государственного университета мировых языков

ФОРМИРОВАНИЕ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ

АННОТАЦИЯ

Сегодня в сфере туризма ведутся разнообразные исследования и она претерпивает огромные изменения и развитие. Данная отрасль является привлекательной для лингвистов с лингвистической точки зрения, а для людей, работающих в этой отрасли с экономической, в силу своей малоизученности и “интересности”. Жизнь общества и язык тесно взаимосвязанные понятия, новшества и изменения, происходящие в обществе находят свое отражение в языке. В статье рассматриваются некоторые исторические факты о туризме.

Ключевые слова: туризм, терминология, корпусная лингвистика, лексика, источник, услуга, развитие, период, деятельность, страна, влияние, инфраструктура.

Muratova Dilorom Makhmudovna,
teacher of Uzbek State
World Languages University

THE FORMATION OF THE TOURISTIC TERMINOLOGY
ANNOTATION

Nowadays tourism is a sphere where various investigations and development are taking place. It is “attractive” for linguists from a linguistic point of view and for touristic workers from an economic one, as the mentioned area is appealing and not well- studied yet. The life of the society and the language are closely connected notions, what happens in humans life finds it reflection in the language. The given article discusses some historical facts about tourism.

Key words: tourism, terminology, corpus linguistics, lexicon, source, service, development, period, activity, country, influence, infrastructure.

Бугунги кунда Ўзбекистон сайёҳлик хизматларини кўрсатиш соҳаси асосан бошқа тиллардан олинган халқаро миқёсида оммалашган туризм атамаларига кўп мурожаат қилади. Тарихий ва ижтимоий сабабларга кўра инглиз тили профессионал туризм соҳасида энг кўп ишлатиладиган тил сифатида тан олинган. Бунинг яна бир мисоли таълим тизмида аксарият давлатларда инглиз тилини ўрганишга қаратилган. Туризм кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни, меҳмонхоналарни, ресторанларни юклашни, кўнгилочар тадбирларни, валюта оқимини ва бошқаларни таъминлайди. Туризм маҳаллий туристик ресурслардан фойдаланишга асосланган. буни келтирадиган; маҳаллий ёки давлат даромади. Шу жумладан, туризм терминологияси юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақазо этади. Чунки, бугунги кунда коммуникация тармоқларида қўлланилётган аксарият туризм терминологияси моҳияти ўзбек тилшунослигида етарлича асосланмаган.

Халқаро корпус лингвистикасининг шаклланишига хизмат қиладиган айрим асарлар сирасига рус тилида туристик луғатни шакллантириш муаммосига бағишланган Г.И.Шипулинанинг[1] “Замонавий рус тилида туристик луғатни шакллантириши”га бағишланган асари шунингдек, қадимий манбаларда қайд этилган туркий тил лексикаси, терминлар тузилиши “Китоб ул-идрок”, “Таржумон”, “Ат-туҳфа”, “Китоб–ул-булғот”, “Алқавонин” сингари филологик рисолалар асосан турк тилини ўргатиш учун мўлжалланган қўлланма вазифасини ўтаган бўлса-да, бироқ бу асарларда туркий тилларнинг сўз бойлиги, уларнинг структураси, тематик гуруҳларига оид қимматли маълумотлар аксини топган.[2] Туркий-қипчоқ тили фонетикаси, лексик бойлиги, морфологиясини араб миллати вакилларига таништириш учун юзага чиққан “Таржумон турки ва ажами ва мўғали” рисоласи муҳим аҳамият касб этади.

Терминлар пайдо бўлиши соҳа ривожи билан чамбарчас боғлиқ экан, туризм ривожига қаратилган тадбирлар бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[3] фармони ва 2017 йил 12-июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, [4] 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари соҳага доир ўзига хос қонунчилик тизими ҳам шаклланганлигини кўрсатади. 2017 йил 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги[5] қарор имзоланди. Ўзбекистонда туризм ва унинг ижтимоий хусусиятларини республикамиз олимларидан Д.Норқулов[6], Ш.Р·Рузиев[7], Н.Т.Тўхлиев[8], С.С.Рўзиев[9], М.Т.Алимова[10], М.Р.Усманов[11], Б.Ш.Сафаров[12] сингари олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Аммо туризм терминологиясига оид илмий тадқиқотлар янги йўналиш бўлиб, Ўзбеистонда кенг оммалашмаган.

Хулоса қилиб айтганда туризм соҳаси ижтимоий, иқтисодий, географик жиҳатдан кенг тадқиқ этилган аммо, туризм терминологиясининг соҳа доирасида мамлакатимизда ҳали тўлиқ ўрганилмаган тадқиқот объектидир. Шунингдек, тадқиқотчи А.А.Эргашевнинг "Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқарувининг маркетинг стратегияси" тадқиқоти

давомида бир қанча консептуал механизмларни ишлаб чиқиш фикрини кўтаради шу жумладан, олимнинг саёҳат объектларини номланиш масаласига фикран қўшиламан.

Ўзбек терминологиясида инглиз тилидаги атамаларнинг кенг тарқалиши биринчи навбатда экстралингвистик омиллар билан изоҳланади: Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши чет эл тажрибасига йўналтирилган ва иқтисодиёт, иқтисодиётнинг бир соҳаси сифатида туризм инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда юқори даражада ривожланган. Шунинг учун унга хизмат кўрсатадиган инглиз тилидаги атамалар энг универсал ва туризм саноатининг ривожланишида ҳозирги замон талабларига жавоб беради деб ҳисобланади. Инглиз ва ўзбек тилларида "туризм" атамасининг шаклланиши инсон касбий фаолиятининг тегишли соҳасининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Англия иқтисодий фаолият сифатида асл туризмнинг ватани ҳисобланади.

Инглиз сайёҳлик терминологиясининг ривожланиш тарихи. Антик давр, Ўрта асрлар даври, Уйғониш даврига тўғри келади.

XVIII аср. – туризмни ривожлантириш;

XIX аср. - оммавий туризмни ривожлантириш;

XX аср. - халқаро оммавий туризмни ривожлантириш.

Профессор Л.П.Воронкованинг[13] таҳлиллари шуни кўрсатадики, инглиз туризми ривожлантириш тарихини тўрт даврга бўлиш мумкин 19-асрнинг бошларигача бўлган давр туризмни ривожлантиришдан олдинги тарих сифатида қаралади. Туризм ва меҳмонхона хизматларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган корхоналар пайдо бўлиши муносабати билан XV асрда элита туризмининг пайдо бўлиши билан ажралиб туради ва XIX - XX асрларда ижтимоий туризм пайдо бўлиши билан тавсифланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ва ҳозирги кунгача оммавий туризмнинг ривожланиши даври бор.

Туризмнинг ривожланиш тарихини даврийлаштиришнинг бошқа вариантлари ҳам мавжуд. Масалан, туризмни ривожлантириш тарихи мутахассиси М.В.Соколова[14] "Туризм тарихи" асарида туризм инсоният фаолиятига мансуб, унинг тарихи цивилизациялашган жамият пайдо бўлишидан анча олдин бошланади ва ҳар бир тарихий даврда инсон туризм тоифасига кирадиган фаолиятининг шундай туристик элементлари мавжуд деб таъкидлайди .

М.В.Соколова[14] туризмнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва янада ривожланиш тарихини қадимги замонлардан ҳозирги кунгача инсоният жамияти шаклланишининг асосий тарихий даврларига мос равишда ўрганиб чиқади. Туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини даврийлаштиришга оид турли хил қарашларни таҳлил қилиб, биз юқорида келтирилган нуқтаи назарларни ўзаро боғлаш ва бироз қўшиб қўйиш керак деган хулосага келдик. Социолингвистик ёндашув нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихининг барча босқичлари, албатта, инглиз туристик терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, инглиз туристик терминологиясини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари қуйидаги даврийлаштиришга мувофиқ равишда кўриб чиқилади.

1-босқич: инглиз сайёҳлик терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишининг олдинги тарихи:

- антик давр;
- Ўрта асрлар даври;
- Уйғониш.

2-босқич:

Туризмнинг оммавий маданий бўш вақтни ташкил этиш шакли сифатида ривожланиши билан боғлиқ бўлган инглиз туристик терминологиясининг ривожланиш даври:

- XVIII аср. - элита туризмининг ривожланиш даври;
- XIX аср. - оммавий туризмнинг ривожланиш даври;
- XX аср. - халқаро оммавий туризмнинг ривожланиш даври.

Инглиз сайёҳлик терминологиясининг ривожланиш тарихини ўрганиш учун ушбу билим соҳаси тарихи ва назарияси бўйича ишлар, шунингдек инглиз ва рус тилларида тушунтириш, энциклопедик, этимологик ва тарихий луғатлар жалб қилинган.

Терминологик аппаратдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва лингвистик ва тилдан ташқари фактлар ўртасидаги муносабатни ўрнатиш асосида биз инглиз сайёҳлик терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлдик.

Барча инглиз тилидан олинган атамалар ўзбек тилига мослашиш даражасига кўра иккита тенденцияга эга:

1) Инглизча атамаларнинг аксарияти ўзбекча сўзларнинг кўринишини эгаллайди;

2) Туризм соҳаси тилида кўплаб чет тиллари қўшимчалари мавжуд бўлиб, уларда сўзнинг бир қисми ёки бутун бир сўзнинг лотинча ёзилиши сақланиб қолади.

Ташқи шакл ва ички таркибдаги бу ўхшашлик терминологик байналмилаллашув тенденциясининг ўсиб бориши билан боғлиқдир. Россиялик олима Виноградова Людмила Валериевна ўзининг “Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах”[15] докторлик диссертациясида инглиз тили туризм терминологияси тарихига қуйдагича тўхталади.

Инглиз туризми тарихида инглиз терминологиясининг шаклланиш босқичларига мос келадиган тўрт босқич мавжуд.[16]

Биринчи босқич - туристик фаолият прототипи - қадимги даврлардан 19-асрнинг бошларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади, бунда инглизлар саёҳат қилишнинг асосий мотивлари савдо, зиёрат, даволаниш ва таълим бўлган. Инглиз тилида туризм терминологияси шакллана бошлади: транспорт воситалари, яшаш шароитлари умумий адабий тилнинг лексик бирликларининг кичик тўплами билан кўрсатилди: wagon, board, excursion, hotel, resort, route ва бошқалар.

Иккинчи босқич - оммавий туризм ривожланишининг бошланиши XIX асрни моддий-техника базаси, ишлаш усуллари ва туризмни бошқариш органлари пойдевори қамраб олади. Айнан шу асрда инглизча туризм ва сайёҳлик атамалари пайдо бўлади. 1841-йилда замонавий туризм асосчиси, инглиз Томас Кук биринчи сайёҳлик поездларига саёҳат уюштирди. Кук экскурсия бизнесида муваффақият қозонди ва 1851-йилда биринчи Томас Кук ва дастлабки сайёҳлик агентлиги очилди. Туризм саноатининг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, иккинчи босқичда туристик терминология ҳам фаол шаклланмоқда: ўрганилган атамаларнинг 45 фоизга яқини XIX асрда ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, уларнинг шаклланиши турли хил туристик хизматларга мувофиқ амалга оширилди: сайёҳлик агентлигининг воситачилик хизматлари (konduktor, bron), транспорт хизматлари (қатнов, Pullman автомобили, layner), турар жой (maitre d'hotel, bivouac, хона), овқатланиш хизматлари (a ¡a carte, d'hote стол, буфет), ўйин-кулги (сафари, аттракцион). Иккинчи босқичда инглиз терминологиясига чет тили атамалари фаол равишда киритилмоқда: Француз тилидан kupon, bivouak, maitre d'hotel), Немис (Baedeker), Швед (smorgasbord).

Инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишининг учинчи босқичи - оммавий конвеер туризм XX аср бошларида содир бўлган ва Иккинчи Жаҳон урушигача давом этган. Ушбу босқичда туризмнинг ривожланиши кўрсатилаётган хизматларнинг соддалиги, уларнинг тўплами стандарти билан тавсифланади. Ушбу босқични тавсифлаб, шуни таъкидлаш керакки, туризмнинг ривожланиши транспортнинг ривожланиши ва модернизацияси билан бир қаторда давом этди, шу билан туристик атамалар сайёҳларни транспорт хизматлари: ейркрафт, авианоситель, шаттл, ҳк. Бу даврда меҳмонхона бизнесининг ўсиши кузатилди, бу эса янги шартларни яратишга олиб келди - янги турар жой бинолари ва хоналарини белгилаш (motel, penthouse, dupleks), одамлар (меҳмонхонада resepsiyonist), хизмат турлари (bron).

Таъкидланишича, учинчи босқичнинг охирига келиб туризм соҳасининг концептуал аппарати асоси шаклланди.

Тўртинчи босқич - оммавий табақалаштирилган туризм Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин келиб чиққан ва шу кунгача давом этмоқда. Дифференциал туризм туристларнинг турли хил эҳтиёжлари ва қизиқишлари, туристик талабнинг юқори даражадаги ихтисослашган сегментларининг кўплиги, турли хил хизматлар ва туристик таклифнинг аниқ ихтисослашуви

билан ажралиб туради. Шу муносабат билан, туризмнинг инглизча терминологияси ихтисослашган туризм атамалари (агротуризм, фалокат сафари, носталжи сайёҳлик, танишиш сафари ва бошқалар) билан фаол равишда тўлдирила бошланганлиги қайд этилди.

50-60 йиллар - туристик инфратузилмани жадал яратиш даври, бу эса меҳмондўстлик (kondominyum, check-in, check-out, butik меҳмонхона), умумий овқатланиш (brunch, stend-up bufet) соҳасида янги атамаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Туроператорлар ва сайёҳлик агентликларининг воситачилик хизматлари (сув йиғиш майдони, сўнгги дақиқали саёҳат). Ушбу босқичда терминология тизимини тўлдиришнинг ўзига хос хусусияти - бу аллақачон ўрнатилган концептуал тузилишни акс эттирувчи композицион ва лотин номинацияларни фаол яратиш (тур раҳбари / туроператор / тур иштирокчиси). Бундай ҳолда, умумий иерархик муносабатлар энди шаклланмайди, балки тизим атамаси ичида мураккаблашади.

Терминлар илмий билимларни, илмий натижаларни қайд қилиш ва уларни тизимлаштириш билан бир қаторда жуда катта эвристик вазифани ҳам бажаради, яъни улар янги билимларни очишга ҳам кўмаклашади.[17]

Ўзбек тилида туризм терминологиясининг шаклланиши инглиз тилига қараганда бир оз бошқача йўл тутди. Бу, аввалambор, мамлакатимизда унинг ривожланишининг таниқли тарихий хусусиятлари туфайли туризмнинг иқтисодиёт соҳаси сифатида шаклланиши бироздан кейин бошланганлиги билан боғлиқ. Тиллар, уларнинг лексик таркиби, лексик бирликларнинг шаклланиш қоидалари, сўз бирикмаси таркибидаги ушбу лексик бирликларнинг "хатти-ҳаракатлари" ва уларнинг стилистик маълумотларнинг хусусиятлари маълум бир тиллар ўртасида фарқ қилади. Ушбу фарқлар табиий бўлиши муқаррар. Ахир тиллар ҳам яшайди. Маълум бир маданий жамият аъзоларининг ҳаётида, уларни акс эттириши, ўзгартириши ва такомиллаштириши ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Бу ҳам туристик атамалар эволюциясига хосдир. Бироқ, қачон ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат битта давлат билан чегараланиб қолмай, ўз тиллараро интеграцион фаолиятини бошлайди. Тил чегаралар бўйлаб ушбу бирликларнинг таржимасига алоҳида эҳтиёж бор. Таржима жараёнида лексик бирликлар энди турли маданий ва этник жиҳатларни ўз ичига олганлиги сабабли янада мураккаб кўп чегараланишлар ва янги шакллар ва янги маъноларга эга бўлади. Инглиз туризм терминологияси ушбу мураккаб жараённинг барчаси босқичларидан ўтган.

Туризм соҳаси атамаси бу бир неча асрлар давомида шаклланган ўзаро бир-бирига боғлиқ бирликларни ташкил этган тўпламидир. Диахроник таҳлил шуни аниқлашга имкон бердики, таққосланган тилларда туристик атамашуносликнинг ривожланиши ҳар хил йўллар билан амалга оширилган ва ҳозирги пайтда туризм соҳасининг инглизча терминологик тизими шаклланган[18] ўзбекча туризм терминологияси фонди эса шаклланаётган деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда туризм терминологиясига оид назарий асосларни ўрганиб қуйдагича фикр билдириш мумкин:

а)туризм терминологиясига оид тадқиқотлар асосан чоғиштириш асосида таҳлил қилинган бўлиб концептуал тузилиши ихтисослашув йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таснифланмайди;

б)ўзбек турзм терминологияси назарий асослари ҳали кенг ўрганилмаган тадқиқот объектидир;

д) туризмга оид атамаларнинг аксарияти жой номлари билан боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1.Заимствованная лексика в сфере туризма. [Электронный ресурс] – Режим доступа http://www.moluch.ru/archive/60/8878/

2.Шипулина, Г. И.Нормирование туристской лексики в современном русском языке.. дисс.канд.филол.наук. - Москва, 1981. - 186 с.

3.Дадабоев Г.А. Современная узбекская лексикография и терминология »модуль Т: .- Ташкент-2016. –В. 17-18.
4.Ўзбекистон Республикасида “Туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” https://lex.uz/docs/3077025
5.Ўзбекистон Республикасида “Туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” https://lex.uz/docs/-3137499
6.Норқулов Д.Ўзбекистонда сотсиал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми. иқтисод фан. д-ри дисс.- Тошкент.2018.
7.Рузиев Ш.Р. Ўзбекистон тарихий-маданий туризмни ривожлатиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллштириш. иқтисод фан. д-ри дисс.- Самарқанд.2019.
8.Эргашев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индстуриясини бошқарувининг маркетин стратегияси. иқтисод фан. д-ри дисс.- Самарқанд.2019.
9.Рўзиев С.С.Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг иатиқболлари. иқтисод фан. номзоди. Тошкент.2018.
10.Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш тенденсиялари" (Самарқанд вилояти мисолида). иқтисод фан. д-ри дисс.- Самарқанд. 2017.
11.Усманов М. Р.Ўзбекисстон туризмини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари.дис. ... геогр. фан. номзоди.- Самарқанд.2003.
12.Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. иқтисод фан. д-ри дисс.- Самарқанд.2012.
13.Л. П. Воронкова. История туризма и гостеприимства
https://fictionbook.ru/author/l_p_voronkova/istoriya_turizma_i_gostepriimstva/read_online.html
14.Соколова М. История туризма: Учеб. пособие. — М.: Мастерство, 2002. — 352 с.
15.Виноградова Л. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном
аспектах: Автореф. дисс. …канд.филол.наук. – Великий Новгород, 2011.
16. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2017. – Б.122. Қаранг. Великода 17. Т.Н.Когнитивно-эвиристический потентсиал термина / Вестник НГЛУ. Вип.12. – Нижний Новгород, 2010. – С.
17.Алексеева Л.М. Термин ва терминларни шакллантириш муаммолари: Махсус курс учун дарслик. Перм: Пермск нашриёти. давлат Университет, 1998. - 120 п. Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования: Учебное пособие по спецкурсу. Пермь: Изд-во Пермск. гос. ун-та, 1998. - 120 с.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Турсунова Мая Эркиновна
Фарғона давлат университети
рус филологияси кафедраси ўқитувчиси

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА СЛЕНГ – МУСТАҚИЛ ҲОДИСА СИФАТИДА

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-53

АННОТАЦИЯ

Бугунга кунга келиб, сленг замонавий тилшуносликнинг энг қизиқарли тил тизимларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақола тилшуносликда сленг каби ҳодисанинг мавжудлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ёритишга қаратилган. Таклиф қилинаётган мазкур илмий ишнинг вазифалари сленглар мавжудлигини аниқлаш, унинг мустақил тизим сифатида ишлашини ўрганиш, келиб чиқиши ва навларини аниқлашдан иборат. Мақолада сленг ишининг асосий мақсадлари тилда мустақил ҳодиса сифатида намоён бўлиши ва уни замонавий тилшуносликда алоҳида категория сифатида кўриб чиқиш назарда тутилган.

Таянч сўз ва иборалар: тилшунослик, тилнинг тизими, мустақил ҳодиса, сленг, жаргон, касбга доир сўзлар, аргон, тилнинг функцияси, лексик категориялар, лингвистик қарашлар;

Турсунова Мая Эркиновна
Преподаватель кафедры русская филология
Ферганского государственного университета

СЛЕНГ КАК САМОСТОЯТЕЛЬНОЕ ЯВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

АННОТАЦИЯ

В настоящее время сленг является одной из интереснейших языковых систем современной лингвистики. В данной работе предлагается освещение ряда проблем, связанных с существованием такого явления, как сленг. Задачи предложенной работы сводятся к определению сферы бытования сленга, исследованию функционирования его как системы, отслеживанию его истоков, разновидностей. В этой статье основные цели работы сленг – как явление в языке самостоятельное и его должно рассматривать в современном языкознании не иначе, как отдельную категорию.

Ключевые слова и выражения: языкознание, языковая система, самостоятельное явление, сленг, жаргон, профессионализмы, аргон, функционирования языка, лексические категория, лингвистические взгляды;

Tursunova Maya Erkinivna
Lecturer at the department of
Russian philology Fergana state university

SLANG AS AN INDEPENDENT PHENOMENON IN MODERN LINGUISTICS

ANNOTATION

Currently, slang is one of the most interesting language systems in modern linguistics. This paper offers coverage of a number of problems associated with the existence of such a phenomenon as slang. The tasks of the proposed work are reduced to defining the sphere of existence of slang, studying its functioning as a system, tracing its origins and varieties. In this article, the main goals of slang work are as an independent phenomenon in the language and it should be considered in modern linguistics as a separate category.

Keys words and expressions: linguistics, language system, independent phenomenon, slang, jargon, professionalisms, argon, language functioning, lexical category, linguistic views;

Introduction

Linguistic changes, and their speed in this case, are caused not by internal reasons, but by external ones, namely, social transformations and changes in the life of the Russian-speaking society. Before talking about modern language, one should recall its recent history. The twentieth century turned out to be extremely interesting not only for historians, but also for linguists. In fact, a sociolinguistic experiment, stunning in scale and results, was carried out on the Russian language.

Two major social upheavals - revolution and perestroika - affected not only the people, but also the language. Under the influence of what was happening, the Russian language itself changed, and, in addition, power was purposefully influencing it, because the language was its powerful tool. Changes in language, their social causes and consequences are one of the most interesting topics of modern science.

The language of the revolutionary era has been brilliantly described in hot pursuit by Russian and Western Slavists: SI. Kartsevsky, A.M. Selishchev, A. Mazon. But the Russian language of the following periods was much less fortunate. Only in the 60s was a serious study of the Russian language in Soviet society carried out. It was led by M.V. Panov. But at the end of the 80s and in the 90s, a stream of publications about the Russian language in the Soviet and post-Soviet eras poured in. Most of them are extremely unprofessional and their essence boils down to the fact that during the Soviet period the situation with the language was very bad, but “now” it is even worse.

Main part

So, it is not true that the Russian language in the Soviet era was clumsy, bureaucratic and incomprehensible. This was only one of its forms, namely Newspeak, but Newspeak could not be otherwise. Its structure was determined by its purpose. Already A. M. Selishchev formulated a key rule (referring, however, to the newspaper text): if he speaks incomprehensibly, it means that he is a Bolshevik. It must be said here that Newspeak was not something dead and unchanging. Stalin's and Brezhnev's newspeaks differ significantly from each other. In many respects, linguistic differences are determined by the functions of the language and the tasks of the “user”, that is, the authorities. Outright deception and brainwashing have been replaced by ritual and chattering.

In this sense, Orwellian Newspeak was written off, rather, from Stalin’s time. Epochs have changed, discourses have changed. Diglossia persisted, except that a certain expansion of Newspeak was outlined. The scope of its use was constantly expanding. The authorities imposed strict requirements on any public speech. The transition to “reading from a piece of paper” became almost mandatory.

The number of borrowings in any language is enormous, which is not always felt by the native speakers themselves. Language is an unusually stable system and is capable of “digesting” sufficiently alien phenomena that is, adapting them and making them, to one degree or another, our own. The degree of this adaptation is important, but it does not solve the problem either. So, words

like “coat” or “poet” have not been completely digested, but the Russian language has not been destroyed.

It can be said that often in the public consciousness a particular state of the language is evaluated, and it is usually the “bad” state of the language that is noted. Such criticism is caused, as a rule, by too rapid changes in the language and the resulting gap between the discourses of different generations.

In linguistics, there is no clear concept of slang. All vocabulary of a particular language is divided into literary and non-literary. Literary include:

1. book words;
2. standard colloquial words;
3. neutral words.

All this vocabulary used either in literature or in oral speech in an official setting. There is also non-literary vocabulary, we divide it into:

1. professionalism;
2. vulgarisms;
3. jargon;
4. slang

This part of the vocabulary is distinguished by its colloquial and informal nature.

Professionalisms are words used by small groups of people united by a particular profession.

Vulgarisms are harsh words usually not used by educated people in society, a special vocabulary used by people of lower social status: prisoners, drug dealers, homeless people, etc.

Jargons are words used by certain social or united common interests groups that carry a secret meaning incomprehensible to everyone.

Slangs are words used by certain social or common interest groups that carry a secret meaning incomprehensible to everyone.

Slang is words that are often viewed as violating the norms of the standard language. These are very expressive, ironic words used to refer to objects that are spoken about in everyday life. It should be noted that some scholarly jargon refers to slang, thus not distinguishing them as an independent group, and slang is defined as a special vocabulary used to communicate a group of people with common interests. The term “slang” itself, translated from English, means:

1. the speech of a socially or professionally isolated group as opposed to literary language;
2. a variant of colloquial speech that does not coincide with the norm of the literary language.

Slang consists of words and phraseological units that arose and were originally used in individual social groups, and reflects the holistic orientation of these groups. Having become commonly used, these words, in general, retain an emotional-evaluative character, although sometimes the “sign” of the evaluation changes.

However, one should not approach slang exclusively from the standpoint of a researcher-linguist, since language is not a static phenomenon, but a multifaceted one, and first of all - according to the way of expression (slang is present mainly in oral speech).

From the point of view of stylistics, jargon, slang or socialist is not a harmful parasitic growth on the body of the language that vulgarizes the speaker’s oral speech, but an organic and to some extent necessary part of this system.

Beregovskaya E.M. identifies more than 10 ways of forming functional units of slang, thereby confirming the thesis of the constant updating of the vocabulary of slang. In addition, she points out that the emergence of new vocabulary units occurs precisely in the capitals, and only then they move around the country. At the same time, her research notes that this movement takes on average 6 months, but due to scientific and technological progress and the emergence of more modern means of communication, the time of movement is significantly reduced.

Some researchers believe that the term “slang” is used in our country in two meanings: as a synonym for jargon (but in relation to English-speaking countries); as a set of slang words, slang meanings of well-known words, slang phrases belonging to different slangs by origin and which have become, if not common, then understandable to a fairly wide range of Russian speakers.

The authors of various slang dictionaries understand slang in this way. The jargons that have passed into the so-understood slang of their representatives do not part with their meanings. In this case, slang jargon can acquire a different meaning than in the source jargon. This is sometimes done with intermediary jargon. For example, obscurity in the prison camp jargon is ambiguous: "to pretend not to remember, to simulate unconsciousness", "to cheat during interrogation", and in youth jargon - "to speak unclear, to evade the answer", and now in common parlance - "to confuse, deceive". Slang is a feast of metaphors and expression.

The roof has gone - an expression born in one of the jargons and got into slang. None of our normative dictionaries showed it. The first to do this in 1992 was the "Explanatory Dictionary of the Russian Language" by Ozhegov and Shvedova and referred it to the colloquial style of the literary language. Over time, the metaphor of this expression fades. Slang refreshes her: the roof leaks, drives off, flies away. Metaphorical impulses emanating from this expression penetrate into his associative field, and now a psychiatrist is a "roofer", and psychiatric practice is "roofing work".

Slang is universal. Many features are related to Russian youth slang with all sorts of argot. This is, firstly, his depression: he is very critical, ironic about everything that is connected with the pressure of the state machine. Here one can feel a sharply expressed ideological moment – "systemic" slang from its very inception opposes itself not only to the older generation, but, above all, to the rotten through and through the official system.

The second feature that makes Russian youth slang related to all sorts of argot is its inflamed metaphor. B.D. Polivanov very aptly called argotic word-formation word-creation: "Here we really do not meet an individual invention of a single organizing device, but in the true sense of the word, a broad collective, and sometimes widely varied in terms of its methods, linguistic creativity."

The third feature is the dominance of the representative, not the communicative and, moreover, not the cryptolalic function. Youth slang is the password for all members of the reference group.

The fourth feature that characterizes Russian youth slang as a universal, a feature that connects it with other argons, and, especially, with student argons - French, German, Bulgarian and others, is its populist orientation. Youth slang is not just a way of creative expression, but also a tool for double disengagement. If the Lyudnik function is characteristic of a person in general, then a young person is all the more inherent in it...

Let's try to outline, at least approximately, a portrait of a typical slang speaker. Significant moments in the appearance and behavior of hippies are known: men have long hair (it is not for nothing that hippies call themselves "hairy"). Young people and girls wear a bag with documents – "ksivnik" around their necks, and a beaded bracelet – "fenku" on their arms, rock concerts. But there are very few real itinerant hippies who broke up with their parents and do not have specific occupations. The main part of slang speakers is "hippie" high school students and students.

In winter, they listen to lectures at the institute, take tests and exams, and in the summer, having drawn up a route in advance, set off with a flute and a guitar. They vote on the "track", but they immediately warn that they are students and they have no money. They pay for services with songs. In cities they spend the night at train stations. And if you're lucky, local "hippies" will give you the address of the "registration" - the apartment where you can stay. Sometimes up to 10 people "fit" into such an apartment. By the beginning of the school year, they return home.

Slang is more characterized by semantic humor. Most appreciated is the successful - sometimes gloomy and absurd - play on words. But what is the difference between youth slang and other types of slang?

Firstly, these words are used to communicate between people of the same age group. At the same time, they are used as synonyms for English words, differing from them in emotional coloring.

Secondly, youth slang is notable for its "fixation" on the realities of the world of the young. The slang names in question refer only to this world, thus separating it from everything else, and are often incomprehensible to people of other age categories. Thanks to the knowledge of such a special language, young people feel like members of a kind of closed community.

And, thirdly, among this vocabulary, quite vulgar words are not uncommon.

Slang doesn't stay constant. With the replacement of one fashionable phenomenon with another, old words are forgotten; new ones come to replace them. This process is proceeding very rapidly. If in any other slang a word can exist for tens of years, then in youth slang only over the past decade of rapid world progress an incredible number of words have appeared and gone down into history.

The development of this linguistic phenomenon and its spread among a large number of native speakers of the Russian language is conditioned by the introduction of "foreign language" into the life of modern society. And youth slang is beginning to be used not only by young people, but also by people who have absolutely nothing to do with them. Once one grandmother in a store said to another: "You see what HACKED apples they sell!" It seems that youth slang should become the object of close attention of linguists, because, as examples of other slang systems show, special vocabulary sometimes penetrates the literary language and is fixed there for many years.

Conclusion

This work reveals the essence of slang in modern linguistics. So, slang is multifunctional. First of all, it gives an ironic effect - already by the way of word formation, it is intended specifically for slang.

References:

1. Рубцова Е.А. Функциональные особенности сленгизмов молодежных печатных СМИ /1 Вестник РУ ДН, Серия «Вопросы образования: языки
специальность». № 5, 2008. - М.: Изд-во РУ ДН, 2008. - С. 83-87.
2. Рубцова Е.А. Молодежный сленг как противоречивое явление в современной лингвистике // Вестник РУ ДН, Серия (<Русский и иностранные языки и методика их преподаванию>. № 1, 2009. - М. : Изд-во РУ) {Н, 2009. - С. 19-
3. Игнатова О. В. Передача сленга в переводе романа Дж. Д. Сэлинджера «Над пропастью во ржи» [Электронный ресурс] // Самиздат [журнал]. Омск. URL:http://zhurnal.lib.ru/i/ignatowa_o/peredachaslengawperewoderomanaselindzhera.shtml
4. Кузнецова С. А. БТС русского язык». С.-П., 2000.
5. Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В. Н. Ярцева. М., 1990.
6. Орлова Н. О. Сленг vs жаргон: проблема дефиниции // Ярославский педагогический вестник. 2004.
7. Пеллих И. В. Молодежный сленг как социальная разновидность речи // Вестник Адыгейского государственного университета. 2008. Вып. 1.
8. Серебренников Б. А. Территориальная и социальная дифференциация языка // Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. М., 1970. С. 451-501.
9. Galperin I. R. Stylistics. M., 1992.
10. Harold Went worth and Stuart B. Fexner. Dictionary of American slang. N.Y., 1967.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Назарова Саида Ахмеджановна,
доцент, филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети,
Бухоро, Ўзбекистон
e.mail: nazarova0710@mail.ru

ТИББИЙ РЕКЛАМА МАТНИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-54

АННОТАЦИЯ

Мақолада реклама ва унинг алоҳида тури сифатида тиббий реклама матнининг лингвопрагматик таҳлили масаласи ёритилган. Тиббий рекламаларнинг кенг тарқалган кўринишлари – дори воситалари ва тиббий хизматга оид реклама матнлари тадқиқ объекти сифатида танланиб, прагмалингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Мазкур реклама матнларида адресант томонидан адресатларга таъсир ўтказиш, истеъмолчиларга тиббий хизмат ёки дори воситаларини таклиф қилиш, қизиқтириш ва харид қилишга даъват этиш вазифасига хосланган вербал воситалар, уларнинг прагматик маънолари аниқланган.

Калит сўзлар: реклама, матн, тиббий реклама, адресант, адресат, лингвопрагматика.

Назарова Саида Ахмеджановна,
доцент, кандидат филологических наук,
Бухарский государственный университет,
Бухара, Узбекистан
e.mail: nazarova0710@mail.ru

ПРАГМАТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА МЕДИЦИНСКОГО РЕКЛАМНОГО ТЕКСТА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается вопрос лингвопрагматического анализа текста медицинской рекламы как рекламы и ее особого вида. В качестве объекта исследования были выбраны общие проявления медицинской рекламы – рекламные тексты о лекарственных средствах и медицинских услугах, которые были проанализированы прагмалингвистически. Определены вербальные средства и прагматические значения текста медицинской рекламы, которые предназначены воздействовать адресантом на адресатов, заинтересовать и побуждать потребителей к приобретению предлагаемых медицинских служб или лекарственных препаратов.

Ключевые слова: реклама, текст, медицинская реклама, адресант, адресат, лингвопрагматика.

Nazarova Saida Akhmedjanovna,
Associate Professor, PhD in Philology
Bukhara state university,
Bukhara, Uzbekistan
e.mail: nazarova0710@mail.ru

LINGVOPRAGMATIC FEATURES OF MEDICAL ADVERTISING

ANNOTATION

The article covers the issue of linguistic analysis of the text of medical advertising as advertising and its particular type. Common manifestations of medical advertising – advertising texts on medicines and medical services are selected as the object of the study and analyzed pragmalinguistically. In these promotional texts, the verbal means inherent in the task of influencing the addressees by the addressee, offering medical services or medicines to consumers, attracting interest and encouraging them to purchase, their pragmatic meanings have been identified.

Keywords: advertising, text, medical advertising, addressee, addresser, lingvopragmatic.

Кириш. Рекламалар тўғрисида фикр юритилар экан, даставвал, реклама таърифи ва унинг турлари масаласини аниқлаштириш зарурати пайдо бўлади. Бу эса ўзбек тилшунослигида реклама лингвистикасига доир қандай илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги ва уларда мазкур масала юзасидан билдирилган муносабатларга эътиборни қаратади. Жумладан, тилшунос Б.Х.Абдуллаев "Дунё тилшунослигида реклама таснифи бўйича илк ҳаракатлар XX аср бошларида юзага келган бўлса-да, аммо ҳозирги кунгача рекламанинг ягона таснифи ва тан олинган таърифи мавжуд эмас", деб ҳисоблайди. Муаммонинг долзарблик даражаси унинг қуйидаги фикрларидан аёнлашади: "Шу давргача ягона хулосага келинмаганлиги сабабли реклама типологиясини тавсифлашда, асосан, стратегик белгилар ҳисобга олинмоқда. Реклама йўналиши, кўриниши, намойиш жойи ва яратилиш ҳолатини маҳсулот ишлаб чиқарувчи белгилайди. Рекламанинг қайси турини танлашни, албатта, молиявий ҳолат белгилайди. Бугунги кунда истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб тежамкор ва матн яратишнинг замонавий кўринишлари акс этган реклама нутқи жуда тез ривожланмоқдаки, амалий рекламашунослик ва унинг назарий тадқиқи орасидаги масофани қисқартириш анча оқсамоқда". [1, 5]

Асосий қисм.Ўзбек тилшунослигида реклама лингвистикаси анча навқирон соҳа, шу сабабдан реклама лингвистик объект сифатида тўлақонли талқинига эга эмас, айниқса, антрополингвистик парадигмадаги таҳлили етарли эмас, десак, янглишмаймиз. Зеро, юқоридаги иқтибослар манбаи ўлароқ "Ўзбек реклама лингвистикаси: назария ва амалиёт" номли диссертация соҳадаги илк қадам – махсус тадқиқот саналади. Мақсад бу тадқиқотни таърифлаш ёки баҳолаш эмас, балки миллий тилшунослигимизда рекламанинг лингвистик тадқиқ объекти сифатида ўрганилиши талабни қондирмаслигига урғу беришдир.

Айни замонда, профессор Ш.Шаҳобиддинованинг қуйидаги фикрлари ўринли деб ўйлаймиз. Ҳақиқатдан ҳам, "Ўзбек тилшунослигида кейинги даврда рекламалар, қонунчилик тилига бағишланган бир қатор тадқиқотлар пайдо бўлди."Тилшунослик ва табиий фанлар", "Компьютер лингвистикаси", "Математик лингвистика" фанлари олий ўқув юртлари филология йўналишлари ўқув режаларига (номунтазам) киритилди. Ушбу йўналишларда муайян тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ ушбу тадқиқотлар, балки шу соҳада дастлабки тажрибалардан бўлгани сабаблидир, умумий маълумотлар бериш ва жаҳон тилшунослигида мавжуд тажрибаларни ўзбек тилига татбиқ этишга уринишдан иборат бўлиб қолди". [11]

Шу билан бирга, Б.Х.Абдуллаев таъкидлаганидек, "ўзбек тили реклама матнининг коммуникатив-прагматик жиҳатларини ўрганиш долзарб ва истиқболли масалага айланганлиги, реклама матнининг лингвистик хусусиятлари энди-энди тадқиқ этилаётганлиги" айни ҳақиқатдир. [1, 5]

Агар рекламалар ўзбек халқининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий, ирфоний, маиший (в.б.) ҳаётига чуқур сингиб бориши баробарида орттирган хусусиятларини инобатга олсак, бу ишлаб чиқариш, фан ёки техника соҳаси бўладими, таълим ёхуд тарбия тизими бўладими қатъи назар, реклама билан бевосита алоқадор тизимларда интеграцион тадқиқотлар олиб борилиши ҳамда инсон ҳаётининг ҳар бир қиррасига оид рекламалар хусусида илмий-амалий ишлар бажарилишини тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, рекламалар инсон саломатлигига ҳам алоқадор бўлиб, реклама матнининг лингвистик таҳлилида инсон омили етакчилик қилганлиги боис рекламалар антрополингвистик парадигмада, айни чоқда, тиббиёт ва лингвистика кесишувида алоҳида тадқиқ қилиниши лозим. Мазкур ишда тиббий рекламаларнинг лингвистик хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш назарда тутилган. Шунга кўра, биринчи навбатда, рекламанинг таърифи ва тавсифи масаласига ойдинлик киритиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш турлари беҳад кўпайиб, рақобатни кучайтириши табиий ҳол. Чунки рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётидаги муносабатлар ривожланмайди. Ўз ўрнида, рақобат сифат учун курашни келтириб чиқаради. Истеъмолчилар талаб қилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни кўпроқ сотиш ва фойда олиш мақсади рақобатни кучайтиради. Аслида, бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи механизмни рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун реклама дастлаб иқтисодиёт, тижорат ва савдо-сотиқ билан алоқадор тармоқларда иқтисодий самарадорликка эришиш воситаси ўлароқ майдонга келган. Реклама ишлаб чиқарувчи ва харидорни боғлаб турган восита сифатида ташқи, зоҳирий белгиларга эга. Бу муносабатлардаги ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришлар рекламада ўз ифодасини топади. Шу сабабдан реклама жамият ҳаётига ўтган асрда кириб келган ва XXI асрда шу қадар салмоқли ўрин эгалладики, реклама кириб бормаган бирор соҳа қолмаган.

Реклама атамаси лотинча «reclamare» сўзидан олинган бўлиб, “қаттиқ қичқирмоқ ёки хабар қилмоқ” сўзидан келиб чиққан.(Қадимги Юнонистон ва Римда эълонлар қаттиқ қичқириб эълон қилинар ёки халқ тўпланадиган майдонлар ва бошқа жойларда ўқиб бериларди.) [3, 8] Таъкидлаш жоизки, реклама сўзи бақирмоқ, чақирмоқ маъноларини англатиши кўплаб тадқиқотчи ва мутахассислар томонидан эътироф этилади. Рекламанинг дастлабки кўриниши оғзаки бўлганлиги, яъни жар солиш, чорлаш, жалб қилишдан иборатлиги маълум. Жумладан, қадимий Шарқда, Ўрта Осиё ҳудудида реклама, асосан, оғзаки кўринишда, бозорларда шаклланган. [6] Шарқ бозорларида “Об қолинг, кеб қолинг!”, “Олганлар дармонда, олмаганлар армонда!” каби вербал воситаларнинг фаол қўлланилганлиги аждодларимиз рекламадан фойдаланганликларини далиллай олади.

Т.Эшбеков “Реклама лотинча сўз бўлиб, “қичқираман, жар соламан” деган маъноларни англатади. Кенгроқ маънода эса турли йўллар билан оммавий суратда эълон қилиш, билдириш, ҳамманинг диққатини тортиш учун қилинган саъй-ҳаракатдир”, дея таърифлайди. [12] Муаллиф “Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот” эканлигини ҳам қайд этади. Шунингдек, “реклама берувчи – рекламани тайёрлаш ва тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс; реклама тайёрловчи – реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс; реклама тарқатувчи – реклама воситалари орқали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс; рекламадан фойдаланувчи – реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гуруҳи; реклама воситалари – рекламани ундан фойдаланувчига етказиш учун ишлатиладиган воситалар; маҳсулот – товарлар, ишлар, хизматлар” [12] ҳақида маълумот беради. Табиийки, бу маълумотлар реклама тавсифини тўлдириб, у билан алоқадор бошқа таянч тушунчалар мавжудлиги ҳамда уларсиз реклама ҳосил бўлмаслигини уқтиради.

Рекламага таърифни аксарият ҳолда маркетологлар беришган. Хусусан, машҳур маркетолог Филип Котлер рекламани шундай таърифлайди: “Реклама коммуникациянинг шахсан бўлмаган шаклларидан бўлиб, у маблағ билан таъминлаш манбаи аниқ кўрсатилган ҳолда, ҳақ тўланадиган ахборот тарқатиш воситалари орқали амалга оширилади”. [3,8]

Психолингвистларнинг таърифича, “Реклама – бу харидор ва истеъмолчиларга маҳсулотнинг сифати, инсон организми учун фойдали томони ва кўплаб ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳақида ахборот етказувчи воситадир”. [7, 13]

Бундан ташқари, “реклама – бу таниқли реклама берувчилар томонидан турли реклама воситалари ёрдамида одатда ҳақ тўланадиган ва маҳсулотлар, хизматлар ёки ғоялар ҳақида ишонтириш ҳаракатларига эга бўлган ахборотни бевосита ва билвосита тарқатиш” [12] деб изоҳланса, бошқа манбада реклама “талабгор (ишлаб чиқарувчи ёки хизмат таклиф қилувчи) томонидан истеъмолчиларга муайян маҳсулот, шахс, ғоя ёки хизмат кўрсатиш, уларнинг қулайлик ва афзалликлари ҳақида бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида хабар, тавсия бериш, намойиш қилишдир” [1,11], дея таърифланади.

Шундай бўлса ҳам, реклама ўз вазифасини ўзгартирмаган, қайд этиш керак: у ҳамон ахборот бериши ва кишилик жамиятини ишонтиришига инсоният тарихи гувоҳлик беради. Реклама қандай вазифа бажариши эса Т.Эшбеков кўрсатиб ўтган беш асосий вазифа, яъни: 1) маркетинг (бозор) вазифаси; 2) коммуникатив (информацион) вазифа; 3) маърифий вазифа; 4) иқтисодий вазифа; 5) ижтимоий вазифа орқали ойдинлашади. [12]

Рекламанинг лингвистик объект сифатида ўрганишга асос бўладиган жиҳати унинг бевосита ахборот билан боғлиқлигидир. Негаки, ҳар бир реклама мазмунида муайян ахборот ёки маълумот акс этади. Ахборот ташиш ёки етказиш, ахборот билан таъминлаш, умуман, ахборот алмашиш жараёни коммуникация моҳиятини ташкил этса, бунда тил асосий воситага айланади. Зеро, бунда тилнинг коммуникатив вазифаси яққол намоён бўлади. Реклама ахборот ташишнинг бир усули ёки шакли ўлароқ сотиш ва харид қилиш, фойдаланиш ва истеъмол қилиш мақсадларига бўйсундирилган даъватни ифодаловчи лисоний бирликларга эҳтиёж сезади. Тилнинг ҳар қандай воқеланишлари – нутқ шакли ва услубларида кузатилганидек [7;9], рекламада табиий тилнинг етказилажак ахборотга мос бирликлари ва лисоний имкониятлари танланиб истифода этилади.

Тил бирликлари ва уларга хос лисоний – лексик-семантик, морфологик ва, айниқса, синтактик имкониятлар [7;8], табиийки, нутқнинг исталган шаклида, шу жумладан, реклама матнида ҳам воқелашади. Реклама матни матннинг бир тури сифатида тадқиқ объекти саналиши алоҳида исбот талаб қилмайди. Аммо реклама матни нимадан иборатлигини аниқлаш муҳим. Бунга матн тушунчасини изоҳламай, матнга хос хусусиятларни очиқламай эришиб бўлмаслиги боис бу масалага оид айрим қарашлар ва фикр-мулоҳазаларга ўрин ажратдик.

Профессор Э.Қиличев “Матннинг линвистик таҳлили” китобида матнни “ҳамма элементлари ўзаро зич алоқада бўлган ва автор нуқтаи назаридан маълум бир мақсадга йўналтирилган номинатив-эстетик ахборотни ифодаловчи мураккаб тузилма” [13,6-7], деб таърифлайди.Рус тилшуноси И.Р.Галперин нуқтаи назарига кўра, матн 1) маълумот бериш; 2) бўлинувчанлик; 3) когезия (ички алоқалар тизими); 4) континиум (вақт ва макон изчиллиги); 5) қисмлар автосемантияси; 6) ретроспекция ва проспекция; 7) модаллик; 8) яхлитлик ва тугалланганлик категорияларига эга.

Нутқнинг ёзма шакли матн атамаси ифодалайдиган мазмунга мувофиқ келади. Нутқ субъектдан адресатга йўналтирувчи нутқий фаолият ҳисобланади. Матн фақат объектив ахборотдан иборат бўлмай, балки ўзига прагматик мазмунни ҳам қамраб олган нутқнинг моддий кўринишидир. Матнда шахс билан муаллиф орасидаги боғланиш яққол сезилади. Матнни ташкил этувчи синтактик бирликлар етакчи мазмунни шакллантириши, фикрни ифодалаши ва тингловчига етказиб бериши, маълум бир боғланишли ахборотга эга бўлиши муҳимдир.

Матн муайян фикр тугаллигига эга бўлиш, етказилаётган ахборотни воқелик билан боғлаш, кичик бир детал орқали муносабатни ифодалаш, ҳиссий таъсирчан воситалар билан ўқувчи (тингловчи, қабул қилувчи, адресат)га таъсир қилиш, муайян ҳодисага ишора қилиш каби хусусиятларга эга. Шунингдек, кўплаб тил ҳодисаларини ўз ичига қамраб олади. Матн мураккаб структура ва ички боғланишга эгалиги билан тилнинг бошқа бирликларидан фарқланади. Матн гаплар ва уларнинг мазмунан кетма-кет боғланишидан ҳосил бўладиган синтактик бутунликдир. Матндаги фикр тугаллиги, мазмун ифодасининг кенглиги ахборот(маълумот)ни гапга нисбатан батафсилроқ етказиб бериш хусусиятини кўрсатади.

Матн ва гап бир-бирига тенг келиши ҳам, шу билан бирга, матн бирдан ортиқ синтактик бирликлар йиғиндисидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Таркибидаги нисбий мустақил гаплар – компонентлар мазмунан умумий бир темани ифодалашга хизмат қилади. У қуйидаги композицион қисмларга ажралади: 1) бошланма; 2) мавзу изоҳи; 3) тугалланма.

Матннинг асосий вазифаси коммуникативликдир. Коммуникативлик тил бирликларининг синтагматик муносабати асосида юзага чиқади. Матн хусусидаги мулоҳазаларимиз матн лингвистикаси бўйича тадқиқот олиб борган услубшунос олим А.Мамажонов [5,17-18] қарашлари билан муштарак хулосаларда умумлашади: 1) матн, энг аввало, нутқ шакли, у оғзаки ва ёзма шаклда ифода этилади; 2) у шахс, предмет, нарса, ҳодиса, белги-хусусият, ҳолат, ҳаракат, жараёнлар ҳақида маълумот ва хабарлар мажмуидир; 3) матн – мазмуний ва композицион тугалликка эга йирик синтактик структура; 4) у муаллифнинг индивидуал нутқи; 5) матн шахс(матн муаллифи ёки ижодкори)нинг воқеликка турли муносабати ва субъектив баҳосини акс эттиради; 6) у таҳлил қилишга тавсия қилинган қўл ёзма, нашр этилган асар ёки унинг таркибий қисм(фрагмент)лари; 7) матн – мазмунан ва синтагматик боғланган бир неча содда ёки қўшма гаплар йиғиндиси.

Аён бўладики, матн семантик-стилистик ва синтактик бутунлик сифатида шаклланган мураккаб табиатли тил ҳодисасидир. Умуман, матн нутқий фаолият маҳсули бўлиб, тугалланган, ёзма шаклда мавжуд бўлган, услубий шаклланган, суперфразали бирликлардан тузилган, лексик, грамматик, мантиқий, услубий жиҳатлардан боғланган, аниқ мақсадли ва прагматик қурилмали нутқий асардир.

Рекламада ифодаланган ахборот ёки маълумот матн шаклида бўлиши шубҳасиз, демак, реклама матни ҳам матннинг бир кўриниши саналади. Башарти реклама ахборотида истеъмолчиларга таъсир ўтказиш орқали муайян ишлаб чиқариш, саноат ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини харид қилиш, ижтимоий, иқтисодий, маданий, илмий, технологик, таълим ва тарбиявий, маиший аҳамиятдаги ғоялар ҳамда хизмат кўрсатиш турларидан фойдаланишга даъват ифодаланар экан, бу вербал ва новербал воситалардан иборат матн кўринишида гавдаланади. Зеро, “Реклама ахборотининг мақсади – аудиторияни бошқариш, унга таъсир ўтказиш, муайян ҳаракатни (харид қилиш, мурожаат қилиш, иштирок этиш ва ҳоказони) амалга оширишга даъват қилиш”дан ҳамда “истеъмолчига таъсир ўтказиш структураси уч – когнитив, ҳиссий (эмоционал), хулқий компонентдан иборат”, деб ҳисоблайди Е.А.Кудисова. [4, 229]

Б.Х.Абдуллаев реклама матнининг ўзига хос шакллари хусусида баҳс юритганда “оммавий ахборот воситалари бошқа маълумотлар сингари реклама маҳсулотини газета, журнал, телевизион дастур, радиоэшиттиришларда тўлиқ форматли оммавий ахборот кўринишида тарқатишга ўз ҳиссасини қўшиши”ни, энг асосийси, “кўп қиррали медиаматн концепциясини ўрганиш жуда муҳим”лигини таъкидлайди. Тадқиқотчининг фикрича, “Барча вербал ва новербал компонентлар: овоз, графика, тасвир, оҳанг ва бошқалар йиғиндисини ҳам ўз ичига олади, уларнинг аниқ тўплами медиа реклама воситасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Медиаматн яратишда креоллашув жараёни юзага келади ва бу билан ҳар қандай реклама матни оғзаки-график ёки аудио-визуал тимсолларнинг яхлитлигида реклама сифатида қабул қилинади”. [1, 13-14]

Т.Эшбеков реклама ёки ижодий стратегия тўрт унсурдан иборатлигини қайд этади. Булар: 1) мақсадли аудитория; 2) маҳсулот концепцияси; 3) ахборот тарқатиш воситалари; 4) мурожаат стратегияси. Унингча, “мурожаат стратегияси компания нимани ва қандай йўсинда маълум қилмоқчи эканлиги билан белгиланади. Бу фикрни тарқатиш билан боғлиқ вазифа мазкур билдиришни тасаввур этиш учун, содда, қизиқарли, информатив, кўнгилочар, хуш ёқадиган, фойдали хусусиятларга эга бўлган, сўзли ва сўзсиз усулни ишлаб чиқишдир. Реклама матнини тўғри ёзиш учун, аввало, мурожаат стратегиясини ишлаб чиқиш зарур”. [12]

Шу билан бирга, Т.Эшбеков реклама матнининг шаклланишига доир муҳим жиҳатларга эътиборни қаратади. Бу жиҳатларни ўқув қўлланмасидаги “Реклама матнини ёзиш санъати. Реклама матнининг тили ва услуби” мавзуси остида баён этган: “Матн – асосий реклама эълонида акс этиши лозим бўлган энг муҳим аспектларни ёзма равишда ифодалаган бўлиши

даркор. Яъни, “Потенциал харидор ким бўлиши мумкин?” деган саволга жавобни билиш зарур. Демографик, психологик ва феъл-атвори нуқтаи назардан уни қанчалик батафсил тасвирлаш мумкин? Ва ниҳоят, потенциал харидорнинг шахси қанақа? Айни пайтда, матнда рационаллик ва эмоционаллик уйғун бўлиши керак. Шундан сўнг товарнинг харидор истеъмол талабини қондиришга йўналган хусусиятларини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Товарнинг фойдали эканлигини қандай қилиб тасдиқлаш мумкин? Бозорда у қандай ўрин тутади? Мазкур товар ўзида нимани ифода этган ёки этиши мумкин? Ва сўнгги аспект реклама матнида қандай усулни, ёндашишни, оҳангни қўллаган маъқул? Умуман олганда, эълонда гап нима ҳақида боради? Ушбу саволларга топилган умумий жавобларнинг айнан ўзи реклама матнининг асоси ҳисобланади. Матн тузиш пайтида бадиий безаш, техник ижро каби сўзсиз воситаларга эътиборни қаратиш кейинги жараёндир”. [12]

Одатда, реклама матни кўп такрорланиб, истеъмолчилар онги ва хотирасида чуқур жойлашади. Б.Х.Абдуллаев реклама матнида инсон руҳиятига хос хусусиятлар кўзланган мақсадга тезроқ эриштиришга ёрдам беришини америкалик реклама берувчи Элмер Люис томонидан таклиф этилган АИДА (инглизча AIDA – Attention – диққат, Interest – қизиқиш, Desire – истак, Action – ҳаракат) реклама модели орқали изоҳлайди. [1,14] Ушбу модел рекламанинг психологик таъсирини босқичма-босқич акс эттиради: эътиборни жалб қилиш – қизиқиш уйғотиш – маҳсулот ёки хизмат ҳақида аниқ далиллар бериш – қарор қабул қилиш – харид қилиш. Муаллифга ҳамфикрлик асосида реклама матнлари антропоцентризмга асосланишини эътироф этамиз, зеро, ҳар қандай матнда инсон эҳтиёжлари назарда тутилади.

Реклама матнини лингвистик ва экстралингвистик омиллар бирлашиб, ижобий прагматик мақсад амалга ошириладиган график жиҳатдан тўлиқ матн бирлиги сифатида англаш мумкин. Истеъмолчининг ёши, жинси ва дунёқарашига кўра жалб қилиш хусусияти ҳисобга олиниб, реклама маҳсулотлари матнларида вербал ва новербал элементлар қўлланади. Бундай матнлар креоллашган ёки креолитик матн дейилади. Креолитик матн тушунчаси 1990 йилда Ю.А.Сорокин ва Э.Ф.Тарасовлар томонидан киритилган. [1;12]

Реклама матнида асосий маълумотларни етказиш учун тузилиш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган компонентлар қуйидагилар: а) сарлавҳа реклама маҳсулотининг асосий компонентларидан бири бўлиб, истеъмолчи диққатини тортиш, жалб қилиш учун асосий қисмнинг қисқача мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Кўпчилик истеъмолчилар реклама сарлавҳаси орқали таҳлил қилади ва матн мазмунини англаб олади; б) ктематоним (юнонча ктема – “мулк” + онима “ном”) – савдо белгисининг оғзаки компоненти. Ана шу савдо белгиси кўрсатилган ктематоним истеъмолчилар онгида шаклланиши осон бўлади ва рекламада ўз вазифасини аъло даражада бажаради. Шахс рекламасида исмларнинг ўзи ҳам ктематоним ҳисобланади; в) слоган (реклама шиори, лозунг) – қисқача мазмун ва реклама маҳсулотининг аниқ ифодаси сифатида аниқ, осон ғоя тузилади ва идрок қилинади. (“Билайн”– ҳаётнинг ёркин тарафида бўл!, “САИФ-оптима”– дунё кўз ўнгингизда янгиланади”, “Wелла!”Соғлиқ сувга боғлиқ!); г) асосий (шарҳловчи) қисм барча зарур маълумотларни истеъмолчига етказади. Реклама қилинаётган маҳсулотнинг функционал имкониятларини қисқа ва ифодали услубда ифодалашни назарда тутади. 1-2 та динамик жумлада баён қилинади; д) хулоса қисми компания ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади: бизнес манзили, харитадаги ўрни, алоқа рақамлари, веб-сайт ва электрон почта манзили, лицензия (компаниянинг бу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар) сертификат ва акциялар. [1,16]

Реклама ахбороти иштирокчилар, тил, хабар ва хабарга жавоб реакцияси мавжуд муайян коммуникатив жараён сифатида намоён бўлади. Реклама берувчи потенциал харидор хулқ-атворида муайян ўзгаришни шакллантириши лозим. Бунда реклама ахборотининг таъсир ўтказиш вазифаси асосий ўрин эгаллайди. Е.И. Панарина реклама матнига эътиборни айнан сарлавҳа қаратишини таъкидлайди. Унингча, “Сарлавҳа харидорга ўзига хос йўлланма бўлиб, таъсири кучли ва мазмуни аниқ бўлиши керак. Сарлавҳанинг мақсади асосий матнни ўқиш (кўриш)га мажбурлашдир.[10,15]

Масалан,“цинарикс” дори воситаси рекламаси “Цинарикс – Сиз менга соғлом кераксиз” жумласидан иборат. Рекламадаги ахборот биргина жумла орқали адресатни мазкур дорини

харид қилишга ундайди. Матнда вербал восита реклама қилинаётган дори номи (цинарикс) ва унинг вазифаси, яъни соғликни тиклаш хусусиятини оҳангдошлик ҳосил қилиш асосида шаклланганки, бу адресант мақсадини таъсирчан ифодаланишига хизмат қилади. Адресатни мазкур доридан фойдаланишга қизиқишини оширади. (1-расм)

“Цинарикс – Сиз менга соғлом кераксиз”

Айни пайтда, реклама сарлавҳалари нафақат гап кўринишларида, балки сўз бирикмалари шаклида ифодаланишини ҳам қайд этиш лозим. Чунки сўз бирикмаси айнан вазифасига кўра номинатив тизимга мансуб тил бирликлари сирасида алоҳида ўрин эгаллайди, луғавий бирликлар – лексема, ибора сингари аташ ва номлашга хизмат қилади.[8] Борлиқдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, белгини номлаш ва тушунча ифодалаш хусусияти нутқий жараёнда сўз бирикмаси кўринишларида ҳам юзага чиқиши мумкин. Сўз бирикмаси борлиқдаги барча – нарса-ҳодиса, мавжудот орасидаги турли муносабатлар (объект ва ҳаракат, субъект ва объект, белги ва ҳаракат, белги ва объект, белги ва субъект)ни сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларида намоён этади.[7] Шу боис реклама матнлари ёхуд сарлавҳаларини шакллантиришда сўз бирикмаси ва унинг турлари вербал воситалар танловида иштирок этади.

Чунончи, қуйидаги реклама матнларида сўз бирикмаси лисоний воситалар ранг-баранглигидан фойдаланиш имкониятини берган: Янги, инновацион **Oson Apteka** лойиҳасида дорихоналардаги барча жараёнлар – маҳсулот қабул қилишдан тортиб, уни мижозга сотиш, дорининг сертификати, яроқлилик муддатидан тортиб, мавжуд захиралар назоратигача тўлиқ автоматлаштирилган… Юртимизда фаолият олиб бораётган дорихона тармоқлари **Oson Apteka** билан ҳамкорлик қилишлари мумкин. [14] Матнда Oson Apteka атамаси структур жиҳатдан белги-предмет маъноли сўз бирикмаси, лойиҳа номини изоҳлаш мақсадида қўлланганда эса Oson Apteka лойиҳаси тур-жинс маъноли сўз бирикмаси шаклида ифодаланган. [7]

Бундан ташқари, кислород концентраторлари расмий етказувчиси “S.A.Med Holding” МЧЖ томонидан махсус акция рекламасида “– ультразамонавий дизайн; – юқори самарадорлик; – махсус ўрнатилган дори ингалятори ва ингаляция тўплами мавжудлиги; – уй шароитида ва профессионал ишлатиш учун ихчам кислород концентратори” [15] тиббий ускунани харид қилишга қизиқтириш ва ундаш учун алоҳида таъкидлаб ўтилган афзалликлар бўлиб, уларнинг сўз бирикмаси турлари асосида шаклланганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Яна бир реклама сарлавҳасидан саломатлик мавзуси англашилади: “Ҳомилангиз соғлиғи шубҳа остидами?” Бу гал тиббий рекламадаги ахборот гендер белгиси билан фарқланувчи социал қатламга, аниқроғи, аёллар аудиториясига қаратилади. Адресант, яъни реклама берувчи – рекламани тайёрлаш ва тарқатиш учун буюртмачи шахс ҳамда реклама тайёрловчи шахс маҳсулот ёки хизматни таклиф қилар экан, аёл адресатлар орасидан ҳомиладор аёлларни нишонга олади. Бу сарлавҳаданоқ маълум бўлади: ҳомила ривожланишида муаммоларга дуч келган аёллар – бўлғуси оналар диққатини тортувчи сўроқ гапда (“Ҳомилангиз соғлиғи шубҳа остидами?”) муаммоларни аниқлаш ва ечим топиш учун

янгича усул мавжудлиги ҳақида хабар ва ундан фойдаланишга чақириқ мазмуни ифодаланган. Рекламадаги новербал воситалар ҳам зарур маълумотларни етказишга ёрдам беради.(2-расмга қаранг.) Рамзий белги, расм, слоган, рақамлар рекламадаги асосий маълумот истеъмолчи тафаккуридаги когнитив жараёнга тезда таъсир қилиб, таклиф этилаётган хизмат моҳияти қисқа, аниқ ва тушунарли бўлишига хизмат қилган. GENOTEXNOLOGIYA ктематоним сифатида рекламанинг асосий матнига олиб киради. Адресатларга Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, ҳомиланинг илк давриданоқ туғма нуқсон ва ирсий касалликларни қон таҳлили ёрдамида текширишнинг инновацион методи йўлга қўйилганлиги, шу ном билан аталувчи лабораторияда ҳомиланинг 11-12 ҳафтасиданоқ эмбриондаги патологик ўзгаришларни аниқлаш имкони мавжудлиги ҳақида хабарни ўқишга йўналтиради.

(2-расм)

Ҳомилангиз соғлиғи шубҳа остидами?

Маълум бўладики, тиббий реклама матнида аёллар касалликлари, ҳомиладорлик ва ҳомила ривожланишига оид маълумот тиббий лаборатория, қон таҳлили, текшириш методи, эмбрион, ҳомила, ҳомиланинг ривожланиш ҳафтаси, туғма нуқсон, ирсий касалликлар, патологик ўзгаришлар ва уларни аниқлаш каби тиббий атама ва иборалар орқали шакллантирилган. Мазкур рекламанинг тиббий характерини айни соҳа лексикаси ва услубига хосланиши белгилайди. Бунда тиббиёт мутахассисларигагина тушунарли бўлиб, кенг истеъмолчилар учун мавҳум атама ва иборалар қўлланмаганлигига эътибор бериш лозим. Зеро, рекламадан мақсад ахборот адресатларга ҳеч бир тўсиқсиз етиб бориши бўлиб, адресант ифода услубида тиббиёт тилининг оммабоплигига таянган. Тиббий реклама матни буни яққол далиллайди: маълумот икки хабар, таништириш мазмунидаги жумлада баён қилинган; хулоса қисмида алоқа рақами, манзил ва мўлжал ҳам инобатга олинган. Матн:

Ҳомилангиз соғлиғи шубҳа остидами?

GENOTEXNOLOGIYA лабораториясида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, ҳомиланинг илк давриданоқ туғма нуқсон ва ирсий касалликлар мавжудлигини қон таҳлили ёрдамида текширишнинг инновацион методи йўлга қўйилди. GENOTEXNOLOGIYA лабораториясида ҳомиланинг 11-12 ҳафтасиданоқ эмбриондаги патологик ўзгаришларни аниқлаш имкони мавжуд.

“Дори воситалари рекламасининг замонавий усуллари” ўқув-услубий кўрсатмасида (Т.,2009) “дори воситалари рекламасига ўзига хос фан” сифатида қаралади. “Дори воситалари рекламаси мутахассислар ва аҳолининг ахборотга бўлган эхтиёжи, ишлаб чиқарувчи фирмалар ва дистрибьютерларнинг тижоратга оид қизиқишлари билан чамбарчас боғлиқ”лиги, “Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асос бўлиши” билан изоҳланади.[2,10] Муҳим жиҳати, “Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни фақатгина шифокор рецептисиз бериладиган дори воситаларини оммавий ахборот воситалари орқали узатилишига рухсат этади. Шифокор рецепти асосида бериладиган дори воситалари

рекламаси фақат мутахассисларга мўлжалланган босма нашрлар, илмий анжуманлар, кўргазмалар, семинарлар ва бошқаларда рухсат этилади", деб қайд қилинади. Шунингдек, "Рекламада дори воситалари ҳақидаги фармакологик маълумотлар, давлат стандарти талабларига мослиги ва дори воситасининг клиник синовлардан ўтганлиги ҳақида маълумот берилиши керак"лиги; "Рецепт асосида бериладиган дори воситалари фақат дори воситасини тарқатишда ва ташхис қўйишга рухсат этилганлар ва мутахассислар ўртасида бўлиши мумкин ҳамда маълумот ахборот маркази орқали махсус нашрлар, анжуаманлар, кўргазмаларда реклама қилиниши мумкин"лиги; "Дори воситалари рекламаси дори воситасининг ҳалқаро фармакологик ва тўлиқ номи; ишлаб чиқарувчининг номи; қўллаш учун махсус кўрсатмаларни ўз ичига олиши зарур"лиги каби жиҳатларга эътиборни қаратади. [2,10]

Демак, дори воситаларининг оммавий рекламасида ҳам чекланишлар мавжудлиги, дори-дармонларнинг ҳар қандай тури ҳам кенг жамоатчилик орасида реклама қилинмаслигини назарда тутиш лозим. Дориларнинг ҳалқаро фармакологик ва тўлиқ номи, ишлаб чиқарувчи номи, қўллаш учун махсус кўрсатмалар бериш талаби реклама матнининг асосий қисмини шакллантирувчи вербал воситалар орқали амалга оширилади. Масалан, телевидения орқали оммалашиб бораётган "СептаНазал", "Септолете", "Креон" каби дорилар рекламасида бу маълумотлар тасвир, овоз, ҳаракат, ранг билан кучайтирилиб, адресатлар диққатини тортиш, дори воситаларни харид қилишга ундаш, улардан фойдаланишга даъват мазмунига эга жумлалар орқали етказилмоқда. Чунончи, "СептаНазал" рекламасида "Бурнингиз – ноёб анжом", "Септолете" рекламасида "Сенинг томоғинг – сенинг кучинг", "Креон" рекламасида "Сизнинг ҳазм муаммонгиз ечими" каби вербал бирликлар истеъмолчилар диққатини қаратиш баробарида адресатларни муайян ҳаракатга чорлаш вазифаси учун танланган.

Шунинг учун бу вербал воситалар адресатни таъсирлантириб, шу маҳсулотларни олишга ундаши лозим. Бу билан реклама матнига хос даъват, ундаш, ҳаракатга чорлаш мазмунини кучайтиради. Демак, прагматик вазифа бажариб, реклама услубини шакллантиради. Аммо бурунга нисбатан "ноёб анжом" бирикмасининг қўлланилиши ножоиз. Нафас олиш аъзоси сифатида муҳим қирраси маромига етказиб таърифланса ёки мантиқан мос метафорик ифода топилса эди, ахборотни қабул қилувчи таъбини хира қилмас, аксинча, бадиий эстетик завқ бағишлаган бўларди. Ҳолбуки, бурунни анжомга тенглаштириш кўзланган мақсадга яқинлаштирмайди.

Бироқ "Сенинг томоғинг – сенинг кучинг" жумласидаги қатъият (мазмуни) адресатга кўпроқ ва кучлироқ таъсир қилади. Сабаби, ўзбек тили синтактик меъёрларига мувофиқ шаклланган икки таркибли содда гап матнда адресант мақсадини аниқ ифодалайди. Бундай синтактик бирликлар (қурилмалар) дори воситаларини таклиф қилишнинг энг қулай йўли – адресатларни дори воситасидан фойдаланишга ишонтириш вазифасини уларнинг руҳиятига таъсир этиш оқибатида амалга оширади.

Б.Х.Абдуллаевнинг қуйидаги фикри таҳлилимизга далил қўшади: "Реклама матнида шундай прагматик ёндашишлар мавжудки, матндаги мурожаат ёки таклиф маҳсулотга эмас, балки тўғридан-тўғри қабул қилувчига қаратилган бўлиб, яқинлик ҳисси билан унинг ички туйғуларига таъсир қилади ва истеъмолчида кўпроқ ишонч ҳосил бўлади."Бионур" клиникаси – сизнинг соғлигингиз ҳақида биз қайғурамиз" [1, 18].

"Сизнинг ҳазм муаммонгиз ечими" тугалланмаган бўлса ҳам, дори воситасининг асосий хусусиятини англашга тўсқинлик қилмайди. Айниқса, бу вербал воситанинг "Креон" атамаси билан ёнма-ён туриши прагматик вазиятга кўра шаклланиб, реклама матнига хосланганлигидан дарак беради.

Хулоса. Мавзу доирасида баён этилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлил натижасидан аён бўладики, биринчидан, тиббий реклама, умуман, ҳар қандай реклама тилига хос асосий хусусиятлар ахборот бериш ва ишонтиришдан иборат. Иккинчидан, ахборот бериш ва ишонтириш тилнинг амалий фаолиятида юз берадиган, адресант ва адресат муносабатида фаоллашадиган нутқий ҳаракатлар бўлиб, реклама тилининг коммуникатив вазифаси орқали намоён бўлади. Учинчидан, реклама матни қайси тилда ифодаланишидан қатъи назар, адабий тил меъёрларига мос бўлиши, ахборот (маълумот)ни аниқ ва тушунарли, мазмун ва структур

жиҳатдан яхлит, мантиқан изчил, қисқа ва ихчам акс эттириши лозим. Тўртинчидан, рекламадан кутилган натижа ҳамма вақт лингвопрагматик омилларга боғлиқ бўлиб, бунда реклама матнининг таъсир қилувчи ва ҳаракатга ундовчи нутқ стратегияси асосида шаклланган бўлиши бош мезондир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Б.Х. Ўзбек реклама лингвистикаси: назария ва амалиёт. Филол. фанлари ... фалсафа доктори (PhD)... диссер... автореф.– Андижон, 2020. –51 б. [Текст] http://library.ziyonet.uz/uz/book/112956
1. 2. Дори воситалари рекламасининг замонавий усуллари. –Т., 2009. –17 б. [Текст] http://library.ziyonet.uz/static/lib/reader-pdf/web/viewer.html? file= http:// library.ziyonet.uz/uploads/books/761935/5af6964f8eb08. pdf
2. Karriyeva Yo.K., Nematov I.U., Masharipov A.A., Egamberdiyev Yo.I., Abdurahimov S.N, Abdilakimov G.A. Reklama faoliyatini tashkil etish: O‘quv qo‘llanma .–T.: TDIU, 2009. –132 b.
3. Кудисова Е.А. Речевая агрессия как поиск новых форм в рекламе// Журнал: «Современный ученый», 2019.– №3. – С.228-232.
4. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. –Т.: Фан, 1984. –Б.17-18.
5. Mamirova D.Sh. O‘zbek tilidagi reklamalarning sotsiolingvistik tadqiqi. Magistrlik dissertatsiyasi.– Samarqand, 2012. – 84 b.
6. Назарова С.А. Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда. –Т.: Фан, 2015. – 112 б.
7. Назарова С.А. Сўз бирикмаларининг вазифаси ва янги атов бирликлари // Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. – Бухоро, 2018. –№2. –Б.70-73.
8. Nazarova S.A., Xojiyeva M.Yu. Personal Description in the Word Combination and Expression in a Speech//International Journal of Integrated Education ISSN: 2620-3502 (E) 2615-3785 (P) Feb.26.2020. -P.15-18. https://journals.researchparks.org/ index.php/IJIE/article/view/4
9. 10.Панарина Е.И. Реклама лекарственных препаратов: лингвопрагматический аспект. [Текст] https://journ.bsu.edu.ru/vkr/11.pdf
10. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Татбиқий тилшунослик тезислари//Илмий хабарнома, АДУ.2016. –№3.–Б.78-81.https://xabarnoma.adu.uz/arxiv/2016/2016-3.pdf)
11. Эшбеков Тўлқин. Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама. [Текст] http://uchildiz.uz/ Реклама матнини ёзиш санъати. Реклама матнининг тили ва услуби. [Текст] http://uchildiz.uz/
12. Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро: Бухоро университети, 2000. –Б. 6-7.
13. https:// kun.uz/74087471
14. https://t.me/kunuzofficial/105548

ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

4 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 4, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 4, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000